

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳукукида

УДК 297 (51)

А - 91

АЧИЛОВА НОДИРА ХИКМАТИЛЛАЕВНА

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИДА БИДЪАТ МОҲИЯТИНИНГ
ТУШУНИЛИШИ**

Мутахассислик: 5А220401 – Исломшунослик

**Исломшунослик мутахассислиги бўйича магистр
даражасини олиш учун тайёрланган**

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: фал.ф.н., доц. О. Юсупов

Ташқи тақризчи: т.ф.д. А. Аширов

Ички тақризчи: т.ф.н. Д. Муродов

Тошкент-2011

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. “БИЪДАТ” АТАМАСИНИНГ МАНБАЛАРДАГИ ТАЛҚИНИ	
1.1. “Бидъат” сўзининг мазмун-моҳияти ва истилоҳий маънолари.....	9
1.2. Қуръони карим ва ҳадис тўпламларида бидъат тушунчасининг талқини.....	27
1.3. Олимлар наздида бидъат.....	41
II БОБ. XIX АСР ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИДАГИ ИСЛОҲОТ ЖАРАЁНЛАРИДА “БИДЪАТ” АТАМАСИГА ТУРЛИЧА ЁНДОШУВЛАР	
2.1. Халқ орасида бидъат моҳиятининг тушунилиши.....	60
2.2. Жаҳидлар матбуотида бидъатга бўлган муносабат.....	75
ХУЛОСА	81
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати	85

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви натижасида динга нисбатан ижобий муносабатнинг қарор топиши ислом динини чуқур билиш, бу соҳада яратилган бой меросни қунт билан ўрганиш вазифасини долзарб қилиб қўймоқда.

Бошқа томондан дин ижтимоий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, инсониятни ҳамиша эзгуликка даъват этади. Тинчлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-муҳаббат, хайр-саҳоват каби эзгу ғояларга асосланган амалий хатти-ҳаракатлар эса бағрикенглик ва адолат тамойиллари устуворлигига ҳамда жамият ҳаётининг барқарор ривожига мустаҳкам замин яратади. Айни нуқтаи назарга кўра, Президент И. Каримов ўринли таъкидлаганидек, дин ва диний эътиқод бутунлай рад этиладиган ҳаёт ғайриинсоний кўринишга эга бўлади, асрлар давомида дин негизида шаклланган, халқ ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб кетган қадриятларнинг барчаси рад этилишига олиб келади. Натижада инсон ўзининг ички дунёси, ҳис-туйғу ва қарашлари, таяниб-суяниб турадиган пойдеворидан маҳрум бўлиб, ота-онасини ҳам, ўз миллати, халқи ва Ватанини ҳам танимайдиган аянчли ҳолатга тушиб қолади¹.

Юртбошимизнинг методологик аҳамиятга молик назарий умумлашма ва хулосалари ислом динининг моҳиятига объектив ва адекват ёндашиш амалий аҳамиятга эгалигидан далолат беради. Шунингдек, давримизга келиб, исломшунослик муайян фанларни ўзида бирлаштирган яхлит тизим ичидаги мустақил соҳага айланди. Бу эса унинг ривожини тизим доирасидаги бошқа фанларнинг интеграция ва дифференциялашув жараёни билан узвий боғлиқ равишда кечаётганини англатади. Исламшуносликка оид масалаларни назарий ва амалий жиҳатдан муваффақиятли ҳал этишда халқ анъана ва удумларининг жамият ҳаётига таъсирини тадқиқ этиш муҳим ва ўзига хос ўрин тутаяди. Шунинг учун ислом таълимотининг асосий манбаи Қуръони карим ва ҳадиси шарифларни ўрганиш, муқаддас ислом динимизни турли

¹ Қаранг: Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 93-94.

бидъат ва хурофотлардан холи сақлаш ҳар бир мусулмоннинг муқаддас бурчидир.

Қадимдан Марказий Осиё минтақаси турли дин ва маданиятлар кесишган нуқта бўлиб, айниқса, ислом маданияти кириб келган даврдан то асримизгача етиб келган қадрият, урф-одат, маросимлар халқнинг онгига сингиб, кенгайиб борди. Натижада ўзбек халқи учун катта аҳамиятга эга урф-одатлар, анъана ва маросимларнинг асосли-асоссиз равишда ислом дини билан боғланиши бидъат тушунчасини юзага чиқарди.

Халқ анъаналарининг шакли саналмиш диний маросимларнинг айримлари, аслида, қадимги даврлардан қолган одатлар бўлса, баъзиларининг негизи маълум бир динга бориб тақалади. Жумладан, юртимизда кенг нишонланадиган тўй, маърака, фарзанд туғилиши билан боғлиқ маросимлар ҳам диний, ҳам миллий қадриятларни ўзида жамлаган урф-одатлардан ҳисобланади.

“Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз, жамиятимиз аъзоларини, авваламбор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборат”². Демак, бу маросимлар юртимизда мавжуд экан, уларни бевосита ўрганиб, исломшунослик ҳамда тарихий-этнографик нуқтаи назардан таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан юртбошимиз Ислом Каримовнинг 1998 йил 28 октябрда “Тўй ҳашамлар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида”ги (ПФ-2100) Фармони (2002 йил Фармоннинг янги таҳрири қабул қилинди) ҳамда 2002 йил 28 декабрда Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг “Тўй, маросим

² Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 68.

ва маъракаларни меъёрда ўтказиш ҳақида Фатво”³сининг қабул қилиниши тадқиқот мавзуси доирасидаги масалаларнинг давлат сиёсати даражасида эътиборга молик эканлигини билдиради.

Диссертациясининг ўрганилганлик даражаси. Қадрият, урф-одат, маросим ва бидъат масаласи ҳамиша долзарб бўлиб келган. Уларнинг ечимига доир фикрлар Қуръони карим, Муҳаммад пайғамбар ҳадислари ва қатор алломаларнинг асарларида баён қилинган. Юртбошимиз И.А. Каримовнинг бир қанча асарларида ҳам ушбу муаммо бўйича тавсия ва кўрсатмалар ўрин олган. Шунинг учун ислом манбалари ҳамда буюк мутафаккирлар ва Президент И.А. Каримов асарларида келтирилган ислом дини ҳамда миллий ва диний қадриятлар ҳақидаги назарий-илмий ва амалий хулосалари тадқиқотнинг **назарий-методологик асоси ва методлари** сифатида олинганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Т.ф.д. А.Аширов, т.ф.н. О.Бўриев, т.ф.н. Б.Бобажонов, т.ф.док. проф. С.Аъзамхўжаев, проф. И.Жабборов, т.ф.н. С.Шодмонова, Қ.Насриддинов, Ғ.Соатов, У. Қорабоев, З.Улуғбекова, илмий тадқиқотларида⁴ ўзбек халқининг қадимий маросим ва удумлари юзасидан муайян хулосаларга келинган.

Челик Али⁵ асарларида бидъат масаласи оят ва ҳадислар ҳамда ўрта аср мутафаккирларининг диний-фалсафий қарашлари асосида анча батафсил ўрганилган.

³ Ислом маърифати. Нашрга тайёрловчилар: Шоазим Миноваров, Нуриймон Абулҳасан. – Т.: Тошкент ислом университети, 2005. – Б. 98-100.

⁴ Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т., 2007. -275 б.; Бўриев О. Муродбахш кунлар. – Т.: Фан, 1992. -130 б.; Бабажанов. Б. Исхак-хан тура ибн Джунайдаллах Хаджа, Мизан аз-заман, Ташкент-Токио, 2001.; С.Аъзамхўжаев. Туркистон мухторияти – жадидлар миллий демократик давлатчилик ғояларининг амалдаги ифодаси //Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик,ва тараққиёт учун кураш. – Т.: Университет, 1999. -218 б.; Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Т.: Ўқитувчи, 1994. -314 б.; С.Шодмонова. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида (1870-1970 йиллар). ЎЗР ФА тарих институти. – Т.: Yangi nashr, 2011. – 296 б.; Насриддинов Қ. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. – Т., 1996. -140 б.; Соатов Ғ. Халқ байрамларининг этно-фольклор хусусиятлари. – Наманган, 1992. -275 б.; Қорабоев У. Ўзбек халқ байрамлари. – Т.: Шарқ, 2002. -200 б.; Улуғбекова З. “Ал-Ислоҳ” журнали Туркистоннинг диний-маърифий ҳаётини ўрганишда ноёб манба. ТИУ илмий таҳлилий ахбороти, – Т.: 2006. - №3. 34-36 б.

⁵ Челик Али. Kavram ve Mahiyet Olarak Sünnet ve Bid’at. – Истанбул. 1997. 122-124 б.

Рус олимларидан – М.Андреев, О.Сухарева, З.Арифханова, Г.Зунунова⁶, араб олимларидан – Изуддин Ибн Абдуссалом, Иззат Али Атийя, Туртуший, Лакнавий, Шотибий, Али Махфуз ва Мавсуъат ал-Фикҳия⁷ ҳамда турк олимлари – А. Фиглалий, Шайх Мўмин Шебленжи⁸ илмий ишларидан маросимлар тарихи, йўналишлари тўғрисида муҳим хулосага келиш мумкин.

Бидъат муаммоси XIX аср охири XX аср бошларида тарих сахнасига келган жадидлар фаолиятида кенг ўрин эгаллайди. Улар халқ ва миллатнинг маънавий-маърифий савиясини юксалтириш йўлида динимизни бидъат ва хурофотлардан тозалашни мақсад қилиб олганлар ҳамда бу борада Қуръон, ҳадисларга таяниб, ижтимоий-сиёсий жараёнларни тўғри таҳлил қилиш, халқ орасида тушунтириш ишлари олиб борганлар. М. Абдурашидхонов, М. Бехбудий, Фитрат фаолиятларида⁹ ижтимоий ҳаётда ахлоқ ва кадриятларнинг ўрни тадқиқ этилган. Аммо бидъат тушунчасининг моҳияти ва унинг ижтимоий ҳаётга таъсирини Марказий Осиё мисолида ўрганиш мазкур тадқиқотларнинг мақсадига кирмаган.

Ҳозирга қадар ўзбекистонлик тадқиқотчилар бидъат тушунчасини яхлит ҳолда махсус таҳлил этмаганлари сабабли, тадқиқот мавзуси бўйича ўзбек тилида яхлит, монографик тадқиқотлар йўқ.

⁶ Андреев М.С. Женская богиня «госпожа вторник», покровительница прях // Религиозные верования народов СССР. – М. – Л., 1931. – Т.1. -311 с.; Андреев М.С. Таджики долины ХУФ (Верховья Аму-дарьи) выпуск I. – Сталинабад, 1953. -250 с.; Сухарева О.А. Ислам в Узбекистане. – Т.: АНУзССР, 1960. -240 с.; Арифханова З.Х, Зунунова Г.Ш. Обрядово – ритуальная жизнь узбеков Ташкента в условиях независимости. – Т., 2006. - 94 с.

⁷ Изуддин Ибн Абдуссалом. Қаваид ал- Аҳком.; Иззат Али Атийя. Ал-Бидъа. – Байрут: Дар ал-кутуб илмия, 1982.; Туртуший. Китаб ал-ҳавадис вал Бидъа. – Риёз: Дар ат-тафсир, 1411/1990.; Абдулхай ал-Лакнавий. Иқомат ал-Хужжа. – Ҳалаб, 1386/1966.; Шотибий. ал-Эътисом. – Байрут Дар ал-маърифа.: 1405/1985.; Али Махфуз. ал-Бидъа фи мазаррати ибтида. – Байрут: Дар ал-эътисом, 1375/1956.; Мавсуъат ал-Фикҳия. – Коҳира: Дар ас-Сафва, 1414/1993. – Т. 8.

⁸ Фиглалий. *Çağımızda İtikâdî İslam Mezhepleri*. – Анкара: Козан офсет, 1983.; Шебленжи. Нурул эбсар. – Истанбул., 2004. - 70 б.

⁹ “Ойина” (1914 – 1915) / Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. – Т.: Академия, 2001. -112 б.; М. Абдурашидхонов Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 2003. - 304 б.; М. Бехбудий Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 1999. - 282 б.; А. Фитрат Танланган асарлар. 3 жилдлик. Ж.1. – Т.: Маънавият, 2000. -256 б.; Ўша муаллиф. Танланган асарлар. 3 жилдлик. Ж.2. – Т.: Маънавият, 2000. -208 б.; Ўша муаллиф. Танланган асарлар. 3 жилдлик. Ж.3. – Т.: Маънавият, 2003. -256 б.

Шу сабабли магистрлик диссертациясини тайёрлашда, хорижий тиллардаги тадқиқотлар билан бир қаторда ўзбекистонлик олимларнинг асл манбалар асосида амалга оширган асарларига мурожаат қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқот мавзусининг илмий янгилиги куйидагилардан:

- “Бидъат” атамаси комплекс равишда биринчи бор тадқиқ қилинди;
- Бидъат мавзуси илк бор тарихийлик нуқтаи назаридан ўрганиб чиқилди;
- Марказий Осиё халқлари ижтимоий ҳаётида бидъат тушунчаси илк мартаба исломшунослик нуқтаи назаридан ўрганиб чиқилди;
- Жадидлар даврига оид нашрларда бидъатга бўлган турли ёндашувлар илк бор тадқиқ қилинди;
- Минтақадаги турли бидъат саналган одат ва амаллар борасида халқ орасида сўровнома ўтказилиб, маълум хулосалар берилди;
- Бидъатнинг сабаблари ва оқибатлари ҳақида манбаларга таянилган ҳолда фикрлар келтирилди;
- Бидъатларга қарши курашиш чора тадбирлари хусусида айрим тавсиялар берилди.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади Марказий Осиёда бидъат моҳиятини адекват равишда очиб бериш ва илмий таҳлил этишдан иборат. Тадқиқот вазифалари сифатида куйидагилар белгиланди:

- “Бидъат” атамасининг мазмун-моҳияти ва истилоҳий маъноларини очиб бериш;
- Қуръони карим ва ҳадис тўпламларида бидъат тушунчасининг талқин этилишини ёритиш;
- олимлар томонидан “бидъат” тушунчасига берилган таърифларни таҳлил қилиш;
- илк ислом даврида дастлаб пайдо бўлган бидъатларни тадқиқ этиш;

- Марказий Осиё халқлари орасида кенг ёйилган бидъат моҳитининг тушунилишини ўрганиш;
- XIX асрнинг охири ва XX аср бошларидаги манбалар орқали тадқиқот мавзуси доирасидаги масалаларни ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш;

Диссертациянинг объекти ва предмети. Марказий Осиё халқларида бидъат моҳиятининг тушунилиши тадқиқот объекти ҳисобланади. Тадқиқот предметини эса Марказий Осиё халқлари ижтимоий ҳаётида бидъатнинг намоён бўлиш хусусиятлари, уларнинг жамият тараққиётига таъсири ташкил этади.

Магистрлик диссертациясининг назарий ва амалий аҳамияти. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ҳар бир соҳа сингари диний жабҳаларда ҳам ўзгаришлар юзага келди. Мамлакатда эътиқод ва виждон эркинлиги таъминланди. Ҳар бир дин вакилларига ўз ибодатини адо этишига рухсат берилди. Шунингдек, минг асрлик қадриятлар, урф-одатлар ва маросимлар эл орасига яна қайтди, эмин-эркин нишонлана бошланди. Шундай экан, тадқиқ қилинаётган мавзу юртимизда исломшунослик соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотларни янада ривожланиши ва халқимиз диний онгини тўғри ўсиши ҳамда динимизни турли хурофот ва бузғунчи ғоялардан сақлаш учун хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан эса диний ташкилот ва миллий-маданий марказлар фаолиятида, ёшлар ўртасида, жамоат ташкилотларида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва мафкуравий ишларда, шунингдек, халқ таълими, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида “Исломшунослик”, “Диншунослик”, “Маънавият асослари”, “Этнография” каби фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг таркибий тузилиши ва ҳажми: Тадқиқот иши “Кириш”, беш параграфни ўз ичига олган икки боб, “Хулоса”, “Фойдаланилган адабиёт ва манбалар рўйхати”дан иборат бўлиб, асосий матни 85 бетни ташкил этади. Тадқиқотда 106 та манба ва адабиётдан фойдаланилган.

I БОБ. “БИДЪАТ” АТАМАСИНИНИГ ИСЛОМ МАНБАЛАРИДАГИ ТАЛҚИНИ

1.1. Бидъат сўзининг моҳияти ва истилоҳий маънолари

Бидъат сўзи луғатда “عبد” ўзагидан олинган бўлиб, “ўхшаши бўлмаган бир ишни қилмоқ, ижод қилмоқ” маъносида келади. Бу сўз келиб чиқиш маъносига кўра, “янгилик, кейин пайдо бўлмоқ, ўхшаши йўқ” каби бири-бирига жуда яқин маънолар бериш билан бирга, бошқа маъноларда ҳам ишлатилади¹⁰. Бу мавзунини кенгрок ёритиб бериш мақсадида бидъат сўзинини куйидаги маъноларини келтириб ўтиш ўринли:

- Бир нарсани ўхшашисиз қилмоқ (базармоқ), ижод қилмоқ;
- Кудук қазимоқ ва очмоқ;
- Тенги йўқ;
- Ишни чиройли қилмоқ;
- Хасталик, чарчоқ, заифлик каби камчиликлар сабабли туяни йўлда қолиб кетиши;
- Кимнидир далили ҳукмсиз қолди;
- Шоир тенги йўқ шеър ёзди;
- Янгидан бир нарсани пайдо қилмоқ, бидъат чиқармоқ;
- Янги иш, воқеа, шижоат ва шарафда устун киши, мода.

Кейин пайдо бўлган бидъат, бир нарсани ўхшаши йўқ қилиб пайдо қилган, яратган, Аллоҳнинг “ал-асмо ал-хусна”сидан биридир. Шунингдек, мукаммал, етук (комил), янги тери тўрва, семиз киши деган маънолари ҳам мавжуд.

¹⁰ Ибн Манзур. Лисон ал-араб. – Байрут: Дар ал-фикр, 1997. – Б. 229-231.; Таҳонавий. Кашшоф истилаҳат ал-фунун. I-II, Истанбул, 1994. – Б. 133. (Бундан кейин: Таҳонавий. Кашшоф); Зобидий. Тож ал-Арус. – Байрут. Дар ал-аҳяи ат-Турок, 1965/1385. – Б. 309.; Ибн Форис. Мўъжам мақоис ал-луға. – Қоҳира: Дар ал-мактаба, 1368. – Б. 209-210.; Иззат Али Атийя. Ал-Бидъа. – Байрут: Дар ал-кутуб илмия, 1982. – Б. 157. (Бундан кейин: Атийя. Бидъа.).

Азҳарий (ваф. 370/991 й.) тамал маъно сифатида “янги бўлмоқ”, Кисойй (ваф. 190/805й) “хайр (яхши) ва шар (шар)га эга энг сўнги нуқта” деган таърифларни берадилар.

Абу Саъид “ابدع” қолипида “ботил бўлмоқ” маъносининг ҳам мавжудлигини айтади. Масалан, фалончининг хужжати ботил бўлди, деган иборани ҳам борлигини келтиради¹¹.

Асмаий (ваф. 231/845 й.) эса “тўймоқ, семиз бўлмоқ” маъноси борлигини айтиб, Ибн Арабий “керакли қилди, вожиб деб ҳисоблади” каби маъноларининг ҳам борлигини айтадилар¹². “عبد” сўзи ва унинг бошқа маъноларда келган шакллари қўйидаги умумий маъно атрофида бирлашади: “Мавжуд ҳолатдан ташқарида бўлмоқ” каби.

Бидъат сўзининг истилоҳий маъноси ҳам турлича талқин қилинган. Сўз луғатда “янгилик” маъносини билдириш билан бирга, атама сифатида унга фарқли таърифлар ҳам берилган. Бу таърифларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Улар кенг қамровли ва тор маъноли таърифлардир.

Кенг қамровли таърифга кўра бидъат, Пайғамбар (с.а.в) вафотларидан кейин пайдо бўлган ҳар нарсаларга айтилади¹³.

Тор қамровли таърифга кўра эса, Пайғамбар (с.а.в)дан кейин пайдо бўлган ва динга доир қўшимча ва камчилик олиб келадиган ҳар нарса¹⁴ тушунилади.

Ҳар икки таъриф таҳлил қилинса, “Пайғамбар (с.а.в)дан кейин пайдо бўлган” деган маъноларни ўз ичига олгани билан, уларни мазмунларида фарқ бор. Яъни, биринчи таърифга кўра, “ҳар нарса” кирса, иккинчи таърифда фақатгина “дин билан боғлиқ нарсалар” кирар экан. Ҳар икки таърифда ҳам бидъат сўзининг маъносидаги “янгилик” кўпроқ салбий маъно касб этади. Бу

¹¹ Челик Али. Kavram ve Mahiyet Olarak Sünnet ve Bid'at. – Истанбул. 1997. – Б. 122. (Бундан кейин: Челик Али. Kavram ve Mahiyet Olarak Sünnet ve Bid'at)

¹² Ибн Манзур. Лисон ал-араб. – Байрут: Дар ал-фикр, 1997. – Б. 229-231. (Бундан кейин: Ибн Манзур. Лисон ал-араб.)

¹³ Изуддин Ибн Абдуссалом. Қаваъид ал-аҳком. – Б. 172; Атийя. Бидъа. – Б. 162.

¹⁴ Атийя. Бидъа. – Б. 162.

ерда динга тааллуқли бўлмаган воқеа-ҳодисаларнинг динни бузиш хавфи борлиги назарда тутилади.

Бу ерда ёритилиши керак бўлган бошқа бир жиҳат, Пайғамбар (с.а.в) яшаган даврлари сўнгида бидъатлар ўртасида чегаранинг мавжуд бўлганлигидир. Кейинчалик бу чегара Пайғамбар (с.а.в)нинг бу мавзудаги ҳадисларини эътиборга олган ҳолда, улар далолат қилган маънога кўра, хулафои рошидин, саҳабаи киром ва тобеъинлар даврига қадар кенгайиб борди. Бу ихтилоф суннатнинг таърифи ва моҳияти хусусидаги ихтилоф таъсирида келиб чиқди. Чунки суннат ва бидъат луғавий ва истилоҳий маънода ҳам бир-бирига зид сўзлардир.

Бидъатнинг қисмлари. Пайдо бўлган бидъатлар хусусиятларига кўра турлича таърифланади ва шу таърифлар ичида қисмларга ажратилади:

А) “Ҳасана” яхши ва “Саййиа” ёмон жиҳатидан бидъатлар. Бу тақсим, бидъат тушунчасини анча кўп, кенг маъноси билан тушунганларнинг қилган тақсимидир. Яъни Пайғамбар (с.а.в)дан кейин пайдо бўлган барча нарса бидъатдир, деганларга кўрадир. Хоҳ диний мавзуларда бўлсин, хоҳ диний бўлмаган мавзуларда бунинг фарқи йўқ. Пайдо бўлган бидъат, Аллоҳ ва Расулининг амр қилиб, ташвиқ қилган нарсаларининг умумий маъносига тўғри келса, (айримлар илк уч асрда (саҳоба, тобеъин, табаъ-тобеъин) учрамай, Қуръон ва суннат асосларига тўғри келса) яхши “ҳасана” (яхши), агар тўғри келмаса, уни бўзса ва инкор қилса ёмон “саййиа” (яхши) бўлади¹⁵. Бу мавзуда Имоми Бирғивий “Муҳаммад тариқати” асарида қўйидагиларни келтиради: “Агар сен ибодат туридан бўлган ва бидъати ҳасана дейилган бир янгиликни учратсанг, ё ишора ё далил билан шаръий томондан бунга изн берилганини топасан. Замонимиз олимларининг икки фирқага ажралиб кетганлари қандай ёмон нарсадир. Бу икки фирқадан биринчиси суннатни фақатгина уч давргача етказди. Бу учинчи даврдан кейин пайдо бўлган нарсаларни “*бидъати залал*” (залолатга бошлайдиган бидъат) деб қабул

¹⁵ Ибн Манзур. Лисон ал-Араб. – Б. 229-230; Таҳонавий. Кашшоф истилахат ал-фунун. – Истанбул., 1994. – Б. 133; Атийя. Бидъа. – Б. 162.

қилиб, фақат бу нарсаларнинг шаръий асосларидан қай бирига таянганига эътибор қилмадилар. Хатто баъзилари суннатни фақат Пайғамбар (с.а.в) даврларига тегишли дейдилар. Саҳоба даврида пайдо бўлган янгиликларни ҳам “бидъти залал” деб қабул қиладилар. Иккинчи гуруҳ эса оталари, боболаридан етиб келган нақлларга, шайхларининг қилган ишларига таянадилар. Чунки бу гуруҳ вакиллари оталари, боболари ва шайхларига кўпроқ ишонадилар.”

Бу ерда шундай мулоҳаза юритиш мумкин: бидъатни тор маънода тушунганлар, яъни, “Бидъат Пайғамбар (с.а.в)дан кейин пайдо бўлган, дин билан боғлиқ бўлиб қўшимча ва камчилик ташиган ҳар нарсадир”¹⁶, деганлар, “бидъат дейилганда бидъати саййиани тушуниб, бидъатнинг “ҳасана”си бўлмайди десалар ҳам, табиий ҳолда бу икки хусуснинг бири-бирига таъсири мавжудлигини, бидъат дин билан боғлиқ ҳоллардаги қўшимча ва камчиликдир”, деганларнинг ҳам бидъатни хасана ва саййиа деб турларга ажратганларини кўриш мумкин. Бугун айниқса халқ орасида бидъатнинг қайси мавзуларда мавжудлигига кўра таъриф берилмоқда ва хасана ва саййиа деб ҳукмлар берилмоқда¹⁷.

“Бидъати ҳақиқий” (ҳақиқий бидъат) ва “бидъати изофий” (нисбий бидъат) Ҳақиқий бидъат, ҳеч бир жиҳатдан суннатда бўлмаган ва ҳеч бир шаръий далилда учрамайдиган бидъатдир. Масалан, Аллоҳнинг розилигига эришиш мақсадида, уйланишга буюрадиган сабаблар борлигига қарамай, уйланишдан воз кечиш¹⁸, Шиаларнинг Ашуро кунида Ҳусайнни вафотларини эслаб юзларини юлиб, таналарини тирнашлари, Каъбадан бошқа ерларни тавоф қилиб, шамлар ёкиб, қандиллар очиш кабилар¹⁹.

¹⁶ Абдулҳай ал-Лакнавий. Иқомат ал-хужжа. – Ҳалаб, 1386/1966. –Б. 22 (Бундан кейин: Лакнавий. Иқомат ал-Хужжа).; Муҳаммад Мавлоно Абу Саъид Ходимий. Ал-Барика. Истанбул. 1981. – Б. 273 (Бундан кейин: Ходимий. Ал-Барика).

¹⁷ Али Челик. Kavram ve Mahiyet Olarak Sunnet ve Bid'at. – Б. 137-139.

¹⁸ Уйланишдан воз кечишнинг диндорлик сабабли бўлса, бидъат саналади. Аммо маълум инсоний ёки шаръий сабаблар юзасидан тарк қилиниши бундан мустасно.

¹⁹ Али Махфуз. Ал-Ибдаъ фи мадарри ибтида. – Байрут: Дар ал-эътисом, 1375/1956. – Б. 55-56.

Нисбий бидъат эса, айрим хулосаларга кўра бидъат, айрим фикрларга кўра бидъат бўлмаган янгиликлардир. Масалан, Ражаб ойининг илк жумаъ кечаси белгиланган тарзда 12 ракат нафл намозини ўқиш. Бу ҳар 2 ракатда салом бериб, ҳар ракатда бир мартта “фотиҳа”, 3 мартта “инна анзална” сураси ва 12 мартта “ихлос” сурасини ўқиш орқали адо этилади. Ислом олимлари буни ёмон ва мункар бидъат деганлар. Чунки зоҳиран қаралганда, оддий бир намоз ҳисобланиб, белгиланган вақтда белгиланган шаклда ўқилиши кераклигига ҳеч қандай далил йўқдир. Бу намоз сифатида қаралса бидъат саналмайди, аммо бу намознинг Китоб ва Суннатда берилмаган шаклда ўқилишига одатланиш, бидъати саййиадир. Чунки янги бир нарса уйдирилгандир. Имонни муҳофаза қилиш намози, ота-онага яхшилик қилиш намози, қабр намози қабилар Китоб ва суннатда берилмаган намозлардир. Агар булар суннат, Пайғамбар (с.а.в) шундай қилганлар деб амал қилинса, бидъти саййиа бўлади. Буларнинг барчаси намоз ҳисоблансада, ҳеч қандай шаръий далилга суянмаганлиги учун бидъат ҳисобланади²⁰.

Одат ва ибодатлардаги бидъатлар. Бидъатнинг кенг маъноли таърифига биноан одат ва ибодатлардаги бидъатларни ёритиб беришдан аввал “умури адийя”²¹ ва “умури тааббудийя”²² иборалар билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқ. “Умури адийя” дан мақсад, дунёвий фойдаларга эришиш воситалари бўлган муамалат, тасарруфот (тежамкорлик) каби инсонлар ўртасидаги муносабатлардир. Инсонлар ўртасидаги дунёвий бу ишларнинг юзага келишида Жаноби Ҳаққа яқинлик кўзда тутилмайди²³. Аммо бирор бир гоё ва мақсад бўлмаса ҳам ишлаб чиқилган бу феълларнинг ибодатлар билан тўғридан-тўғри эмас, балки бевосита алоқаси бордир. Бундай вазиятда кишининг бу мавзудаги ниятига эътибор қаратилади. Чунки

²⁰ Али Маҳфуз. Ал-Ибдаъ фи мадарри ибтида. – Байрут: Дар ал-эътисом, 1375/1956. – Б. 59. (Бундан кейин Али Маҳфуз. ал-Ибдаъ); Али Челик. Kavram ve Mahiyet Olarak Sünnet ve Bid'at. – Истанбул. 1997. – Б. 142-143.

²¹ Одатларга доир ишлар.

²² Ибодатларга доир ишлар.

²³ Челик Али. Kavram ve Mahiyet Olarak Sünnet ve Bid'at. – Б. 120.

маълумки, “ибодат билан одатни бир-биридан ажратувчи нукта ниятдир”²⁴. Фақат бу ердаги тақсим кўпроқ зоҳирий ҳолат юзасидандир.

Дин, мукаллифга тасарруф эркинлигини, шаръий далиллардан олинган миқёсда ва диннинг умумий қоидаларига мос равишда ўрганган. Яъни бу турдаги ишларни инсоннинг ўзига ёки бошқа инсонларга зарар етказмаслик ва ҳаддидан ошмаслик ширти билан инсоннинг ўзига қўйиб беради. Яна ҳам очикроқ айтганда, ўзига мубоҳ қилинган нарсаларни жоизлик чегарасидан чиқмаган, тақиқланган чегарани бузмаган ҳолда инсонга хавола қилингандир. Инсоннинг бу амалларни кенгайтириш ва истагини амалга ошириш (ибтидо), манфаатга зарар етказмай мақосиди шаръиядан четга чиқмай ҳаракат қилиши мумкин. Мақосиди шаръия эса:

1. Заруриятни муҳофазаси, яъни, инсон ҳаёти ва борлигинини давом этиши учун керак бўлудиган нарсалар. Булар: динни муҳофаза, жонни ҳимоя, молини, аҳл ва ор-номусни ҳимоя қилишлиқдир.
2. Ҳожатларни муҳофазаси, яъни мукаллифлар олдида диний маъсулиятларни енгиллаштириш машаққат ва қийинчиликни дафъ қилиш учун керак бўладиган нарсалардир. Сафарда рўза тутишнинг мубоҳлиги.
3. Таҳсиният (такомиллашув, яхшилаш)ни муҳофза қилиш, яъни, табиий ва туғма гўзалликларни амалга ошириш учун керакли бўлган нарсалардир. Ахлоқий гўзаллик, жисмоний гўзаллик, комиллик ва гўзалликнинг пайдо бўлиши учун керакли нарсалар. Таҳорат, авратларни беркитиб юриш ҳукмларига риоя қилишлиқ. Буларнинг барчаси ўз ўрни ва аҳамиятига қараб, динда ўз мавқеига эгадир. Ҳожият ёки таҳсиниятни амалга ошириш учун заруратни бузиш жоиз эмас²⁵.

²⁴ Атийя. Ал-Бидъа. – Б. 257-258.

²⁵ Ибн Ражаб Ҳанбалӣ. Жоме ал-улум вал ҳикам. – Байрут: Дар ат-турос, 1415. – Б. 85.

4. Ибодат масалаларига келсак, Аллоҳга яқинлашиш учун йўналтирилган амаллар борасида мутлоқ риоя қилинади. Намоз, рўза, хаж, зикр ва бошқалар. Одат ва ибодатларда Қуръон ва суннатда белгиланган ҳолатдан четга чиқиш кенг маъноли таърифга кўра бидъат ҳисобланади. Бу бидъатнинг ҳолатига қараб, ҳасана ва саййиага бўлинади²⁶.

Исломда илк бидъат. Бидъатнинг пайдо бўлиши ҳақида, турк олими Фиглалий ўзининг “Çağımızda İtikâdî İslam Mezhepleri”²⁷ асарида илк бидъат – хорижийларнинг²⁸ ажралиб чиқиши билан бошланганини илгари суради. Яна турк олимлардан Али Челик ўзининг “Kavram ve Mahiyet Olarak Sünnet ve Bid’at”²⁹ номли асарида буни аввалроқ пайдо бўлганини айтиб, хазрати Усмон (р.а) даврларида содир бўлган фитна ҳаракатлари – Абдуллоҳ ибн Сабанинг фаолиятлари билан боғлайди. Шунингдек, араб олимлари томонидан нашрга таёрланган “Мавсуъат ал-фикҳия”³⁰ энциклопедиясида илк бидъат Пайғамбар (с.а.в) даврларида чиққанлиги ҳақида хабар берилади. Андалус олимларидан Абу Бакр Муҳаммад ибн Волид Туртуший (ваф. 520/1126 й.) бидъат сўзининг истилоҳий маъносидаги кўламига эътибор қаратиб, “табдил (ўзгартириш) ёки зиёда ва нуқсонлантириш” ифодаси орқали ислом динига кириб келган баъзи одатлар, камчиликлар, қўшимча ва ўзгаришларнинг ҳам бидъат эканлигини ўзининг “Китоб ал-ҳавадис вал бидъа” номли асарида кенг ёритиб беради³¹. Бу олимнинг қарашлари бўйича хазрати Одам (а.с)дан бошлаб, барча илоҳий динларда кейин пайдо бўлган қўшимча ва камчиликлар, яъни таҳрифат (бузиб кўрсатиш, нотўғри тушунтириш)лар, бидъат мавзуси доирасида ўрганилади.

²⁶ Атийя. Ал-Бидъа. – Б. 263-264.

²⁷ Фиглалий. А. П. Çağımızda İtikâdî İslam Mezhepleri. – Анқара: Козан офсет, 1983. – Б. 38.

²⁸ Хорижийлар (37/675 й.) да Сиффин жангида ихтилоф чиқишига сабаб бўлган Таҳким воқеасида “ла хукма иллаллоҳ” қондасини илгари суриб ажралиб чиққан фирқадир. Илк ҳаракатлари сиёсий бўлиш билан бирга аҳли суннатга мос келмайдиган ҳам эътиқодий ҳамда амалий жиҳатдан фикрлари мавжуд. Хорижийлар ҳозирда баъзи кўрфаз атрофлари ва Шимолий Африкада оз миқдорда учраб туради.

²⁹ Челик Али. Kavram ve Mahiyet Olarak Sünnet ve Bid’at. – Б. 122-124.

³⁰ Мавсуъат ал-фикҳия. – Қоҳира: Дар ас-сафва, 1414/1993. – Т. 8. – Б. 28.

³¹ Қаранг: Челик. Али Kavram ve Mahiyet Olarak Sünnet ve Bid’at. – Б. 122-124.

Исломда илк бидъатнинг хорижийлар ажралиб чиққан даврга тўғри келаётганлиги айтилади. Аммо бидъатнинг кенг маъносига биноан, Пайғамбар (с.а.в) томонларидан билдирилган исломнинг қонун-қоидалари жорий қилинган ва унга турли эътироз, қаршиликлар кўрсатилган вақтда, яъни Пайғамбар (с.а.в) даврларида пайдо бўла бошлаганлигини манбалар орқали билиш мумкин. Бунга доир баъзи мисолларни келтириш мумкин. Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Жобир ибн Абдуллоҳ шундай дейди: Расулуллоҳ (с.а.в) Ҳунайдан (630 й.) қайтган вақтларида Жиърона деган жойда олдиларига Зу-л-Ҳувайрис деган бир одам келади. Бу вақтда саҳоба Билол (р.а)нинг чўнтаги кумуш тангалар билан тўлдирилган бўлиб, Расулуллоҳ (с.а.в) ундан олар ва одамларга тарқатардилар. У одам: “Эй, Муҳаммад! Адолатли бўл”, -деди. Расулуллоҳ: “Сенга надоматлар бўлсин! Агар мен адолатли бўлмасам, яна ким адолатли бўлади. Мен адолатли бўлмасам (сен одил бўлмаган инсонга тобеъ бўлганинг учун) албатта, қўлинг бўш қолиб, зиён кўриб қоласан-ку!”, деб марҳамат қилдилар.

Шунда Умар ибн Хаттоб: “Менга изн беринг ё Расулуллоҳ! Бу мунофиқни ўлдирай”, -деди, Расулуллоҳ (с.а.в): “Инсонларнинг, Муҳаммад саҳобаларини ўлдиртираяпти дейишларидан Аллоҳ сақласин. Албатта бу ва шу каби одамлар Қуръонни ўқийдилар, аммо ўқиган Қуръонларига риоя қилмайдилар. Улар диндан ўқнинг ёйни ёриб чиққани каби чиқарлар”, - дедилар³². Ҳадис шарҳловчилари, уларнинг “йўлбошчисиз яшашни истаган ва умматнинг ижтимоий танглигини ихтиёр қилган хорижийлар эканлигини эътироф этадалар”³³.

Бошқа ривоятда ансорлар томонидан Пайғамбар (с.а.в)га эътироз билдирилганини Анас ибн Молик келтирган ҳадис орқали ҳам билиб олиш мумкин. Унда: Аллоҳ таоло, Ҳунайн жангида Расулуллоҳга берилган (*фай*)

³² Муслим. Ал-Жомеъ ас-саҳих. – Б. 142-144.

³³ Мавсуъат ал-Фикҳия. – Қоҳира: Дар ас-Сафва, 1414/1993. – Т. 8. – Б. 30. (Бундан кейин: Мавсуъат ал-Фикҳия).

ўлжалардан қурайшликларнинг баъзиларига 100 тадан туя беришга буюрганда ансорлардан:

- Аллоҳ расулини мағфират қилсин. У Қурайшга бериб, бизларни унутаяпти. Ҳолбуки қиличларимизда хали қурайшликларнинг қони томчиламоқда, дедилар. Анас ибн Молик давомида шундай дейди: Ансорларнинг бу сўзи Расулуллоҳ (с.а.в)га етказилди. Расулуллоҳ (с.а.в) Ансорларга хабар жўнатиб, уларни бир чодир ичида тўпладилар. Улар тўплангач Расулуллоҳ (с.а.в) ёнларига келдилар ва “Сизлар томондан айтилган, менга етиб келган сўз нимани англатади?”, - дедилар. Буни тушунган ансорлар: “Ё, Расулуллоҳ бизнинг сизга байъат берганларимиздан ҳеч ким бундай иш қилгани йўқ, фақат баъзи ёшларимиз шундай дебдилар”, - дедилар. Бунга жавобан Расулуллоҳ (с.а.в): “Мен фақат қурайшдан бўлган (муаллафат ал-қулуб)ларга мол-дунё бераяпман ва бу орқали уларнинг қалбларида исломни уйғотмоқчиман. Бу инсонлар, эртага йўқ бўлиб кетадиган дунёлари билан уйларига кетаётганларида, сиз ҳам Аллоҳнинг расули билан уйингизга қайтаётганингиздан рози эмасмисизлар?! Аллоҳга қасамки, сизнинг Пайғамбар билан Мадинага қайтишингиз, уларнинг ғанимат моллари билан уйларига қайтишларидан шубҳасиз кўп хайрлироқдир”, -деб марҳамат қилдилар. Бунга жавобан ансорлар: “Ё, Расулуллоҳ биз сиз билан Мадинага қайтишни танлаймиз. Бизлар бунга кўпдан-кўп розимиз”, - дедилар. Расулуллоҳ (с.а.в): “Ишонингизки, бундан кейин яқин замонларда бошқаларнинг сизлардан устун келишининг гувоҳи бўласиз. Сизлар, Аллоҳ ва унинг расулига етишгунингизга қадар сабр қилинг. Мен Ховуз бошида бўламан”, -деб марҳамат қилдилар. Ансорлар биргаликда: “Сабрли бўламиз”, - дедилар³⁴.

³⁴ Имом Муслим. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ. – Қоҳира: Дар ал-райяни ли ат-турос, 1955. – Б. 133. (Бундан кейин Имом Муслим).

Бу икки воқеадан кўришиб турганидек, Пайғамбар (с.а.в) мунофиқларнинг мусулмонлар орасига фитна солиш ҳаракатлари³⁵, қолаверса, яҳудийларнинг Авс ва Хазраж қабилалари орасида фитна оловини ёқиб, икки қабилани бир-бирига қарши низо солганларида ҳам вазиятни енгиллатишга уринганларини кўриш мумкин³⁶.

Шунингдек, Пайғамбар (с.а.в) ва уларнинг суннатларига қарши илк эътирозлар, Ислом жамоасига кириб келган бузғунчи қарашларнинг, у киши ҳаётлик даврлариданоқ пайдо бўла бошлаганлигини, атаманинг салбий маънодаги илк бидъат ташаббуслари деб баҳолаш мумкин. Фақат бу каби ҳолатлар алоҳида воқеликларда намоён бўлади. Бироқ, бунга қараб мавзуни умумлаштириш хато бўлади, бу орқали истилоҳий маънодаги бидъатнинг айнан, услубий жиҳатини кўрсатиш мумкин.

Расулulloҳ (с.а.в) вафотларидан кейин янги ихтилофлар чиқиб, ридда ҳаракатлари, ислом майдонининг кенгайиши оқибатида, ўзгача маданият эгаларининг исломни қабул қилишлари билан бирга, ечим талаб этадиган янги муаммоларни ҳам исломга олиб кирди. Бу муаммоларни ечишда Қуръон ва суннат доирасида ижтиҳодлар қилинганидек, унга уйғун келмайдиган тушунча ва фикрлар ҳам келиб чиқиб, кенг оммага ёйила бошлади.

Табиийки, бидъат тушунчасининг фарқли иккинчи жиҳати ҳам мавжуд. У ҳам бўлса, фатҳ жараёнлари натижасида, ислом вужудга келган Ҳижоз ўлкасига нисбатан, анча бой ўлкаларда яшовчи халқларнинг исломни қабул қилишлари, аммо етарлича ислом моҳиятини яхши тушуна олмаганлари сабабли келиб чиққан. Улар ўзларининг эски қараш ва одатларини янги дин ақидаларига зид эканлигига қарамай, ислом номи остида олиб юришга ҳаракат қилганлар. Ислом жамоасида юзага келган турли ижтимоий-сиёсий зиддиятлар оқибатида, жамоага раҳбарлик қилиш жараёнларининг кутилган натижаларни бермаганлиги каби чигал ҳолатлардир.

³⁵ Имом ал-Бухорий. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ. / таржимон З. Исмоил ва бошқалар. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991.– Б. 128. –Т. 1.

³⁶ Ибн Саъд. Табақот. – Байрут: Дар ал-кутуб илмия, 1980. – Б. 216-227; Атийя. Бидъа. – Б. 28.

Қуръон ва суннатни энг гўзал шаклда шарҳлаб тадбиқ этган Умар (р.а) фитналарни бартараф қилишда, бидъатларга қарши турган мохир халифа эди. Унинг халифалиги даврида илк бидъатчи деб қаралган киши Сабиғ ибн Асал бўлган. Ибн Саҳл ал-Ханзалий номи билан машҳур бўлган бу киши, муҳаддис Ибн Ҳажарнинг “ал-Исоба”³⁷ китобида ёзишича, Мадинага келади ва муташобих (бир-бирига ўхшаш ва оддий одам тушуниши қийин бўлган) оятлар ҳақида саволлар бера бошлайди. Умар (р.а) уни жазога тортганларида, у: “Эй Умар! Бўлди етар, энди миямдаги у янглиш нарсалар кетди”, - дейди. Кейинроқ Умар (р.а) уни Басрага кетказиб юбориб, Абу Мусога хат ёзади ва у билан ҳеч ким алоқа қилмаслиги кераклигини айтадилар. Муҳаддис Дорикутнийнинг келтирган ривоятига кўра, Умар (р.а) уни хорижийларнинг қарашларини ҳимоя қилганликда айблаган³⁸.

Бироқ тарихчи Заҳабий (ваф. 748/1374 й.) бидъатнинг хазрати Усмон (р.а.) вафотларидан кейин пайдо бўлганини айтади: “хазрати Усмоннинг халифалик даврларида турли бидъатлар чиқа бошлаган. Унинг ўлдирлиши билан бир-бирига қарши бўлган икки бидъат чиқди. Улардан бири хазрати Алини кофирга чиқарган хавориж ва иккинчиси хазрати Алининг имом, пайғамбар ҳамда илоҳий шахс эканлигини даъво қилиб чиққан равофиза (шиа) бидъатлари эди. Саҳобалар асрининг сўнгги йилларида Ибн Зубайр ва Абдулмалик раҳбарлиги даврида муржиъа³⁹ ва қадария⁴⁰ бидъатлари, тобеъинлар асрининг бошларида ва Умавийлар халифалигининг сўнгги

³⁷Ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Ал-Исоба фи тамйиз ас-саҳоба. – Байрут: Дар ал-илм. – Б. 138. (Бундан кейин: Ибн Ҳажар. Ал-Исоба)

³⁸ Ўша асар. – Б. 198-199.

³⁹ 7-8 асрларда пайдо бўлган. Халифаликда умавийлар ҳокимиятига қарши кураш кучайган даврларда илоҳиётда гуноҳкор ва унинг тақдири масаласи муҳим ўрин олган. Катта гуноҳ қилганни дарҳол жазолаш тарафдори бўлган хорижийларга қарши муржиъалар уни кечиктиришни ёқлаб чиққан.

⁴⁰ Исломда илк илоҳиёт окимларидан бири бўлиб, улар одиллик худонинг асосий сифатларидан бири деган фикр асосида гуноҳни худо олдиндан белгилаган бўлиши мумкин эмас, худодан фақат адолатли ишни кутиш мумкин, гуноҳ ишлар эса инсон фаолияти билан боғлиқ, демак, инсон ирода ва фаолият эркинлигига эга, шунинг учун у гуноҳ қилади, деган фикрни қувватлаганлар. Уларнинг таълимотини 8аср охирларидан муътазулийлар давом эттирди.

йилларида жаҳмия⁴¹ ва мушаббиха⁴² бидъатлари пайдо бўлди. Саҳобалар даврида буларнинг ҳеч бири бўлмаган эди”⁴³.

Исломда пайдо бўлган ақидавий адашишларга нисбатан “бидъат” атамаси ишлатилган. Бидъат мавзусидаги барча олиб борилган тадқиқотларда, айрим муташобих оятларни ўзларига мослаб шарҳлаб адашган фирқалар (*фироқи золл*) деб ном олган баъзи фикр соҳиблари келадилар. Туртуший⁴⁴, Шотибий⁴⁵, Ибн Жавзий⁴⁶, Бирғивий⁴⁷, Аҳмад Румий Акхисарий⁴⁸, док. Иззат Али Атийя⁴⁹, Али Маҳфуз⁵⁰ асарарида бу фикрлар қувватланади. Шунингдек, Туртуший шундай дейди: Олимларимиз шундай дейдилар: Бидъатнинг асли 4 фирқадир, 72 фирқа шулардан ажралиб чиққан. Улар Хорижийлар, Рофизийлар, Қадария ва Муржиъалардир⁵¹.

Бидъат сўзининг келиб чиқиши хусусиятига кўра, шуни англаш мумкинки, бидъат, “хоҳ яхши бўлсин, хоҳ ёмон, мавжуд ҳолатдан ташқарида бўлмоқ” маъноси асосида шаклланиганини кўриш мумкин. Бир гуруҳ фирқаларнинг ўзларига хос фикрлари билан ўртага чиқишлари ва олиб борган ишлари натижасида Пайғамбар (с.а.в) келтирган дин, асри саодатдаги соф тушунчалардан ташқари янги изоҳларга дуч келди. Бу эса баъзи кекса саҳобийларни ранжитди ва уларни қарши курашишга чорлади. Масалан, Анас ибн Моликнинг қуйидаги фикрларини муҳим деб билиш мумкин: “Пайғамбар (с.а.в) даврларида мавжуд бўлган нарсалардан (шаҳодат калимасидан ташқари) ҳеч бирини афзал кўрмайман”, -деган. Улардан:

⁴¹ Исломда тақдир масаласида адашган деб тан олинган фирқалардан бири ҳисобланади. Жаҳмия аҳли сунна вал жамоада тан олинган тақдир масаласини инкор қилади. Улар инсон тақдирини худо мутлақ олдиндан белгилаб қўйган, инсонда ҳеч қандай ирода ва фаолият эркинлиги йўқ, булар фақат худо мавжуд, инсон эса, ана шу фаолиятни ўзлаштириб олиш имкониятига эга, деган ақидаларни илгари сурган.

⁴² Ислом илоҳиётида худони одамга ўхшатиб тасвирлайдиган таълимот (антропоморфизм). Ислом илоҳиёти - калом тарафдорлари Мушуббиха тарафдорларини рад этиб, уларга қарши кураш олиб борган ва уларни санамга сугинувчилар деб қараган.

⁴³ Заҳабий. ал-Мунтақо мин минҳаж ал-эйтиқод. – Қоҳира: Дар ал-мактаба, 1970. – Б. 386.

⁴⁴ Туртуший. Китаб ал-ҳавадис вал бидъа. Риёз: Дар ат-тафсир, - Б . 1411/1990. (бундан кейин: Туртуший).

⁴⁵ Шотибий. ал-Эътисом. Байрут Дар ал-маърифат.: 1405/1985. (бундан кейин: Шотибий).

⁴⁶ Ибн ал-Жавзий. Талбису Иблис. – Дамашқ: Дар ал-кутуб, 1396/1976.

⁴⁷ Бирғиви, Муҳаммад ибн Пир Али. Тарикати Муҳаммадия. – Истанбул. 1981.

⁴⁸ Челик Али. Kavram ve Mahiyet Olarak Sunnet ve Bid'at. – Истанбул. 1997.

⁴⁹ Иззат Али Атияя. ал-Бидъа. – Байрут: Дар ас-Сафво, 1982 .

⁵⁰ Али Маҳфуз. ал-Бидъа фи мазаррати ибтида. – Байрут: Дар ал-эътисом, 1375/1956.

⁵¹ Туртуший. – Б. 33; Шотибий. – Б. 220.

“намозни ҳамми?” деб сўралганда, у киши: “намозда нима қилганингизни билмайсизларми? (Пешин намозини шомга яқин ўқимадингизми?!),”- деб жавоб бердилар⁵².

Пайғамбар (с.а.в) вафотларидан кўп ўтмай ислом жамоаси тезлик билан ўзгаришлар ичида қолди. Бу ўзгаришлар ҳозирда ҳам давом жадал этмоқда. Ўрни келганда айтиб ўтиш керакки, ислом жамоаси хазрати Усмон (р.а) давридан бошлаб, ўзгаришлар ичида қолганини ҳис қила бошлаган. Бу ҳақда Абу Зарр Ғифорий шундай дейди: “Аллоҳга қасамки, аввал кўрмаган ва билмаган нарсалар пайдо бўла бошлади. Уларни на Қуръондан ва на суннатдан топиш мумкин. Ҳақнинг йўқолгани, ботилнинг кўпайгани, ростгўйнинг ёлғончига чиқарилгани, фосиқнинг афзал кўрилгани ва мол дунёга муҳаббат ортганини кўраяпман”⁵³.

Бу барча ўзгаришлар атрофида “янглик”ка далолат қиладиган маъноларнинг топилгани, бидъат сўзининг салбий маънода, яъни пайдо бўлган ёмон нарсаларга берилган ном сифатида урф-одатларни англатади. Бидъатнинг луғавий маъносини ҳимоя қиладиган тушунчалар борлигига қарамай, аксар ҳолларда дин қабул қилмаган нарсалар сифатида тушунила бошлади. Бу маънодаги бидъат сўзи қаттиқ талаффуз қилинади. Усмон (р.а)нинг ва Али (р.а)дан сўнг хоҳ ғоявий, хоҳ сиёсий майдонда бўлсин, фойдасиз ўзгаришлар қаршисида мусулмонлар дуч келган янглиш ишонч ва тажрибаларга бидъат ибораси билан қаршилик кўрсата бошланди. “Бу суннатдир”, “бу бидъатдир” каби иборалар шундан келиб чиққан. Яъни, ўзгарган кераксиз жараёнларга қарши мусулмонларнинг исломни ҳимоя қилиш мақсадида қўллаган бир атамаси ҳисобланади.

Тарихий жараёнлар шуни кўрсатадики, шарт шароит ва муҳит таъсирида шундай маъно касб этишга мажбур қилган. Натижада суннат лафзи орқали Пайғамбар (с.а.в) томонларидан хабар қилинган рисола, бидъат

⁵² Имом ал-Бухорий. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ. / таржимон З. Исмоил ва бошқалар. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991.– Б. 345. –Т. 1.

⁵³ Челик Али. Kavram ve Mahiyet Olarak Sünnet ve Bid’at. – Б. 125-126.

лафзи орқали буларга мос келмайдиган тушунча ва амаллар назарда тутилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Пайғамбар (с.а.в) вафотларидан сўнг ўтган уч асрлик давр, тарихда Ислом жамоасининг қалтис даврлардан бўлди. Бу вақтда маданиятлар тўқнашган, турли фирқалар пайдо бўлди. Шунингдек, Марказий Осиё худудларига ислом кириб келиши билан бидъат тушунчаси ва амаллари ҳам кириб кела бошлаган. Бу ҳолатнинг эса кунимизга қадар давом этаётганлиги анчагина мураккабликларни келтириб чиқармоқда. Шунга қарамай, бидъатлар ва бидъатчиларга қарши курашиш, уларга тўғри ва аниқ раддиялар бериш турли фитналардан қутилиш, халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги- тотувлигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшади.

Олимлар “*бидъати ҳасана*”ни урф, маслаҳати мурсала ва истиҳсон билан ўхшаш ери ёхуд муносабати ҳақида фикрларни ҳам эътироф этадилар. Улар билан қуйида баён қилинади.

Манбаларда бидъатнинг ҳукм жиҳатдан, эътиқодий ва амалий турларга бўлинганини кўриш мумкин⁵⁴:

А) Эътиқодий жиҳатдан бидъат. Бу эътиқод ва имон масаласида аҳли сунна ақидасига қарши пайдо бўлган қарашлардир. Буларнинг бир қисми куфрга олиб боради, бир қисми эса фосиқликка сабаб бўлади. Ҳар иккиси ҳам “*фироқи золла*”, яъни, адашган фирқаларнинг қарашларида учратиш мумкин⁵⁵.

Бироқ куфр ҳисобланмаган бидъатлар, амалда катта гуноҳлардан саналади. Биринчисининг куфр бўлиб, иккинчисининг катта гуноҳ саналишига сабаб, эътиқодий мавзудаги бидъатнинг инсон онгида, ҳеч қачон чиқиб кетмайдиган ҳолда ўрнашиб олишидир. Яъни: “Катта гуноҳ қилган одамнинг тавбаси қабул қилинади, аммо бидъат соҳибининг тавбаси қабул қилинмайди”⁵⁶, - дейилган. Чунки бидъат эгаси унга ишониб итоат

⁵⁴ Челик Али. Kavram ve Mahiyet Olarak Sünnet ve Bid’at. – Б. 147.

⁵⁵ Ходимий. Ал-Барика. – Б. 281.

⁵⁶ Челик Али. Kavram ve Mahiyet Olarak Sünnet ve Bid’at. – Б. 143-145.

қилганлиги сабабли, тавба қилишга эҳтиёж сезмайди. Энг катта хатолик, яъни бидъат пайдо қиладиган ҳолат ана шу ердадир.

Аҳли қибланинг куфрга чиқариши ёки чиқармаслик хусусида Ходимий узоқ тортишувлардан кейин бир хулосага келади. Яъни: “Куфр деб, фақат “*худуси олам*” (оламнинг яратилиши), жасадларнинг хашири ва шунга ўхшаш масалалар исломнинг зарурияти ҳисобланиб, булар хусусида иттифок қилинган нарсаларни инкор қилишлиқдир. Булардан ташқари нарсаларда эса ихтилоф бордир”.

Эътиқод масаласида ижтиҳодда хатога йўл қўйишлик узрли саналмайди. Чунки усул ва ақидада адашган кимса жазоланади, хатто залолатда қолгани ва кофир бўлгани таъкидланади. Амаллардаги ижтиҳод эса бундай эмас. Чунки амаллардаги ижтиҳодда хато қилган мужтаҳид узрли ҳисобланади ва хатто савоб олади. Эътиқодий бидъатнинг акси, аҳли ас-сунна вал жамоанинг эътиқодидир. Улар Мотуридийлик ва Ашъарийлик эътиқодларидир. Буларнинг ўртасида ихтилофли мавзулар бўлсада, иккисининг ҳам асл манбалари бирдир. Бири иккинчисини адашганликда айбламайди.

Бу қарашлар фақатгина Ходимийга тегишли бўлмай, балки улар яшаган давргача етиб келган фикрларнинг бир хулосасидир. Унинг бу фикрларига қўшилган ҳолда, яна шуларни қўшимча қилиш мумкинки: эътиқод хусусидаги ижтиҳодда хато қилган мужтаҳид узрлидир...⁵⁷ ибораси бироз изоҳ талаб этади.

Мавзуга ижтиҳод юзасидан қаралса, “мақсадга эришиш йўлида ҳаракатга зўр бериш (бор кучини сарфлаш)”дан иборат бўлиб, қилинадиган иш битта, аммо замин, соҳа бошқадир. Бу фирқалар бирининг эътиқод, иккинчисининг эса амали юзасидандир. Далил эътиқодий соҳада, мужтаҳид қилган хатоси сабабли жазоланмоқда (хатто кофирликда айбланмоқда),

⁵⁷ Челик Али. Kavram ve Mahiyet Olarak Sunnet ve Bid'at. – Б. 147-149.

амалий сохада эса хато қилса, мукофотланмоқда. Бу қандай тушунилади? Бу ҳукмни чиқаришга мажбур қилган нарса нима ва унинг асоси нима?

Эътиқод юзасидан қилган фарқли ижтиҳодлари сабабли залолат ва адашганликда айбланган, хатто кофирга чиқариш сабабларини яъни ижтиҳодларини ўрганганимизда қуйидаги хулосаларга келинди. Бу эътиқолий ижтиҳодлар катъий оятлар берилган мавзуларда бўлиб суннат эътиборга олинмай томоман фалсафий изоҳлардан иборатдир. Ёки бир гуруҳ муташобих оятлар буйича яна суннатга мурожаат қилинмаган ҳолда берилган шарҳлардир. Бу шарҳ ва изланишлар Қуръон ва суннатнинг асосларига зид, тавҳидга қарши бўлган нарсалар эса хатодир. Бу хато эса (эгаси) соҳибини, мавзунинг аҳамиятига биноан, диннинг асосларига кўра ё залолат ёки куфрга кетишига сабаб бўлади⁵⁸.

В) Амалий жиҳатдан бидъат. Бу ҳам Аллоҳга яқин бўлиш учун, Унинг розилиги, хушнудлигига эришиш учун қилинадиган амаллардир. Бу буюрилган бир амални бузиш ёки диндан бўлмаган бир нарсани диндан деб қабул қилиб, унга амал қилиш орқали бўлади. Зиммамиздаги барча амалларда, зикр қилинганлардан бири орқали, кўпгина бидъатлар мавжудлиги сезилади. Шу сабабли ҳам эътиқодий, ҳам амалий жиҳатдан бидъат кенг мазмунга эга. Буни эътиборга олган айрим Ислом олимлари, масалан, Изуддин ибн Абдуссалом, бидъатни ҳукм юзасидан беш турга бўлиб ўрганган⁵⁹. Олим бу орқали Пайғамбар(с.а.в) ва саҳобалардан кейин пайдо бўлган урғу беради:

1. Вожиб бидъат: Бу фикрни илгари сурганлар, амалга оширилиши керак бўлган баъзи янгиликлар борлигини эътироф этадилар. Масалан, айрим адашган фирқаларнинг даъволарига жавобан ақлий ва нақлий далиллар ҳозирлаш, уларни ўрганиш. Динни муҳофаза қилиш ва уни бузмоқчи бўлганларга қарши керакли бўлган янги илмларни жорий қилиш

⁵⁸ Ўша асар. – Б. 150.

⁵⁹ Ходимий. Ал-Барика. – Б. 283.

жорий қилиш, Қурънни тушуниш учун наҳв ва сарф илми, тафсир, фикх илми, ҳадисларни саҳиҳини уйдирмадан ажратиш, ёлғончи ва аҳли хавонинг ботил қарашларига қарши курашиш учун лозим бўлган илм соҳаларини жорий қилишнинг барчаси вожиб амаллардан саналади.

Вожиб бидъатларга, аслида бидъат дейилиши луғавий жиҳатдандир. Сўзнинг салбий маъносига қасд қилинмай, истилоҳий маъносига урғу бериб қаралса, бўларга бидъат деб ном бериш тўғри бўлмайди⁶⁰.

2. Ҳаром бидъатлар. Бу бидъатлар, таҳрим қоидалари ва унинг диндаги далилларини ўз ичига олган бидъатлардир. Қуръон ва суннатга хилоф шариатни олиб кириш каби. Ботил мазҳаб ва бидъат эгаларни қарашлари ана шундайдир. Хулоса қилиб айтганда, динга зарар келтирадиган, унинг асосларидан бўлган бирор нарсани бузадиган ёки бир суннатни йўқ қиладиган бидъатлар, ҳаром бидъатлардир⁶¹.

3. Мукрух бидъатлар. Диндаги (ўринсиз-ёмон) кароҳат қоидаларни ва унинг далилларини ўз ичига олган бидъатлардир. Диннинг мандуб ибодатларидаги қўшимчалар каби. Масалан, намоздан кейин тасбеҳ, ҳамд ва такбирни 33 марта (Пайғамбар (с.а.в) қилганлари каби)дан ошириб ўгириш⁶². Масжидларни безатиш, Қуръонни сайқаллаш⁶³, Қуръон каримни маъноси бузиладиган даражада, ҳарфларни ўзгартириб хатоли ўқиш. Буни хатто ҳаром бўлиши мумкинлиги ҳам айтилади⁶⁴. Баъзи кунлари ёки кечалари (динда бўлмаган ҳолда) махсус ибодатларни тайинлаш кабилар⁶⁵.

4. Мандуб бидъатлар. Диндаги рағбатлантириш қоидаларини ва далилларини қамраб олган бидъатлардир. Рамазонда таровеҳ намозини

⁶⁰ Челик Али. Kavram ve Mahiyet Olarak Sünnet ve Bid'at. – Б. 151.

⁶¹ Изуддин ибн Абдуссалом. Қоваид ал-аҳком фи масалиҳ ал-анъом. – Байрут, 1981. – Б. 173. (Бундан кейин: Изуддин ибн Абдуссалом. Қоваид ал-аҳком).

⁶² Атийя. Ал-Бидъа. – Б. 295-296. (Ошиғи билан Пайғамбар (с.а.в) шундай қилганлар, бу суннат деб қилса макрух бидъат бўлади. Чунки Пайғамбар (с.а.в) бундай қилмаганлар, макрухнинг бидъат саналиши Пайғамбар (с.а.в)нинг қилмаган амалларини қилганлар деб ҳисоблаганлари сабаблидир.)

⁶³ Шофиъийларга кўра макрух, Ханафийларга кўра мубоҳдир. (Алию-л-Қорий. Мирқот ал-мафотих шарху мишкот ал-масобих. – Байрут. 1414/1994. – Б. 368.)

⁶⁴ Изуддин ибн Абдуссалом. Қавоид ал-аҳком. – Б. 173.

⁶⁵ Али Маҳфуз. Ал-Ибдаъ. – Б. 77.

жамоат билан ўқиш, шариатга хилоф бўлмаган ва асри саодатда бўлмаган турли яхшилик, ҳаётни қулайлаштирувчи мустаҳкам, кенг бинолар, мактаблар, қамоқхоналар қуриш қабилар⁶⁶.

5. Мубоҳ бидъатлар. Шариатнинг асосий қоидаларини ва унинг далилларини ўз ичига олган бидъатлардир. Ҳаром ва макруҳ амалларга йўл қўймай еб-ичиш, кийиниш, яшаш жойида қулайлик, пешин ва аср намозларидан кейин қўл бериб саломлашиш каби ҳолатлар⁶⁷.

Имоми Бирғивий бу ҳақда қўйидаги маълумотларни беради: “...Эътиқодий бидъатнинг акси аҳли сунна вал жамоанинг эътиқодидир. Ибодатдаги бидъатнинг зидди эса, суннати ҳуда (Пайғамбар(с.а.в)нинг гоҳида қилиб, гоҳида тарк қилиб ёки тарк қилганлар ибодатлардир. Эътиқоф сингари) одатлардаги бидъатларга амал қилмоқ залолат бўлмайди. Бунинг акси суннати зоидадир. Суннати зоидани қилмоқ мустаҳабдир”⁶⁸.

Бу ерда тушунтириб бериш керак бўлган бир хусус, Изуддин ибн Абдуссалом келтирган ҳукм жиҳатидан бидъатни мубоҳ, мандуб ва вожиб турларга бўлинишини, бидъат деб қабул қилиш тушунарсиз кўринади. Агар бидъат сўзининг кенг маъноси эътиборга олинса, буларни, бидъати ҳасана турига киргизиш ўринли бўлади. Агар сўзнинг тор маъноси олинса, у ҳолда буларнинг ҳеч бирига бидъат дея олмаймиз⁶⁹.

1.2. Бидъатнинг Қуръони карим ва ҳадис тўпламларидаги талқини

Бу сўзнинг Қуръони каримда ишлатилиши эса, Ҳадид сураси 27 оятда, “Сўнгра уларни изларидан кетма-кет пайғамбаримизни юбордик ва Исо ибн Марямни ҳам (уларнинг) ортидан юбордик ва унга Инжил (китобини) ато этдик ҳамда унга эргашган кишиларнинг дилларида меҳрибонлик ва шафқат пайдо қилдик. Роҳибликни эса ўзлари чиқариб олдилар.биз уларга уни

⁶⁶ Изуддин ибн Абдуссалом. Қоваид ал-аҳком. – Б. 174; Ал-Бидъа. – Б. 295-296.

⁶⁷ Атийя. Ал-Бидъа. – Б. 295-296.

⁶⁸ Бирғивий. Тарикати Муҳаммадия. – Истанбул., 1981. – Б. 37-38.

⁶⁹ Имом Раббоний. Мактуботи Раббоний. – Истанбул: Баязит, – Ж 1.2. 1977. – Б. 152.

(роҳибликни) ёзганимиз йўқ, лекин улар ўзлари Аллоҳнинг ризолигини истаб (роҳиблик) қилидилар-у, сўнгра унга тўла риоя қила олмадилар..”⁷⁰ янгилик яратмоқ, тўқиб чиқармоқ маъносида аҳли китобларнинг руҳонийликни жорий қилганликлари ҳақида хабарларда келади. Аҳкоф сураси 9 оятда, “(Эй, Муҳаммад!) Айтинг: “Мен пайғамбарларнинг янгиси (биринчис) эмасман. Мен (келажакда) на ўзимга ва на сизларга нима қилинишини билмасман. Мен фақат ўзимга ваҳий қилинадиган нарсага эргашурман. Мен фақат аниқ огоҳлантирувчиман”, биринчи мартта бўлмоқ, ўхшаши йўқлик, маъносида Пайғамбар (с.а.в)нинг биринчи юборилган пайғамбар эмасликлари, улардан аввал ҳам пайғамбарлар юборилганлиги ҳақидаги хабар билан ишлатилган. Шунингдек, Бақара сураси 117 оятда, “(У) Еру осмонларнинг яратувчисидир. Бирор ишни қиладиган бўлса, (фақатгина унга) “Бўл!” деса, бас, у бўлади” ва Анъом сураси 101 оятда “(У) осмонлар ва Ернинг ихтирочисидир. Унинг ёри (жуфти) бўлмаган бўлса, қаяқдан унга фарзанд бўлсин?! Ҳамма нарсани яратди. У ҳамма нарсанинг билимдонидир” оятларида, яратмоқ маъноси тўртта жойда келган бўлиб, уларда Аллоҳнинг яратувчилиги ҳақида сўз боради⁷¹. Аммо шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, Қуръони каримда келадиган (*бадаъ*) қолипидаги маънолар истилоҳдаги мазмунга эга эмас. Уни фақатгина сўзнинг луғавий маъносида келганини эътироф этиш мумкин. Акс ҳолда кишилар наздида “Қуръони каримда ҳам бидъат атамаси қўлланилган экан”, деган мулоҳазалар уйғониши мумкин.

Ҳадисларда эса бу сўзнинг асл ва бошқа маъноларидан ташқари салбий маъноларда ҳам ишлатилади. Шунингдек, бидъат сўзи “*муҳдас*” сўзининг синоними сифатида ҳам келади. Бидъат сўзи билан бир маънода ишлатиладиган “*муҳдас*” сўзи ҳақида маълумот бериш ўринли бўлади. Муҳдас “*ҳадаса*” сўзидан олинган бўлиб, асл маъноси “бир нарсанинг

⁷⁰ Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: А. Мансур. / Таҳрир хайъати: У.Алимов, Р. Обидов ва бошқ. / Масъул муҳаррир: Абдуҳалимов Б. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007. – Б. 95.

⁷¹ Челик Али. *Kavram ve Mahiyet Olarak Sünnet ve Bid'at*. – Б. 122.

янгидан пайдо бўлиши, илгари бўлмаган нарсанинг кашф қилиниши”⁷² демакдир. Сўзнинг бошқа маънолари сифатида “Янги, ёши кичикларга киноя тарзида қўллаш, ижод қилмоқ, пайдо қилмоқ, воқеа, хабар, ҳадис, янги бир ҳолат, гаплашмоқ, маълумот бермоқ”⁷³, каби сўзлар келади. Умуман олганда, “илгари мавжуд бўлмаган бир нарсанинг янгидан пайдо бўлиши” маъносини англатади.

Шунингдек, атаманинг исломий илмлардаги талқини ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйида келтирилади. Бидъат мавзуси, тушунчанинг маъносидаги камрови туфайли, барча ислом соҳаларидан етарлича ўрин эгаллаган. Манбаларга назар ташланса, бидъат тушунчаси Пайғамбар (с.а.в) даврлари (бунга саҳоба, тобеъин, табаъ-тобеъин даврлари ҳам киритилади)дан кейинги даврларда пайдо бўлган бегона тушунчаларга қарши ҳимоя воситаси сифатида кўлланган⁷⁴. Яъни, бидъат, Қуръон ва суннатга мос келмайдиган бир тушунча ёки амалнинг “номуносиб ва номақбул”лигини кўрсатувчи бир ўлчовдир. Шунинг учун Шотибий, бидъатга “дин деб қаралган йўл”, мазмунида таъриф беради. У ҳам бўлса динга мувофиқ келмаган нарсаларни динда бор деб қабул қилишдир⁷⁵.

Калом⁷⁶ илмида бидъат. Шубҳасиз ҳаёт тезлик билан ривожланишда давом этмоқда. Исломнинг айниқса, илк уч асри бу тараққиётни жуда тез суръатлар билан босиб ўтди. Бир тарафдан географик, бошқа тарафдан сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар, бир-бирига зид фикрий жараёнларнинг тўқнашуви, маданиятлар алмашинуви, турли илмий соҳаларнинг вужудга келиши, мазҳаб ва эътиқодий ёки сиёсий фирқаларнинг юзага келиши, исломий илмларнинг аксариятининг тадвини илк уч асрда вужудга келиб, шаклланиб бўлди. Шундай бир муҳитда бидъат мавзуси доимо ўзлигини ҳимоя қилиб тураверди. Ҳар бир ақидавий фирқалар Қуръондаги оятларни,

⁷² Мавсуъат ал-фикҳия. – Б. 30.

⁷³ Ибн Ҳанбал. Муснад. – Байрут: Муассаса ар-рисала, 1999/1420. – Б. 120.

⁷⁴ Шотибий. Ал-Эътисом. – Б. 132.

⁷⁵ Али Челик. Kavram ve Mahiyet Olarak Sunnet ve Bid'at. – Б. 131-132.

⁷⁶ Бундан мақсад адашган фирқалар.

хусусан, муташобиҳ оятларни ёки Пайғамбар (с.а.в)нинг ҳадисларини шарҳлашда ўз фикрларини маъқуллаб, бошқа фикр эгаларини бидъатчиликда айбладилар. “Салаф олимлари, Қуръони каримда очик-ойдин берилмаган, Расулulloҳ ва саҳобалар томонидан тилга олинмаган барча тушунчаларни суннатдан ташқари деб ҳисоблаганлари учун, сунний каломчилар тўдаси юзага келиб, буларнинг барчасини аҳли бидъатлар деб қабул қилдилар”⁷⁷. Салафийларнинг фикрича, “Оят ва ҳадисларнинг маънолари саҳобаларнинг тушунган ерига қадардир. Асҳоб насллари орқали нима тушунилса, ислом шу ҳисобланади, бунинг ташқарисидаги рай, қиёс, таъвил, тафсир, ижмо ва илҳом диндан эмасдир”⁷⁸. Салафийлар шундай дер экан, мўътазила олимлари ҳам шунга ўхшаш ифодалар билан ўзларидан бошқа фирқаларни бидъатчиликда айблайдилар. Улар Қуръон, суннат ва ижмога зид нарсаларни бидъат эканини даъво қилишларига қарамай, ўз фикрларини Қуръон ва суннатга мувофиқ келади деб, қолган хавориж, шиа, муржиа, жабария, мушаббиха, салафия ва аҳли суннат каломчиларини бидъатчи фирқаларни юзага келтираяпти дейдилар.

Хорижийлар ҳам мусулмонлар орасида пайдо бўладиган келишмовчиликларни илоҳий ҳукмларга кўра бартараф қилишни даъво қилиб, бунга қарши чиққанларни бидъат аҳли деб ҳисоблайдилар⁷⁹. Шиъалар ҳам аҳли байтининг интиқомини олиш ва гуноҳкорларга қарши жиҳод қилишга эътироз билдирганларни аҳли бидъат эканлигини таъкидлайдилар⁸⁰.

Фикҳ илмида бидъат. Бидъат мавзуси фикҳ илмида, фуруъ ал-фикҳ ва айниқса ибодат масалалари доирасида аҳамиятга эга. Бу мавзуда асар ёзган олимлар, бир фикҳий китоб ичида, маълум боблар остида, алоҳида-алоҳида ёритишга ҳаракат қилганлар. Улар таҳоратдан бошлаб, намоз, рўза, ҳаж, қурбонлик, масжид, муборак кеча ва баъзи маросимларда қилинадиган

⁷⁷ Фиглалий. А. П. Çağımızda İtikâdî İslam Mezhepleri. – Анкара: Козан офсет, 1983. – Б. 38.

⁷⁸ Челик Али. Kavram ve Mahiyet Olarak Sünnet ve Bid'at. – Б. 132-133.

⁷⁹ Ўша асар. – Б. 133-134.

⁸⁰ Хатиб ал-Бағдодий. Ал-Кифая фи илм ар-ривая. – Байрут, 1406/1986. – Б. 148-153.; Суютий. Тадриб ар-ровий. – Байрут: Дар ал-кутуб илмия. 1989/1409. – Б. 275-279. (Бундан кейин: Суютий. Тадриб ар-ровий)

бидъатларнинг барчаси ҳақида сўз юритилади, хатолар кўрсатилиб, тўғри йўналишлар берилган. Бундай асарлар орасида олим Али Маҳфузнинг “ал-Ибдо”⁸¹, Док. Иззат А. Атийяннинг “ал-Бидъа”⁸², Шотибийнинг “ал-Эътисом”⁸³, Туртушийнинг “Китаб ал-ҳавадис вал Бидъа”⁸⁴, Ибн Таймиянинг “Иқтизо ас-сироти мустақим” асарларини келтириш мумкин.

Фикҳий масалаларда учраган бидъатларнинг жуда кўп сабаби бор. Булардан айримларини келтириб ўтиш мумкин:

а) Кенгайган ислом географиясидаги янги унсурларнинг олиб кирган эски одатларини, мусулмон бўлганларидан кейин ҳам давом эттириш истаклари, бу одатларини исломлаштирган ҳолда “ислом либосини кийдириб” олиб юришлари;

в) Жаҳолатнинг ортиши, юксак ислом руҳининг вақт ўтиши билан йўқолиши;

с) Илмсизлик оқибатида пайдо бўлган мутаассиблик;

д) Ислом жамоасида учраган сиёсий ва фикрий чалкашликлардан сиқилган баъзи кишиларнинг, бундай ихтилофлардан узоқ туриш ва ўзини кўпроқ ибодатга бағишлаб ўзлатларда яшай бошлагани ва динга тааллуқли бўлмаган айрим илм ва тажрибалардан фойдаланиб, гўё янада кучли диндор бўлишга интилишлари;

е) Айрим ғаразли ниятли кимсаларнинг, динни бузиш мақсадида маънавий тазйиқ ўтказиш, уларни янада кўпроқ эзиш учун диний туйғуларини топташлари ва буни амалга оширишда Қуръон ва суннатга тегишли бўлмаган усуллардан фойдаланишлари (зиндиклар);

ф) Ваколати йўқ дин олимларининг халқни нотўғри бошқаришлари;

г) Ўзга диний ва фалсафий жараёнларнинг таъсири каби бир қанча сабабларни келтириш мумкин.

⁸¹ Али Маҳфуз. Ал-Ибдаъ. – Б. 73.

⁸² Атийя. Ал-Бидъа. – Б. 295-296.

⁸³ Шотибий. ал-Эътисом. – Б. 56.

⁸⁴ Туртуший. – Б. 102.

Ҳадис илмида бидъат. Бидъат мавзусига ҳадис илми нуқтаи назаридан қаралса, уни ҳам Ривоят ал-ҳадис⁸⁵ (ривоят илми), ҳамда Дироят ал-ҳадис⁸⁶ (дироят илми) илми доирасида ўрганилиши кузатилади. Бидъат сўзи, Ривоят ал-ҳадисда жуда кўп ҳадисларда ё бидъат сўзи орқали ёки синонимлари бўлмиш “муҳдас”, “ҳадас” сўзлари билан келади⁸⁷. Дироят ал-ҳадисда эса, тўғридан-тўғри ҳадисга боғлиқ бўлмай, ҳадис ровийсининг ақидаси билан боғлиқ таън⁸⁸ сабаблари орасида келтирилади⁸⁹.

Ҳадис илмида, бидъат аҳли деб, эътиқодий бидъатчи гуруҳларга айтилади. Саҳобийлар даврининг охирларида очиқ-ойдин кўрина бошлаган шиа ва унинг рофизийлик, хорижийлик ҳамда бўлардан анча кейин пайдо бўла бошлаган муржиаъ, жаҳмия, қадария, жабария, мужасима, мушаббиха, муътазила каби сиёсий ва эътиқодий фирқаларнинг тарафдорлари тушунилади. Бу фирқаларнинг ҳар бири Қуръони каримнинг муташобих оятларини таъвил қилиш, ҳадисларни зурлик билан бир шаклда шарҳлаш ва ниҳоят ҳадисларни уйдириш орқали ўз фикрларини тарқатишлари ҳам бидъат саналади⁹⁰.

Ҳадис ровийлари орасида, юқорида зикр қилинган ва манбаларда одатда “*фироқи золла*” (адашган фирқалар) деб номланадиган бу фирқаларнинг қарашларини маъқуллаганлар ҳам мавжуд. Пайғамбар (с.а.в)дан ҳадис ривоят қилган бир ровийнинг шу ҳолга тушиши шубҳасиз унинг ривояти ва бу ривоятининг ҳужжати борасида иккиланишлар ҳосил қилиб, бидъат ар-ровий⁹¹ мавзуси, жарҳ ва таъдил илми доирасида ёритилади ва ровий билан боғлиқ таън сабаблари орасидан ўрин олади.

⁸⁵ Пайғамбар (с.а.в)нинг сўзлари, феъллари, тақрирлари, сифатлари, уларни ривоят қилиш, сўзларнинг ўзгаришини ва аниқ эканини ўрганади.

⁸⁶ Санад билан матннинг ҳоллари, қабул ёки рад қилиниши юзасидан ровий билан марвиларини ҳоллари хусусида баҳс юритадиган илм.

⁸⁷ Заҳабий. Ал-Мунтақо мин миҳаж ал-эътидол. – Қоҳира: Дор ал-кутуб илмия, 1987. – Б. 5-6.

⁸⁸ Суютий. Тадриб ар-ровий. – Б. 327; Саҳовий. Фатҳ ал-муғис. Байрут: Дор ал-кутуб илмия, 1403/1984. – Б. 333.

⁸⁹ Муродов Д. Ҳадисшунослик атама ва иборалари. Т.: Фан, 2009. – Б. 28.

⁹⁰ Хатиб ал-Боғдодий. Ал-Кифая. – Б. 148.

⁹¹ Ибн Ражаб Ҳанбалий. Жомеъ ал-улум вал ҳикам. – Байрут: Дар ат-турос, 1415. – Б. 64;

Кўриниб турганидек, бидъат куфрга олиб борадига ва куфрга олиб бормайдиган икки турга бўлинади⁹². Ҳадис илмида бидъат билан таърифланган бир ровийнинг эътиқодий ҳолати шу жиҳатдан тадқиқ қилинади ва қайси турдаги бидъат тарафдори эканига эътибор қаратилади. Агар ровий, куфрга олиб борадиган бидъат тарафдори бўлса, жумхур уламнинг фикрига кўра, унинг ривояти қабул қилинмайди⁹³. Куфр эмас, аммо фитна уйғотадиган бидъат тарафдори бўлса, бу борада ихтилоф қилинади. Айримлар унинг ривоятлари мутлоқ рад қилинади дейдилар. Бу фикрларнинг бошида Молик ибн Анас келади. Ибн Сирин, Юнус ибн Исҳоқ, Ибн Уйайна, Али ибн Ҳарб каби муҳаддислар, Боқиллоний ва Ғаззолий каби усулчилар ҳам шу фикр тарафдорларидир⁹⁴.

Айрим олимлар ҳам бидъат билан таърифланган ровийнинг ривоятларини қабул қилиниши учун баъзи шартларни қўядилар:

1. Бундай ровий, бидъат бўлган фикрларини тарғиб қилмайдиган;
2. Ўз мазҳаби ёки тарафдорларига ёрдам бериш учун ёлғонни ҳалол санамайдиган кишининг ривоятлари қабул қилинади.

Бу фикр асосчилари Имом Шофеъий, унинг: “Мен рофизийлардан бўлган хоттобия фирқасидан бошқа аҳли ҳаво (бидъат)нинг шаҳодатини қабул қиламан. Чунки хаттобия фирқаси ўз фирқалари учун ёлғонни ҳалол ҳисоблайдилар”⁹⁵, -фикрларини беради. Шунингдек, Ибн Аби Лайло, Суфёни Саврий (ваф. 161/777 й.), Қозий Абу Юсуфнинг ҳам шу фикрда эканликлари айтилади⁹⁶.

Ибн Хотам ибн Ҳиббон ал-Бустий эса шундай дейди: “Бидъатга чақирган даъватчининг ривояти билан боғлиқ имомларимизнинг фикрларига

⁹² Челик Али. *Kavram ve Mahiyet Olarak Sünnet ve Bid'at*. – Б. 130.

⁹³ Муродов Д. Ҳадисшунослик атама ва иборалари. –Т.: Фан, 2009. – Б. 33.

⁹⁴ Ибн Салоҳ. *Улум ал-ҳадис*. – Дамашқ., 1986. – Б. 114.; Хатиб ал-Боғдодий. *Ал-Кифая*. – Б. 149.

⁹⁵ Ўша асар. – Б. 115.; Ал-Хатиб. *Ал-Кифая*. – Б. 151.

⁹⁶ Али Челик. *Kavram ve Mahiyet Olarak Sünnet ve Bid'at*. – Б. 140.

эътироз билдирилмайди. Бу борада олимлар орасида ҳеч қандай ихтилоф борлигини билмайман”⁹⁷.

Ибн Ҳажар Асқалоний, даъватчи бўлмаган бидъатчи бир ровийнинг қабул қилиниши учун, Жузжонийнинг, “ровийнинг қилган ривояти, олиб чиққан бидъатини қўллаб-қувватламаслиги”⁹⁸ кераклигини шарт қилиб қўйганини айтади ва бу фикрни ўзи ҳам қувватлайди.

Насоий ва Абу Довуднинг ҳам устози бўлган Абу Исҳоқ ал-Жузжоний “Маърифат ар-рижал” номли асарида буни шундай изоҳлайди: “Улар орасида ҳақдан, яъни, суннатдан узоқлашганлар билан бирга тўғри сўзли бўлганлар ҳам бор. Олиб чиққан бидъатини тарғиб қилмаса, ривоятларини олишдан бошқа чора йўқдир”⁹⁹. Ироқий, даъватчи бўлган ёш муҳаддиснинг ривоятига эътироз билдириш кераклигини даъво қилган кимсаларни рад қилиб, Имом ал-Бухорий ва Муслимларнинг бундай ривоятларга эътироз билдирмаганликларини айтиб, шундай дейди: Имом ал-Бухорий, Имрон ибн Хитон ривоятини қабул қилган. Ҳолбуки у, хорижийларнинг даъватчиларидан бўлган. Имом ал-Бухорий ва Муслим, Абд ал-Ҳамид (Ҳумайд) ибн Абдуррахмон ал-Ҳамонийнинг муржиаъ бўлса ҳам ривоятларини олганлар. Суютий “Тадриб ар-ровий” номли асарида бу мавзунини кенг ёритади¹⁰⁰.

Бидъатлар ҳақида баҳс юритган ҳадислар. Бу ҳақда жуда кўп ҳадисларни учратиш мумкин. Ҳадислар асосан ҳам бидъат мавзуси ҳақидаги асарларда келтирилади. Масалан, Муҳаммад ибн Ваддох ал-Қуртубийнинг (ваф. 282/895 й.) “Китабун фикҳ ма жаа’ фил бидъа” номли асари шулар жумласидандир¹⁰¹.

⁹⁷ Суютий. Тадриб ар-ровий. – Б. 276.

⁹⁸ Челик Али. Kavram ve Mahiyet Olarak Sünnet ve Bid’at. – Б. 134-137.

⁹⁹ Муродов Д. Ҳадисшунослик атама ва иборалари. Т.: Фан, 2009. – Б. 49.

¹⁰⁰ Челик Али. Kavram ve Mahiyet Olarak Sünnet ve Bid’at. – Б. 135.

¹⁰¹ Қуртубий. Жомеъ ал-аҳкам ал-Қуръан. – Қоҳира: Дор ал-мактаба, 1372/1952. – Б. 78.

Бидъат, муҳдас сўзлари ҳам луғавий, ҳамда истилоҳий маънолари билан ҳадисларда жуда кўп учрагани айтилади. Бу мавзудаги ҳадисларни жамлаб, кўйидаги сарлавҳалар остида келтириш мумкин:

Мутлоқ янгилик маъносини ифодалаган ҳадислар¹⁰² Бу каби ҳадисларда алоҳида қайдлар, ажратишлар берилмаган. Хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, хоҳ диний мавзуларда бўлсин, хоҳ дунёвий, умумий маънони ифодалаган бидъатлар ҳақида сўз боради.

Ҳадислардаги бу умумий ифодалар, кўпроқ бидъатнинг кенг маъноли хусусиятига таянади. Кенг қамровли бидъат маъносида “*бидъат, ихдас ва муҳдас*” сўзлари билан бирга, луғавий маънодаги “*суннат*” сўзи ҳам қўлланилади. Бундай ҳадислардан баъзилари кўйидагилар:

- Расулulloҳ (с.а.в), таровеҳ намозини аввал жамоат бўлиб ўқиб, кейинроқ фарз деб қабул қилинмаслиги мақсадида, жамоат билан ўқишни тарк қилдилар. Вафотларига қадар шундай давом этди. Абу Бакр (р.а) даврларида ҳам таровеҳ жамоат билан ўқилмади. Умар (р.а) даврларида у кишининг амрлари билан саҳобалар орасида энг чиройли Қуръон ўқиш билан машҳур бўлган Убай ин Каъбнинг имомлигида, таровиҳ намозини жамоат билан ўқиш бошланди. Кейинроқ буни кўрган Умар (р.а) “Бу қандай гўзал бидъатдир”,- дедилар¹⁰³.

Ҳадисда келган “бидъат” сўзи, луғавий маънода қўлланилган ва шаръий маъносига нисбатан умумийдир. Яъни, салбий маънодан узоқдир. Чунки суннат уни солиҳ амал доирасига киритиб, фақат фарз деб ҳисобланмаслиги учун давом эттирилмаган. Пайғамбар (с.а.в)нинг вафотларидан кейин эса фарз бўлиш эҳтимоли йўқлиги сабабли, бу одатни давом эттиришни ҳеч қандай зарарли томони қолмайди. Умар (р.а) даврларида мусулмонлар, масжидни қандиллар билан ёритиб, бир имом

¹⁰² Термизий. Саҳих. – Б. 16.; Абу Довуд. Суанан Абу Довуд. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия. 1996. – Б. 5; Ибн Можа. Суанан. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1998/1419. – Б. 6.; Ибн Ҳанбал. Муснад. – Байрут: Муассаса ар-рисала, 1999/1420. – Б. 126-127 (Бундан кейин Ибн Ҳанбал. Муснад.).

¹⁰³ Имом ал-Бухорий. Саҳих. – Б. 1.; Молик ибн Анас. Муваатто. – Байрут: Дор ал-кутуб илмия, 1406/1985. – Б. 3.

орқасида тўпланиб, яна таровех намозини ўқишни бошлаганларида, бу одат бошқа одатлардан фарқ қилгани учун бидъат деб номланди¹⁰⁴.

Термизий ва Ибн Можжалар таҳриж қилган бир ҳадисда Пайғамбар (с.а.в) шундай дейдилар: “Ким Аллоҳ ва Расули рози бўлмайдиган бир бидъатни чиқарса, унга, шу бидъатга амал қилганларнинг гуноҳларининг бир мисли ва у инсонларнинг ҳам гуноҳлари камайтирилмай ёзилади”¹⁰⁵.

Бу ҳадисда ҳам “*бидъат*” сўзи “мутлоқ янгилик” маъносида келган. “Аллоҳ ва Расули рози бўлмайдиган...” ифодаси орқали, бу янгиликнинг сифати, хусусияти кўрсатилмоқда.

Ибн Масъуд (р.а)дан Расулуллоҳ (с.а.в)нинг шундай деганлари айтилади: “Сизни кейин пайдо бўлган нарсалардан огоҳлантираман. Шубҳасиз ишларнинг энг ёмони кейин пайдо бўлганидир. Кейин пайдо бўлган барча нарса бидъатдир. Ҳар бидъат залолатдир”¹⁰⁶

Кўриниб турганидек, ҳадисда, бидъатнинг таърифи, ҳамда энг муҳим хусусияти бўлган “залолат” эканлиги кўрсатилган. Бу ҳадисда ҳам “кейин пайдо бўлган нарса бидъатдир” ибораси келган. “Кейин пайдо бўлган” нарсанинг бидъат бўлиши, аниқ ифода қилинган бўлсада, ҳадиснинг давомидаги иккинчи жумланинг “Муҳаққақ ҳар бидъат залолатдир” ибораси, ҳадис шарҳловчилар томонидан жуда кенг шарҳланган. Кейин пайдо бўлган қандай нарсаларнинг залолат бўлиши юзасидан баҳслар юритилган. Юқоридаги бу фарқли фикрлар бидъат атамасига таъриф бериш ва уни ўрганишда жуда кўп учрайдиган жиҳатдир. “Тор маъноли бидъат ва кенг маъноли бидъат” иборалари бу тортишувларнинг натижасидир. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Пайғамбармиз (с.а.в)нинг “Ҳар бидъат залолатдир” сўзлари барча янгиликларни ўз ичига оламайди. Чунки, ислом дининг ўзи, хатто аввалги пайғамбарлар олиб келган динларнинг ҳар бири, бирор “янгилик”, ва “тажриба”дир. Пайғамбармиз (с.а.в)нинг бу сўзлари орқали ҳам

¹⁰⁴ Челик Али. Kavram ve Mahiyet Olarak Sünnet ve Bid'at. – Б. 133.

¹⁰⁵ Ибн Можа. Суна. – Б. 15.; Термизий. Саҳиҳ. –Б. 127.

¹⁰⁶ Ибн Можа. Суна. – Б. 7.

Қуръон ҳамда суннатга мувофиқ келмайдиган янги ҳаракатларга қасд қилинади¹⁰⁷.

- **Мазмум (ёмонланган) маънони ифодалаган ҳадислар**¹⁰⁸. Бу турдаги ҳадисларда бидъат сўзи билан биргаликда, бу бидъатнинг хусусияти ҳам зикр қилинади. Сўз анча тор маънода қўлланилади. Яъни, дин билан боғлиқ мавзуларда ёки Аллоҳ ва Расули рози бўлмайдиган нарсаларда деб белгиланади. Бунга бир неча мисоллар келтириш мумкин:

- Оиша(р.а)дан ривоят қилинади. Набий (с.а.в) шундай марҳамат деганлар: “Ким бизнинг шу ишимизда (динимизда) бўлмаган бирор нарса пайдо қилса, у рад қилинади”¹⁰⁹.

- Касир ибн Абдуллоҳ ибн Амр ибн Авф, отасидан, у бобосидан, Пайғамбаримиз (с.а.в) шундай деганларини ривоят қиладилар: “Ким Аллоҳ ва Расули рози бўлмайдиган бир бидъат чиқарса, инсонлардан унга амал қилганларнинг гуноҳидан бир мисли, унга ёзилади ва бунга амал қилганларнинг ҳам гуноҳлари камайтирилмайди”¹¹⁰.

“Бидъат чиқарган ҳеч бир жамият йўқки, унинг ортидан, янги суннат чиқмаган бўлса. Сенинг суннатга бўйсунинг, бидъат чиқаришингдан анча хайрлироқдир”¹¹¹.

Ибн Умар (р.а)дан ривоят қилинади: “Бир куни Расулуллоҳ (с.а.в) уйларида чикдилар. Уйлариининг орқа томонида бир гуруҳ саҳобалар Қуръон оятлари хусусида тортишаётган эдилар. Пайғамбаримиз (с.а.в) каттик хафа бўлдилар, юзлари қизариб кетди ва шундай дедилар: “Эй халоиқ, Қуръон оятлари хусусида баҳс юритмангиз. Сиздан аввалги умматлар, баҳс сабабли ҳалок бўлганлар. Албатта, Қуръон, оятлари бир-бирини ёлғонга чиқариш учун келмади, аксинча тасдиқлаган ҳолда келди.”¹¹²

¹⁰⁷ Али Челик. Kavram ve Mahiyet Olarak Sünnet ve Bid'at. – Б. 155-157.

¹⁰⁸ Ибн Можа. Сунан. – Б. 15.; Ибн Ҳанбал. Муснад. – Б. 105.; Термизий. Саҳиҳ. – Б. 15.

¹⁰⁹ Имом ал-Бухорий. Саҳиҳ. – Б. 5.; Имом Муслим. Саҳиҳ. – Б. 17-18.; Ибн Можа. Сунан. – Б. 1.

¹¹⁰ Ибн Можа. Сунан. – Б. 15.; Термизий. Саҳиҳ. – Б. 16.

¹¹¹ Ибн Ҳанбал. Муснад. – Б. 105.

¹¹² Шотибий. Эътисом. – Б. 156.

Бидъат дейилганда назарда тутиладиган мазмум маънони, шу гуруҳдаги ҳадислар орқали тушуниб етиш мумкин. Бу ҳам бўлса янги пайдо бўлган нарсаларнинг, динга доир бўлиши, Қуръон ва суннатга мос эмаслигини англатувчи бирор далилни мавжудлиги, Пайғамбар (с.а.в) ҳаётлик даврларида содир бўлган бўлмаганлиги ҳақида хабар берилган нарсалардир. Акс ҳолда пайдо бўлган ҳар нарсанинг бидъат саналиши, бу мавзудаги ҳадислар моҳиятига туғри келмайди. Биринчи гуруҳда зикр қилинган ҳадислар ҳам бир қарашда умумий ифода қилинсада, аслида айнан шу маънода изоҳланади.

- Бидъат чиқарган ва унга эргашганларни қоралаган ҳадислар.

Бу турдаги ҳадислар, бидъат чиқариш ёки чиқарилган бидъатларга эргашилишдан огоҳлантиради. Чунки бидъатнинг пайдо бўлиши, унинг жамият ҳаётига сингиб кетиши катта таҳлика уйғотади.

- Ҳузайфа (р.а) шундай деганлар: Расулуллоҳ (с.а.в) буюрдилар: “Аллоҳ, бидъат эгасининг на намозини, на рўзасини, на закотини, на ҳажжини, на умрасини, на жиҳодини, на фарзини, на нафлини қабул қилмас. Улар гуё қилнинг ҳамирдан чиққани каби диндан чиқадилар”¹¹³.

- Шотибий, ал-Эътисом асарида, Ибн Ваддохнинг ҳазрати Оиша (р.а)дан ривоят қилинган бир ҳадисни келтиради: “Ким бидъат эгасининг ёнига, уни хурматлаш мақсадида борса, динни бузиш борасида унга ёрдам қилган ҳисобланади.”¹¹⁴

Кўришиб турганидек, мўътабар ҳадис манбаларида келган бу ҳадисларнинг камраб олган маъноларидаги умумийлик ва хусусийлик ёки мутлоқлик ва етакчилик, бидъат тушунчасининг тор маъноли ва кенг маъноли деб кўриб чиққан хусусларнинг юзага келишига сабаб бўлиб, салбий маънода қўлланилиши устунлик қилган атамага айланди.

¹¹³ Ибн Можа. Сунан. – Б. 7.

¹¹⁴ Шотибий. Эътисом. – Б. 74.

Саҳобалар, тобеъин ва салаф олимларининг ҳам бидъатни ва бидъатчини қоралаган фикрларидан бир нечтаси келтирилади:

- Абдуллоҳ ибн Масъуд шундай дейдилар: “Суннатга эргашинг, бидъат чиқармангиз, бу сизга етар!”¹¹⁵

- Усмон ибн Ҳозир ал-Аздий шундай дейди: Ибн Аббоснинг олдига бордим ва: “Менга тавсия беринг”, - дедим. У: “Аллоҳдан кўрқ, хидоят йўлини танла, Қуръон ва суннатга эргаш, бидъатчи бўлма!”, - деб буюрди.¹¹⁶

- Усмон ибн Аби Раввод шундай деганлар: Мен Зухрийдан шундай деганларини эшитдим: “Мен Дамашқ (Шом)да Анас ибн Моликнинг ёнига кирдим, у йиғлаётган эди. Унга: “Сени йиғлатган нима? ”,- дедим. Анас: “Мен Расулуллоҳ замонларида эришган нарсаларимдан намоздан бошқа ҳеч бир нарсани танимай қолаётганимга йиғлаяпман, мана энди намоз ҳам зое кетди, -деди”¹¹⁷. Бу билан намозларнинг буюрилган вақтларда қилинмай кечиктирилиши назарда тутилгани айтилган.

- Ибн Аббос шундай дейди: “Бидъат эгаси, чиқарган бидъатини тарк этмагунча Аллоҳ ҳеч бир амалини қабул қилмайди.”¹¹⁸

- Имом Моликка бир ерда шундай дейилади: “Ким исломда бир бидъат чиқарса ва уни яхши деб ҳисобласа, у кимса гўё Муҳаммад (с.а.в)нинг пайғамбарликларига ҳиёнат қилган саналади”¹¹⁹.

-Умар ибн Абдуллазизга байъат берилиб халифа этиб сайлангач, минбарга чиқиб Аллоҳга ҳамду сано келтириб шундай деганлар: “Эй инсонлар, билингизки, набийингиз (с.а.в)дан ўзгаси йўқдир. Қуръондан бошқа китобингиз йўқдир. Пайғамбар (с.а.в)нинг суннатларидан бўлак бир суннат йўқдир. Сизнинг умматингиздан бошқа уммат келмайди. Дикқат

¹¹⁵ Имом Раббоний. Мактуботи Раббоний. – Истанбул: Баязит, 1977. – Ж 1.2. – Б. 155.

¹¹⁶ Имом Нававий. Сунан. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 2000/1421. – Б. 19.

¹¹⁷ Изуддин Ибн Абдуссалом. Қавоъид ал-аҳком. – Б.172.; Ибн Халдун. Муқаддима. – Истанбул, 1988. – Б. 78.

¹¹⁸ Али Махфуз. Ал-Ибдоъ. – Б. 117.

¹¹⁹ Атийя. Ал-Бидъа. – Б. 295-296.

килинг Аллоҳнинг муқаддас китобида Набийсининг тили орқали ҳалол қилинган нарсалар қиёмат кунига қадар ҳалолдир. Ҳаром қилган нарсалар ҳам қиёматгача ҳаромдир. Мен бидъатчи эмасман, лекин Қуръон ва суннатга бўйсунман. Мен шариат бошлиғи эмасман, лекин унга амал қиламан. Маъсулият юкланаётган киши сифатида оғир вазифа бўйнимга тушаяпти. Дикқат килинг, Холикқа масият хусусида махлукқа итоат йўқдир”, -деб минбардан тушди¹²⁰.

- Имом Авзойи, Зухрий ва Макхулнинг шундай деганини нақл қилади: “Насслар сизга қандай келган бўлса уни шундай қабул қилинг”¹²¹. Яъни, ортиқча таъвил ва шарҳлар орқали бидъатларга замин яратмасликни тавсия қиладилар.

1.3. Олимлар наздида бидъат

Олимлар бидъат атамасини маъносига кўра икки гуруҳга ажратадилар. Шулардан биринчиси кенг маъноли бидъат, иккинчиси тор маъноли бидъат. Ўрни келганда айтиб ўтиш керакки, кенг маъноли бидъатни бир неча қисмга бўлиб ўрганиш мумкин:

А) Пайғамбар (с.а.в) даврлари. бунга кўра Пайғамбар (с.а.в)дан кейин пайдо бўлган ҳар нарса бидъатдир¹²². Бу пайдо бўлган нарсанинг дин билан боғлиқ бўлиш ёки бўлмаслигининг аҳамияти йўқ. Пайғамбар (с.а.в)дан кейин пайдо бўлганининг ўзи бидъат бўлишига сабаб бўлади.

Бу таърифга маъқуллаганлар, Пайғамбар (с.а.в)нинг: “Ишларнинг энг ёмони кейин пайдо бўлгандир. Кейин пайдо бўлган ҳар нарса залолатдир...”¹²³. Насойининг ривоятида эса “..амалларнинг энг ёмони кейин

¹²⁰ Шотибий. Эътисом. – Б. 86.

¹²¹ Шотибий. Эътисом. – Б. 336.

¹²² Изуддин Ибн Абдуссалом. Қавоъид ал-аҳком. – Б.172; Атийя. Бидъа. – Б. 162.

¹²³ Муслим. Саҳиҳ. – Б. 43; Ибн Можа. Сунан. – Б. 7.

пайдо бўлганидир. Кейин пайдо бўлган ҳар нарса бидъатдир. Ҳар бидъат залолатдир, ҳар залолат жаҳаннамдадир”¹²⁴, мазмунидаги ҳадисларини келтирадилар. Суютий, Насойнинг “Сунан” тўпламларида ушбу ҳадис билан боғлиқ қўйидаги шарҳлар ўрин олган: “Нававийнинг айтишича “ҳар бидъат залолатдир” ҳукми, алоҳида бир омм ҳисобланади. Залолат бўлган бидъатдан мақсад, тамомила кейин келиб чиққан нарсадир”¹²⁵.

Бу фикрни қўллаб-қувватлаганлар сирасига Имом Шофеъий¹²⁶, Нававий¹²⁷, Иззуддин ибн Абдуссалом¹²⁸, Ибн Хазм¹²⁹, Абу-л-Фароҳ ибн ал-Жавзий¹³⁰, Ибн Обидийн¹³¹ каби ислом олимларини киритиш мумкин. Аммо бу таърифда бир мавҳумлик бор. У ҳам бўлса, Пайғамбар (с.а.в)дан кейин пайдо бўлган нарсаларнинг дин билан боғлиқ бўлиш ёки бўлмаслиги каби хусусиятларининг ҳисобга олинмаганидир. Табиийки, бу ҳолат, сўзнинг луғавий маъносига кўпроқ таянганини кўрсатади. Кейинчалик сўзнинг луғавий маъносидан озгина четланиб, Пайғамбар (с.а.в)дан кейин пайдо бўлган барча янги нарса эмас, балки маълум бир мазмунга эга бўлган ифодани касб этди. Бидъат сўзининг “кейин пайдо бўлган ҳар нарса” маъносини бериши баъзи муаммоларни келтириб чиқаради. Бу ўринда қўйидагача саволлар пайдо бўлади, агар дин билан боғлиқ бўлса, диннинг асл моҳиятига тўғри келса, унга зарар етказмай, аксинча уни қувватлаб, янада ривожланишига сабаб бўлса, у нима деб аталади? Кейин пайдо бўлган динга зарар келтирадиган нарса билан зарар келтирмайдиган нарсалар бир-биридан қандай фарқланади? Ёки пайдо бўлган нарса инсонларнинг фойдаси учун хизмат қилса у нима деб аталади? Олимлар бу мавҳумликларга қўйидагича

¹²⁴ Термизий. Саҳих. – Б. 22.

¹²⁵ Насой. Сунан. – Байрут. Дар ал-кутуб илмия. 1995/1416. – Б. 23. (ҳадис шарҳлари ҳақида маълумот)

¹²⁶ Атийя. Бидъа. – Б. 160.; Ибн Ҳажар. Фатҳ ал-Борий. – Байрут: Дар ал-кутуб илмия, – Т. XIII. 1421/2000. – Б. 213.

¹²⁷ Алию-л-Қорий. Мирқот ал-Мафотих шарҳу мишкот ал-масобих. (I-XI), – Байрут., 1414/1994. – Б. 368. (Бундан кейин Алию-л-Қорий. Мирқот); Насой. Сунан. – Байрут. Дар ал-кутуб илмия. 1995/1416. – Б. 188-189.

¹²⁸ Иззуддин Ибн Абдуссалом. – Б. 172.

¹²⁹ Атийя. Бидъа. – Б. 295-296.

¹³⁰ Ибн Жавзий. Талбису иблис. – Дамашк, 1396/1976. – Б. 16.

¹³¹ Ибн Обидийн. Рад ал-мухтор. – Байрут: дар ал-кутуб илмия. 1994/1415.– Б. 561-562.

жавоб берганлар: “пайдо бўлган янги нарсанинг фойдалими ёки фойдасизлигига эътибор қаратиб, ўлчов бирлиги сифатида Пайғамбар(с.а.в)нинг суннатлари ва Қуръони карим олинади. Ҳар қандай ибодат ва одат туридан қатъий назар пайдо бўлган нарса шу икки асосга таяниб баҳоланади”, деб баъзи таърифларни келтирадилар. Имом Шофеъий шундай деганлар: “Бидъатнинг иккита тури мавжуд: “*Бидъати мамдуҳа*” (мақталган бидъат), “*бидъати мазмума*” (ёмонланган бидъат). Суннатга мувофиқ келадиган бидъат - бидъати мамдуҳа, суннатга тўғри келмайдиган бидъат бидъати мазмумадир”¹³².

Ибн Хазм, “Бидъат Қуръони каримда ва суннатда бўлмаган ҳамма нарсадир”¹³³-, деган таърифни беради.

Ибн Асирга кўра, бидъат иккига бўлинади: “*бидъати ҳуда*” (ҳидоятга бошлайдиган) ва “*бидъати залал*” (залолатга бошлайдиган бидъат)лардир.

Шайх Абдулҳақ ад-Дехлавий “Мишкот” шарҳида шундай дейди: “Билингизки Расулуллоҳ (с.а.в)дан кейин пайдо бўлган ҳар нарса бидъатдир. Агар суннатга мувофиқ бўлса ёки унга қиёс қилинса, у бидъати ҳасана бўлади. Янги пайдо бўлган нарса суннат ва унинг асосларига ҳилоф бўлса, у бидъати саййиадир”¹³⁴. Кўриниб турганидек, Пайғамбар (с.а.в)дан кейин пайдо бўлган нарса Қуръони карим ва суннатга мувофиқ келиши кераклиги кузатилади. Аммо унинг дин ёки дунё билан боғлиқ бўлиши кераклиги ҳақида сўз юритилмайди. Яъни Пайғамбар (с.а.в) даврларида мавжуд бўлмаган нарсаларнинг барчаси бидъат деб саналади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу тушунча анча кенг қамровли бўлиб, унинг фақат луғавий маъносига таяниб хулоса чиқариш унчалик тўғри бўлмайди.

В) Хулафои рошидин даври. Бу таърифга кўра бидъат диний ё дунёвий нормаларга ажратилмасдан, Пайғамбар (с.а.в) ва хулафои рошидин давридан кейин пайдо бўлган барча янги нарсалар деб қабул қилинади.

¹³² Атийя. Бидъа. – Б.160

¹³³ Атийя. Бидъа. – Б.160.

¹³⁴ Таҳонавий. Кашшоф. – Б. 133; Атийя. Бидъа. – Б. 162.

Бидъатларнинг хулафои рошидин даврининг охирларига тўғри келаётганига асос қилиб, Пайғамбар (с.а.в)нинг қўйидаги ҳадислари олинади: “Ирбод ибн Сариядан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (с.а.в) бир куни бомдод намозидан кейин бизга жуда таъсирчан ваъз қилдилар. Бу ваъзнинг таъсиридан кўзлар ёшланиб, саҳобалардан бири: “шубҳасиз бу видолашаётган бир кишининг ўғитлари, деди ва ё Расулуллоҳ, бизларга нималарни буюрасиз?”,- деди. Пайғамбаримиз (с.а.в) буюрдилар: “Сизларни Аллоҳнинг амирларига бўйсунушлик, раҳбарларингиз ҳабашлик бўлса ҳам унга итоат этишликка чақираман. Сизлардан яшаганлар бир қанча фитналарга гувоҳ бўладилар. Кейин пайдо бўлган ишлардан огоҳ бўлинглар. Чунки булар залолатдир. Ичингиздан кимдир буларга тўқнаш келса, менинг суннатим ва ҳидоят йўлини танлаган хулафои рошидинларга эргашишсин..”¹³⁵.

Ҳадисда “хулафои рошидин”нинг айнан зикр қилинишига сабаб, улар даврида пайдо бўлган нарсаларнинг бидъат эмаслигидандир. Чунки улар қилган ва тасдиқлаган нарсалар суннат амаллардан ҳисобланишини¹³⁶ олимлар илгари сурганлар. Расулуллоҳ (с.а.в)нинг: “Мендан кейин Абу Бакр ва Умарга эргашинг”¹³⁷, деган буюруқлари буларни тасдиқлайди. Бу таърифга кўра бидъат тушунчаси анча кенг ёритилиб, Пайғамбар (с.а.в) даврларидан хулафои рошидин давригача сурилган. Яъни, Қуръони карим, суннат ва хулофои рошидин йўлларига тўғри келган нарсалар бидъат саналмаслигидир.

С) Саҳобалар даври. Кейин пайдо бўлган нарсаларнинг бидъат деб қабул қилиниши, Пайғамбар (с.а.в) ва саҳобаи киромлар давридан кейин пайдо бўлган, Қуръони карим, суннат ва саҳобийларнинг тутган йўлларига мос келувчи ва шунга қиёс қилинувчи қоидалар йўқлигидандир¹³⁸. Бунда маъно янада кенгайиб, вақт саҳобийлар даврининг охирига қадар

¹³⁵ Термизий. Саҳих. – Б. 16.; Абу Довуд. Суна. – Б. 5.; Ибн Можа. Суна. – Б. 6.; Ибн Ҳанбал. Муснад. – Б. 126-127.

¹³⁶ Абдулҳай ал-Лакнавий. Иқомат ал-хужжа. – Б. 25.

¹³⁷ Термизий. Саҳих. –Б. 30-37.; Ибн Можа. Суна. – Б. 11.; Ибн Ҳанбал. Муснад. –Б. 382-385.

¹³⁸ Ходимий. Ал-Барика. – Б. 273; Лакнавий. Иқомат ал-хужжа. – Б. 19.

узайтирилади. Энг сўнгги вафот этган саҳобий Абу Туфайл Омир ибн Васи́ла (ваф. 110/728 й.) бўлиб, бу Умавий халифалардан Ҳишом ибн Абдумалик даврига тўғри келади¹³⁹. Ислом пайдо бўлган даврдан бошлаб, бир асрлик вақт ичида юзага келиб, у даврда яшаган саҳобийлар маъқуллаган янги нарсаларга бидъат деб қаралмай, шу даврдан кейин пайдо бўлган янги нарсаларнинг бидъат ёки бидъат эмаслигини аниқлашда қўйидаги асослар келтирилади: Саҳобаларнинг сўзлари, феъллари ва қарорлари ҳам суннат деб қабул қилинади. Шотибий, саҳобаларнинг феъллари ҳақида ушбу қарашларни баён этади: “Саҳобалар бизгача етиб келмаган, ҳақиқий суннатга тобе бўлган кишилардир ёхуд саҳобий ва хулафои рошидийнларнинг ижмо қилган ижтиҳодларига суянган кишилардир. Уларнинг бир мавзуда бир тўхтамга келишлари ижмо ҳисобланади. Халифаларнинг амаллари эса аслида “бутун саҳобаларнинг ижмоси” маъносида келади. Чунки бутун инсониятни амал қилишга чорлаган саҳобийларнинг тутган йўллари, уларнинг ҳам маълум бир ҳукмга бўйсўнганликларини кўрсатади”¹⁴⁰. Шу билан бирга саҳобийлар Пайғамбар (с.а.в)ни яқиндан билган, у кишининг қилган амаллари ва айтган сўзларини яхши тушуниб етган кишилар ҳисобланади.

Абдулғани ан-Наблусий, Бирғивийнинг “Тариқати Муҳаммадия” китобига ёзган “ал-Ҳадиқат ан-Надия Шарҳу Тариқати Муҳаммадия” номли шарҳида бидъатга қўйидагича таъриф беради: “илк даврдан кейин” ифодаси орқали, илк даврнинг салаф яъни, Расулуллоҳ (с.а.в) ва саҳобийлар даври эканлигини ёритиб берган¹⁴¹. Баъзи саҳобаларнинг ўз замонларида пайдо бўлган нарсаларга “бидъат” деб ҳукм чиқаришларига келсак, эндигина пайдо бўлган бир нарсанинг ёмонлигига доир сўз ёки феълий сабаблар топилса, у ҳолда бу янгилик рад қилинади. Аммо рад қиладиган бирор белги бўлмаса қабул қилинаверади. Чунки бу шаръий маънодаги эмас, балки луғавий

¹³⁹ Ибн Ҳишом. Ас-Сийра ан-набавийя. – Байрут.: Дор ат-тирос ал-арабий, 1997. – Б. 118.

¹⁴⁰ Шотибий. Эътисом. – Б. 4.

¹⁴¹ Лакнавий. Иқомат ал-ҳужжа. – Б. 24.

маънодаги бидъат ҳисобланади, яъни, (залала) маъносидаги бидъат саналмайди.

Муҳаддис Абдулхай Лакнавий шу борада қуйидаги мисолларни келтиради: Бидъат ҳисобланган нарсани: Абу Довуднинг Мужоҳиддан қилган таҳрижига кўра шундай деган: “Ибн Умар билан бирга бир одамнинг пешин ва аср номзларида “ас-солату хойрун мин ан-навм”га ўхшаш тасвиб (эълон) қилганини кўрдик, шунда Ибн Умар: Уни ёнимиздан чиқаринг. Зеро, унинг қилган иши бидъатдир”¹⁴², -дедилар. Шунга ўхшаш “ал-Биная шарҳ ал-Ҳидая” асарида шундай дейди: “Мабсут”да ривоят қилинишича, хазрат Али (р.а) хуфтон намозида тасвиб (азондан кейин *ас-солату хойрун мин ан-навм* дед эълон қилишлик) айтаётган бир муаззинни кўриб, шундай дедилар: “бу бидъатчини масжиддан чиқаринг”¹⁴³. Давомида Лакнавий¹⁴⁴ шундай фикрни билдиради: зикр қилинган бу икки ривоятга қарамай, фақиҳлар, нима учун барча намозларда тасвибни лозим кўришган дейилса, Лакнавий шундай дейди: Бу мавзуда олимлар уч хил қарашга эга: 1. Бомдод намозидан бошқа намозларда тасвиб макруҳдир. Бомдод намози уйку ва ғафлат кучли келадиган вақтдир. Шу боис муаззиннинг тасвиб айтиши афзал кўрилади. Бу Абу Довуд таҳриж қилган ушбу ҳадисга таянади: “Абу Бакр (р.а)дан ривоят қилинишича, “бир кун Расулуллоҳ (с.а.в) билан бомдод намозини ўқиш учун чиқдик. Масжидга кираётганимизда бир одам кимнидир имлаб қайта-қайта намозга чақирар, яна кимнидир туртиб уйғотишга уринарди”¹⁴⁵. Алийю-л-Қорий ҳам бу ҳадис ҳақида: “Ишончим комилки, барча намозларда тасвиб айтиш одати шу ҳадисдан олинган”, -дейди¹⁴⁶. 2. Абу Юсуфнинг қарашларига кўра, тасвиб раҳбарлар ёки мусулмонлар хизмати билан банд кишиларни намозга чақиритиш учун айтилади. Мутааддид ривоят йўллари билан нақл қилинишича, саҳобий Билол (р.а) Пайғамбар (с.а.в)нинг хонаи

¹⁴² Абу Довуд. Сунан. – Б. 43.

¹⁴³ Бадриддин Айний. Ал-Биная шарҳ ал-хидоя. – Байрут, (I-X). 1980. – Б. 550.

¹⁴⁴ Лакнавий. Иқомат ал-ҳужжа. – Б. 42.

¹⁴⁵ Абу Довуд. Сунан. – Б. 21.

¹⁴⁶ Алийю-л-Қорий. Мирқот. – Б. 421.

саодатларининг эшиги ёнига келиб, уларни намозга чақирардилар. Шу ва шунга ўхшаш ривоятлар тасвибнинг жоиз бўлишлигига далил бўла олади. 3. Мутааххир олимларнинг фикрига кўра, хуфтон намозидан ташқари барча номозларда тасвиб айтиш яхши амаллардан саналади. Чунки ҳозирги кунимизда барча намозларга нисбатан эринчоқлик ҳолатлари кўзга ташланади.

Шунинг учун инсонларни қайта-қайта намозга чақириб тўғри ҳисобланади. Бироқ “асри саодат”да бунга эҳтиёж ҳам бўлмаган эди. Юқоридаги икки хабарга хилоф равишда, Лакнавий, иккинчи мисол тариқасида таровеҳ намозини Хазрати Умар (р.а)нинг жамоат билан ўқишга амр қилиб, “бу қандай гўзал бидъатдир”¹⁴⁷ деганларини келтириб ўтади. Буни куйидаги фикрлар билан тўлдиради: Саҳобийнинг жорий қилган янгилиги бидъат ҳисобланмайди. Уларнинг йўлидан юришга чақирадиган бир қанча ҳадислар ҳам мавжуд. Хазрати Умар (р.а) айтган “*бидъат*” сўзи, янгилик маъносини англатиб, истилоҳий эмас, луғавий маънода ишлатилган. Бу ҳақида Ибн Таймия (ваф. 728/1328й.) куйидаги фикрларни айтади: Таровеҳ намози, Пайғамбар (с.а.в) даврларида ҳам жамоат бўлиб ўқилган. Бир рамазон ойининг илк оқшомларида Пайғамбар (с.а.в) таровеҳ намозини жамоат билан ўқиб учинчи ва тўртинчи кунлари ҳам жамоат тўпланганини кўриб, саҳобийларга шундай амр қилдилар:

“Сизлар билан бирга таровеҳ намозини ўқишга чиқмаганимнинг сабаби, буни сизларга фарз қилинмагани юзасидан эди. Бу намозни уйларида ўқингиз. Чунки инсоннинг фарз бўлганидан ташқари энг афзал намози уйда ўқийдиган намоздир”¹⁴⁸.

Пайғамбар (с.а.в)нинг таровеҳ намозини ўқишга чиқмаганликларининг сабаби, уни кишилар фарз даражасига чиқариб юбормасликлари учун бўлган. Аммо хазрати Умар (р.а) даврларида мусулмонлар масжидни қандиллар билан ёритиб, бир имомнинг орқасидан жамоат бўлиб таровеҳ намозини

¹⁴⁷ Имом ал-Бухорий. Саҳиҳ. – Б. 3.; Имом Муслим. Саҳиҳ. – Б. 761.; Ибн Ҳанбал. Муснад. – Б. 182.

¹⁴⁸ Имом ал-Бухорий. Саҳиҳ. – Б. 3.; Имом Муслим. Саҳиҳ. – Б. 761.; Ибн Ҳанбал. Муснад. – Б. 182.

Ўқиётганини кўриб, бу аввалги амаллардан фарқ қилгани учун “бидъат” деб номлаганлар. Чунки атаманинг луғавий маъноси, шундай номлашга қулайлик беради. Шундай экан, бу ном истилоҳий маънодаги бидъат бўлмайди. Сабаби, у суннат ва солиҳ амаллардан ҳисобланиб, фақат фарз деб қабул қилинмаслиги учун давом эттирилмаган. Пайғамбар (с.а.в)нинг вафотларидан кейин фарз бўлиш хавфи йўқолгач, бу амални давом эттириш ҳеч бир монъелик туғдирмайди.

Ўрни келганда айтиб ўтиш керакки, Пайғамбар (с.а.в) даврларида бўлмаган ва фақат саҳобалар томонидан жорий қилинган янгилик (бидъат)ни, қабул қилишда нималарга эътибор қилиш керак:

1. Қуръон ва суннатда унинг яхши ва маъқул эканлигига доир хабар бўлса, унга амал қилиш анча тўғри бўлади. Гарчи воқеа Пайғамбар (с.а.в) даврларида юз бермаган бўлсада, уни шариат аҳкомларига солиштириш имкони бор.

2. Қуръон ва суннатда уни маъқулланган, бирор хабар келмай, аксинча рад қилинган бўлса, у ҳолда, саҳобанинг иши ҳам шариат ичидаги амаллардан эканлиги ҳисобга олиниб, хилоф келган хабар бўйича саҳобанинг тутган йўли ўрганиб чиқилади. Бунинг учун бутун куч сарфланади. Шунга қарамай саҳобанинг иши нассга хилоф келса, у рад қилинади. Чунки хабар (нас) асос ҳисобланади. Бундай вазиятда саҳоба узурли саналади, ваҳоланки, бу ҳолат саҳобаларга хос эмас. Агар уларга хос ҳолат бўлганида, насга хилоф амални жорий этмаган бўлар эди.

3. Агар саҳобанинг янгилиги (бидъати) ҳақида яхши ҳам ёмон ҳам далил келмаган бўлса, у ҳолда саҳобанинг йўли қабул қилинади. У амалга саҳобалар иттифоқ қилган бўлсалар унга риоя қилиш табиий ҳол ҳисобланади. Аммо саҳобалар ўртасида ихтилоф бўлса, ўзи мужтаҳид деб санаган саҳобага эргашиши мумкин. Чунки кайси саҳобага эргашишидан

катъий назар ҳидоят топади¹⁴⁹. Усул ал-фикҳ китобларида шулар ҳақида анча батафсил маълумотлар берилган.

Д) Тобъинлар даври. Бидъатларнинг энг кўп пайдо бўлган ва у ҳақида кескин мулоҳазалар билдирилган давр бу тобъинлар даври ҳисобланади. Бу даврга кўра бидъат, кейин пайдо бўлган нуқсонли ёки ортик жиҳати билан ғолиб келган янгилик маъносини билдиради. Пайғамбар (с.а.в)нинг қўйидаги ҳадисларига таяниб, бидъатларнинг табаъ тобъин давригача кенгайиб келиш моҳиятини изоҳлайдилар. Яъни:

“Сизларнинг энг хайрлироғингиз мен билан бир даврда яшаганларингиз. Кейин қолганларни таъқиб қиладилар, улардан кейингиларини ҳам таъқиб қиладилар..”¹⁵⁰.

Бу ҳадисда ҳар уч авлод ифодаланган. “Тобъин билан табаъ тобъин замонларида пайдо бўлган янгиликлар ҳақидаги мулоҳазалар ҳам саҳобийлар даври ҳақида билдирилган фикрларни тасдиқлайди. Яъни, пайдо бўлган янги нарсага тобъинлар томонидан қаршилик билдириб, “бу бидъат” дейилса, бу қабул қилинади”¹⁵¹.

Бидъатнинг пайдо бўлишидаги бу ихтилофларга қарамай, хоҳ диний хоҳ дунёвий бўлсин, хоҳ ибодат хоҳ одат билан боғлиқ бўлсин, мазкур даврлардан кейин пайдо бўлган нарсалар бидъат деб иттифоқ қилинган. Фақат бу бидъатларнинг Қуръон, суннат ёки Қуръон, суннат ва хулафои рошидийн ёки Қуръон, суннат ва саҳобаларнинг йўллари ёки Қуръон, суннат, саҳоба, тобъин ва табаъ тобъинларнинг тутган йўлларига мос келиш келмаслигига қараб, “*бидъати ҳасана*” (яхши бидъат) ёки “*бидъати саййиа*” (ёмон бидъат) деб ном олган. Кўриниб турганидек, бидъат сўзининг мазмуни бўйича иттифоқ қилинган, аммо воқеликнинг содир бўлган вақти ва чегарасида ихтилоф мавжуд.

¹⁴⁹ Лакнавий. Иқомат ал-ҳужжа. – Б. 54-55.

¹⁵⁰ Абу Довуд. Сунаан. – Б. 9; Термизий. Саҳих. – Б. 45; Ибн Ҳанбал. Муснад. – Б. 357.

¹⁵¹ Лакнавий. Иқомат ал-Ҳужжа. – Б.55.

Тор маънони ифодалаган бидъат эса, “Пайғамбар (с.а.в)дан кейин пайдо бўлган ва динга боғлиқ бўлиб, қўшимча ва камчиликка эга ҳар нарса саналади”¹⁵². Ходимий шундай дейди: “Дунё ишлари шариат ҳукмларидан ажратилган эмас. Зеро, инсонларнинг феълидаги ҳеч бир феъл, шариат аҳкомидаги ҳеч бир ҳукмдан узоқ бўла олмайди. Бу ерда диндан мурод, эътиқодий ёки амалий ибодатларга хос ҳукмлардан иборат эканлиги назарда тутилган”¹⁵³.

Бу таърифга кўра, дин билан боғлиқ бўлмаган мувоҳ нарсалар бидъат ҳисобланмайди. Яъни, кундалик ҳаётда пайдо бўлган янги ижодлар, технологик ривожланишлар ва бир гуруҳ ижтимоий ўзгаришларнинг бидъат мавзусига дахли йўқ. Бу қарашни олимлар ичида Имом Молик (ваф. 179/795 й.), Туртуший (ваф. 179/795 й.), Шотибий (ваф. 790/1388 й.), Бадриддин Айний (ваф. 855/1451 й.), Биргивий (ваф. 981/1573 й.), Ибн Таймия (ваф. 728/1328й.), Ибн Ҳажар Асқалоний (ваф. 852/1448 й.) ва Ибн Ражаб Ҳанбалий (ваф. 795/1393 й.) лар қўллаб қувватлаганлар.

Имом Шотибий, ал-Эътисом асарида: “Бидъат, динда кейин ижод қилинган ва шариатга мувофиқ кўринган бир йўлки, у орқали Аллоҳ таолага кўп ибодат қилишлик қасд қилинади”, -деб таъриф беради. Кўриниб турганидек, Шотибий бидъатни “диний йўл” деб таъриф берган. Унга кўра, бир кимсанинг бирор нарсани ейишни ўзига таъқиқлаши бидъат бўлмайди, шу таъқиқни диний сабабга боғлаши бидъат ҳисобланади. Шотибийнинг бу таърифида тор маъноли бидъат тушунчаси очиқ-ойдин намоён бўлади. Яъни, динда буюрилмаган нарсани диннинг амри деб кўрсатиб ва бу билан Аллоҳга керагидан ортиқ даражада итоат қилиш ишончига эга бўлиш назарда тутилади.

Бу таъриф тарафдорлари Оиша (р.а)дан ривоят қилинган қуйидаги ҳадисни далил қилиб келтирадилар: “Ким бизнинг шу ишимизда, ундан

¹⁵² Таҳонавий. Кашшоф. – Б. 133; Атиййа. Бидъа. – Б. 162.

¹⁵³ Ходимий. Ал-Барика. – Б. 275.

бўлмаган бирор нарсани пайдо қилса, у рад қилинади”¹⁵⁴. Ҳадисдаги “бизнинг ишимиз” ифодасида диндага шариат назарда тутилган¹⁵⁵.

Бидъат дейилганда, кўпроқ “*бидъати саййиа*” (ёмон бидъат) тушунилади. Гўё бидъатнинг ҳасанаси мавжуд эмасдек. Ибн Ражаб ал-Ҳанбалий шундай дейди: “Бидъатдан мурод, шариатда борлигига ҳеч бир далил бўлмаган янги пайдо бўлган нарсадир. Янги пайдо бўлган нарса аслида шариатда бор бўлса, у ҳолда бидъатнинг луғавий маъносига тўғри келсада, аслида шаръан бидъат ҳисобланмайди”¹⁵⁶. Ибн Ҳажар Асқалоний ҳам шу фикрни маъқуллаб, бидъат суннатнинг зидди сифатида қўлланилишини айтади¹⁵⁷. Бу ҳолда бидъат “*бидъти мазмумия*” (ёмонланган бидъат)ни англатиб, унинг ҳасанаси бўлмайди¹⁵⁸. Тариқати Муҳаммадийнинг ал-Барика шарҳида, муаллиф Ходимий ҳам шу фикрларни қувватлайди: “Фақиҳларга кўра бидъат асло одатларни ўз ичига олмайди”¹⁵⁹.

Бу олимлар ўртасида тортишувли ва муҳим мавзулардан саналади. Бидъат сўзининг луғавий маъносидан тор ва кенг маъноли таърифигача тадқиқ қилганлар, уни шартли равишда бир неча гуруҳларга ажратганлар: “бидъати ҳасана” (яхши бидъат), “бидъати саййиа” (ёмон бидъат), “бидъти мамдуҳа” (мақталган бидъат), “бидъати мазмума” (ёмонланган бидъат), “бидъати ҳуда” (хидоятга бошлайдиган бидъат), “бидъти залал” (залолатга бошлайдиган бидъат) каби одатда қарши маънолари билан келади. Бошқа гуруҳда эса бидъатлар сирасига одатларни ҳам қўшиб, “бидъати ҳақиқий” (ҳақиқий бидъат), “бидъати изофий” (нисбий бидъат), “бидъати феълий”, “бидъати таркий” (тарк қилинган бидъат), “бидъати амалий” (амаллардаги бидъат), “бидъати эътиқодий” (эътиқоддаги бидъат), “бидъати одатий” (одатлардаги бидъат), “бидъати ибодатий” (ибодатлардаги бидъат) каби

¹⁵⁴ Имом ал-Бухорий. Саҳиҳ. – Б. 5.; Имом Муслим. Саҳиҳ. – Б. 17-18.; Абу Довуд. Суна. – Б. 5.; Ибн Можа. Суна. – Б. 2.; Имом Нававий. Суна. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 2000/1421. – Б. 24.

¹⁵⁵ Ибн Ражаб Ҳанбалий. Жомеъ ал-улум ва-л-хикам. – Байрут: Дар ат-турос, 1415. – Б. 177.

¹⁵⁶ Атийя. Бидъа. – Б. 162-163.

¹⁵⁷ Ибн Ҳажар Асқалоний. Фатх ал-Борий. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 1997/1418. – Б. 231.

¹⁵⁸ Ходимий. Ал-Барика. – Б. 268.

¹⁵⁹ Ўша асар. – Б. 275.

турларга ажратилган. Бидъат ҳукм юзасидан ҳам тадқиқ қилиниб, “вожиб, харом, мандуб, мубоҳ ва макруҳ” шаклларида фикҳий нормаларга ҳам солинган. Бидъатни, бу сўзга юкланган салбий маъноли атама сифатида ўрганиб, тор маънода тушунганлар уни салбий маънода тушунишлари кераклиги, яъни, бидъатнинг “Пайғамбар (с.а.в)дан кейин пайдо бўлган ва дин билан боғлиқ мавзулардаги қўшимча ва камчиликларга эга бўлган ҳар нарса” эканини, бу ўринда ҳеч қандай гуруҳларга бўлинмаслигини илгари суриб, бевосита “бидъати ҳасана” (яхши бидъат) ёки “бидъати саййиа” (ёмон бидъат) деб ажратишнинг ўринсиз эканлигини таъкидлайдилар. Салбий мазмундаги бидъат, ўзининг кенг ва тор қамровли маъноси билан ислом тарихи бўйича яшаб, мазмуни ҳозирга қадар кенгайиб келмоқда. Баъзан бидъат сўзи хурофот сўзининг синоними сифатида ҳам келади.

Хоҳ диний, хоҳ дунёвий жабҳада бўлсин, барча даврларда жаҳолатнинг ҳукмрон бўлиши, жамиятда ботил тушунча, бидъат ва хурофотларни юзага келтиради. Бидъат мазусида ёзилган кўпгина асарларда юқорида зикр қилинган бир қанча таснифларни қўллаб қувватлайдиган кенг маъноли бидъат тушунчаси ва “бидъати ҳасана”, “бидъати саййиа” тушучалари тилга олинади. Ушбу тушунча бугунги жамият учун ҳоким тушунча ҳисобланади. “Пайғамбар (с.а.в)дан кейин пайдо бўлган барса нарса бидъатдир” тушунчаси кенг маънога эга бўлганлиги сабаб, исломга оид барча илмий соҳалардан ўрин эгаллаган. Яъни калом, фикҳ, ҳадис, тафсир каби. Бу илмий соҳалар ичида илк даврларда, хусусан, хижрий I асрда калом илми асосий ўринга чиқди, хатто бидъат Калом илмининг муҳим мавзуларидан бирига айланди ва бир гуруҳ эътиқодий фирқаларнинг келиб чиқиши ва улар ўртасидаги фарқларнинг муҳим белгиси сифатида ўрин эгаллади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, бидъатга шундай таъриф бериш ўринлидир: Бидъат Пайғамбар (с.а.в)нинг таълимотларидан кейин динда қилинган қўшимча ва камчиликлар, яъни:

– Пайғамбар (с.а.в)нинг таълимотлари, ифодаси орқали ҳам у кишидан содир бўлган сўз-феъл ва тақрирлари, ҳамда Муҳаммад (с.а.в)га

кўшимча саҳобалар тарафидан содир бўлган сўз-феъл ва тақрирлар тушунилади. Чунки саҳобанинг Пайғамбар (с.а.в)га кўшимча нақл қилинган нарсалари ҳам манба ҳисобланади. Зеро, саҳоблар бу нарсаларни ақлан билишлари мумкин эмас. Аммо ақлан билганлари бўлса, улар икки гуруҳга ажратилади. Биринчиси ҳадис усули терминида “ҳукман марфуъ”¹⁶⁰, иккинчиси эса “саҳоба қовли” ёки “мавқуф ҳадис”¹⁶¹ дейилади. Баъзи муаллифларнинг “Қуръон ва суннатда манбаси (очик ёки яширин, далил билан ёки ишорали) бўлмаган..” шаклидаги ифодалари “Пайғамбар (с.а.в)нинг буюрган амалларининг ичида ёки ташқарисида деб тушунилади. Чунки Пайғамбар (с.а.в)дан кейин динда пайдо бўлган нарсалар ҳақида Қуръон ва суннатдан истинбот йўли орқали берилган ҳукмлар ҳам Пайғамбар(с.а.в)нинг таълимотлари қамровида кузатилади. Шу сабабдан, “Пайғамбар (с.а.в)нинг таълимотларидан кейин...’ ифодаси қўлланади.”¹⁶²

– “Динда қилинган кўшимча ва камчилик” ифодаси орқали ҳам Пайғамбар (с.а.в)нинг таълимотлари доирасида бўлмаган янги пайдо бўлган нарсаларнинг (муҳдасат) бидъат бўлиши учун диний мавзулар (ибодат, эътиқод)га алоқадор бўлиши керак. Дин сўзи ҳаётнинг барча жабҳаларига алоқадаор дейилса-да, бу кўпроқ сўзнинг луғавий маъносига мос келади. Аммо атама сифатида (истилоҳда) дин сўзи эътиқод, ибодат ва муаомолат масалаларига доир мавзуларда Аллоҳ ва унинг Расули тарафидан жорий қилинган қоидалар ва амаллар маъносини англатади. Агар шу чегарадан чиқилса, динда кўшимча ва камчилик содир бўлса, бу бидъат саналади. Бундай ҳолатдаги бидъат “*бидъати саййиа*” (ёмон бидъат) ҳисобланади. Бунда “*бидъати ҳасана*” (яхши бидъат)га ўрин қолмайди.

Шунингдек, диний ҳаётдан четда пайдо бўлган нарсалар, техника янгиликлари, кашфётлар, илмий тараққиёт натижалари бидъат ҳисобланмайди.

¹⁶⁰ Истилоҳда, Расулуллоҳ (с.а.в)га нисбат берилган иш, гап, тақрир ва сифатлар тушунилади.

¹⁶¹ Истилоҳда, ривоят қилинаётган хабар саҳобийга етганда тўхтаб қолиб, иснод занжири охирига етказилмаган ҳадис.

¹⁶² Субҳи Солиҳ. Улум ал-адис ва мусталаҳуҳу. – Байру: Дор ал-кутуб илмия, 1965. – Б. 65.

Араб муаллифларидан бири Муҳаммад Талбийнинг “Studia Islamica” (XII, 1960 й.)¹⁶³сида берган “Les bida” номли мақоласида бидъатларни пайдо бўлиши билан боғлиқ фикрлар келтирилади: “Бидъат атамасининг юзага келишида мусулмонларнинг илк уч насли яшаган давр алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу даврда ҳеч бир фикҳий қоидалар кераклича ислоҳ қилинмади. Фақатгина исломни қўллаб қувватлайдиган мукаллифлар сони ортиб борди. Хулоса қиладиган бўлсак, биринчи аср руҳий тайёргарлик, иккинчи аср дори исломий, яъни, кун сайин ортиб бораётган янгиликларга қарши китоблар ёзилган аср бўлди.”

Муҳаммад Талбий иккинчи асрдан эътиборан деб тилга олиниб, китоблар ва халқ орасида кенг ёйила бошлаган бидъат тушунчаси учун “бидъатлар доктрини (оқими)” иборасини қўллайди ва тушунчанинг маъносини бу қадар кенгайиб кетишига сабабчилар деб, ҳимоя тизимини вужудга келтирган, барча соҳаларда катта таъсирга эга “асҳоб ал-ҳадис”¹⁶⁴га боғлайди. Унинг фикрларида И. Гольдциер ва Й. Шахтларнинг айни қарашлари акс этиб, бидъатнинг “янгиликни душмани” истилоҳи сифатида тушунтиришга ҳаракат қилади. Шунингдек, муаллифнинг қуйидаги фикрлари буни янада равшанлаштирган: “Бегона урф-одатларнинг кириб келиши оқибати, тадрижий ривожланишнинг тезлашуви таъсирида, жамият барқарорлиги издан чиқди”¹⁶⁵.

Пайғамбар (с.а.в) тарафларидан ташкил топган Мадина шаҳри, қисқа вақт ичида гуркираб яшнаб, бутун инсоният орзу қиладиган ва бор кучини сарфлаб уни ҳимоя қилишга тайёр бир даргоҳга айланди. Мадина шаҳри, ижтимоий тараққиётдан анча ортда қолганлигига қарамай, бу ерларда диний ҳаёт ўз таъсирини кўрсата бошлади. Пайғамбар (с.а.в)нинг энг ишончли кишилари бўлган фақиҳ-саҳобаларнинг, Расулуллоҳ (с.а.в) замонларига ҳурматан урф-одатларга боғлиқ ва “янгилик”ларга “бекорчилик” дея ташхис

¹⁶³ Челик Али. Kavram ve Mahiyet Olarak Sünnet ve Bid’at. – Б. 130.

¹⁶⁴ Ҳадис илми билан шуғулланувчи кишиларга берилган ном.

¹⁶⁵ Изуддин Ибн Абдуссалом. Қавоъид ал-аҳком. – Б.172.

кўйишлари натижасида, барча пайдо бўлган янги нарсалардан нафратланиш ҳисси кучайишига туртки бўлди. Шундай қилиб, Мадина ўрناق бўладиган бир шаҳар ва ҳадисда¹⁶⁶ келтирилганидек, “суннатнинг ва ташқи ёмонликлардан ҳимояланган исломий ҳаётнинг (Дар ас-сунна) ўчоғига айланди. Бу муқаддас шаҳарнинг солиҳ кишиларининг амаллари, ислом ҳуқуқининг асосий принцип ва ўлчовларидан жой олишга ҳақли деб топилди”¹⁶⁷.

Муҳаммад Талбий бу билан қаноатланмай, бидъат ҳақидаги, қолаверса суннатни рағбатлантирадиган ҳадисларни, ўз таъбири билан “асоссиз сохта ҳаракатлар”¹⁶⁸ натижасида пайдо бўлганлигини илгари суриб, бу ҳадисларни кейинчалик уйдирилганлигини ифодалайди.

Ҳолбуки вазият муаллиф ўйлаганичалик эмас. Балки, буни ўтмишдан жуда кўп дуч келинган исломга қарши хужум ҳаракатларидан бири деб баҳолаш мумкин. Исломни қотиб қолган, маълум бир мукамал қоидалар тизимига эга эмаслигини ва уни ислоҳ қилиш лозимлигини уқтирмоқчи экан, у ҳимоя қилаётган иккинчи манба (суннат) топталаёпти. Ваҳоланки, бидъатлар бўйича баҳс юритадиган ҳадислар диққат билан ўрганилиб, уларнинг аксарияти ишончли ровийлар томонидан ривоят қилингани ва саҳиҳ тўпламлардан жой олганлиги барчага маълумдир¹⁶⁹.

Бидъатнинг урф билан муносабати. Луғатда “инсонларнинг ишларида одатланган нарсалари”¹⁷⁰ маъносида келган урф, терминда “инсонларнинг табиатларига мос келадиган нарсалар хусусида бир тўхтама келишлари”¹⁷¹ ёхуд “Ақл ёки дин юзасидан мустаҳсан (яхши) деб қараладиган, соғлом ақл соҳиблари томонидан ёмон деб қабул қилинмайдиган нарса”, -деб таъриф берилади.

¹⁶⁶ Имом ал-Бухорий. Саҳиҳ. – Б. 16.;

¹⁶⁷ Челик Али. Kavram ve Mahiyet Olarak Sunnet ve Bid'at. – Б. 118-120.

¹⁶⁸ Ўша асар. – Б. 127.

¹⁶⁹ Ўша асар. – Б. 130.

¹⁷⁰ Ибн Манзур. Лисан ал-араб. – Б. 2899.

¹⁷¹ Журжоний. Таърифат. – Қоҳира. Дор ал-мактаба, 1991. – Б. 149.

Бидъат билан урф ўртасидаги муносабат жуда муҳимдир. Ўтмишдан мавжуд бўлган урф, диннинг баъзи асосларига уйғун кемайди. Фақат урф турлари асосида учрайдиган айрим хусусиялар туфайли у маънавий бир шаклга эга. Вақт ўтиши билан урф гўёки диннинг амри деб тақдим этилиб ва хатто ўзлаштирилган ҳам. Аслида эса жорий қилинган нарса ўтмишнинг янгидан жонлантирилиши, унга тақлид қилинишидир. Ёки жамият фаоллашуви оқибатида бошқа бир жамиятга оид урфнинг тақлид орқали ўзлаштирилиши ва вақт ўтиши билан диний-маънавий касб этишидир. Бу ҳам исломнинг асл негизига зид бўлишига қарамай, диний аҳамиятга эга деб қабул қилинса, иккинчи томондан динга қўшимча ва камчилик олиб келади. Бидъатнинг урф билан муносабатининг шу сабабли ўрганилиши табиий ҳолдир¹⁷².

Маслаҳати мурсала ва бидъати ҳасана. Ҳасана ва саййиа юзасидан бидъатнинг қисмларга бўлиниши, айникса ҳанафий уламолари фаръий далил саналган масла ҳати мурсала ва истехсон далилининг, бидъати ҳасана билан қандай муносабати борлигини ўрганганлар. Масла ҳати мурсала: “эркин манфаат”, “қайдланмаган”, “ташлаб қўйилган маслаҳат” маъноларида келган бу ибора, истилоҳда “Шорёнинг тасдиқлаш учун бир ҳукм чиқармагани, шаръий бир далилнинг унинг мўътабар ҳисобланиб ё ҳисобланмаганини кўрсатмаган нарсадир”. Бу таърифнинг изоҳи шундай: Бир ҳукмни жорий қилиниши ёки уни манъ қилиниши учун Ислом манбалари Қуръони карим ва суннатда бирор бир далил топилмаганда, жамият учун фойдали бўлган ҳукм чиқаришидир¹⁷³. Исломда муътабар (эътиборга олиган) маслаҳатлар қўйидаги беш асосга таянади:

1. Инсон ҳаётини муҳофаза қилиш;
2. Инсон аклини муҳофаза қилиш;
3. Инсон динини муҳофаза қилиш;

¹⁷² Челик Али. Kavram ve Mahiyet Olarak Sünnet ve Bid'at. – Б. 121.

¹⁷³ Муҳаммад Абу Захро. Усул ал-фиқҳ. – Анкара., 1979. – Б. 93.; Челик Али. Kavram ve Mahiyet Olarak Sünnet ve Bid'at. – Б. 139-140.

4. Инсон наслини муҳфаза қилиш;
5. Инсон молу мулкини муҳфаза қилиш.

Бу ерда келтирилган мисоллар асл бўлиб, кейинчалик мужтаҳидлар уларга қиёс қилиб кўплаб ҳукмларни чиқарганлар¹⁷⁴. Бундай маслаҳатлар уларни эътиборга олиш ёки бекор қилиш ҳақида тайинли шаръий далил собит бўлмаган маънолардан иборатдир. Шунинг учун ҳам усул ал-фикҳ уламолари мазкур нарсани қуйидагича таърифлайдилар:

“Маслаҳат ал-мурсала” шариатнинг тасарруфотлари ва мақсадларига мувофиқ келган бир сифат бўлиб, уни қилиш ёки қилмаслик тўғрисида шариатда муайян бир далил келмаган нарсадир”.

“Маслаҳати мурсала Исломнинг мақсадларига уйғун бўлган, мўътабар махсус бир далили бўлмаган маслаҳатлардир. Агар маслаҳатларни тасдиқловчи бирор бир далил топилса, шу ва шунга ўхшаш маслаҳатлар қиёс туркумига киритилади; хато эканлигига далил топилса, у қабул қилинмайди”.

Маслаҳати мурсала ихтилофли мавзулардан ҳисобланиб, фақиҳлар далил борлиги маълум бўлмаган мавзуларда ихтилофларга дуч келганлар. Шофеъийлар бунини мустақил бир далил сифатида қабул қилмай, қиёс доирасига киргизадилар. Маслаҳати мурсала Ҳанафий мазҳаби олимлари томонидан қабул қилинади. Шунингдек, Имом Молик ва ҳанбалийлар ҳам маълум шартлар асосида ва исломнинг манфаатларини амалга оширадиган маслаҳатларни далил сифатида қабул қиладилар:

1. Маслаҳат билан Шорёнинг мақсадлари орасида уйғунлик бўлиши керак. У шаръий далилга зид келмаслиги керак;
2. Маслаҳат ақлга сиғадиган, оқил киши қабул қила оладиган хусусиятга эга бўлиши керак;
3. Маслаҳатга кўра берилган ҳукм, зарурий бир қийинчиликни ислоҳ қила олиши керак¹⁷⁵.

¹⁷⁴ Муҳаммад Абу Захро. Усул ал-фикҳ. – Анқара., 1979. – Б. 278.

¹⁷⁵ Муҳаммад Абу Захро. Усул ал-фикҳ. – Анқара: 1979. – Б. 278. (Бундан кейин: Абу Захро. Усул ал-фикҳ.).

Маслаҳати мурсаланинг ҳукмини собит қилиш орқали бир манфаатни жалб қилиш ёки одамлардан бир зарарни дафъ қилиш юзага келади. Шунинг учун ҳам бидъатни кенг маъноли деб ҳисоблаб, бидъатларнинг ҳасанасининг ҳам саййиасининг ҳам мавжудлигини маъқуллаганлар, бидъати ҳасана ҳақидаги даъволарини исботлаш мақсадида, маслаҳати мурсалада қўлланилган далилларни илгари сурмоқдалар. Ҳолбуки, маслаҳати мурсала ва бидъати ҳасана бир-бирига таққосланадиган мавзулар эмас. Маслаҳати мурсаланинг ғояси, қийинчиликни кетказиш, муаммони дафъ қилиш ва заруратни қоплашдан иборат. Бидъатда эса бундай ҳолат ўрин олмаган. Бу орқали бидъати ҳасана мавзуси янада ёритилмай аксинча қийинлаштирилади. Бироқ бидъатни тор маънода англаганлар, уни ҳасанаси борлигини эътироф этмаганлари учун ҳам бу мавзу хусусида фикр юритишни ўринли деб бўлмайд¹⁷⁶.

Истиҳсон ва бидъти ҳасана. Бидъатнинг истиҳсон билан муносабатига тўхталинса, бунда ҳам истиҳсонга таъриф бериш орқали мавзу ўз ифодасини топади. Абу-л-Ҳасан ал-Карҳий истиҳсонга шундай таъриф беради: Истиҳсон мужтаҳиднинг (қувватлироқ деб билган) бир масалада шунга ўхшаш масалалар ҳукмидан келиб чиқиб ҳукм чиқаришидир¹⁷⁷.

Истилоҳда, мужтаҳиднинг ижтиҳоди натижасида юзага келган икки хил хулосадан бирини танлашидир. Ислом ҳукуқида ҳукм чиқаришда мужтаҳид ушбу қоидани асос қилиб олади:

Яъни, жамият учун фойдали нарсани жорий қилиш учун зарарли нарсаларни дафъ қилиш. Мужтаҳид имомлардан Абу ҳанифа ва Имом Молик истиҳсонни кўпроқ қўллаб қувватлайдилар. Аммо Имом Шофъеий бунга қарши сиққанлар¹⁷⁸.

Бидъати ҳасана ё яширинча, ё очиқ-ойдинлик билан Китоб ва суннатга асосланиб, Пайғамбар (с.а.в)дан кейин пайдо бўлган нарсалар дейилсада,

¹⁷⁶ Шотибий. Ал-Эътисом. – Б. 135-140.

¹⁷⁷ Абу Захро. Усул ал-фикҳ.– Б. 262.

¹⁷⁸ Абу Захро. Усул ал-фикҳ. – Б. 280.

бидъати ҳасана деб эътироф этилган шундай нарсалар борки, улар ҳеч қандай далилга таянмайди. Мисол тариқасида: “Мусулмонларнинг яхши деб билганлари Аллоҳ наздида ҳам яхшидир, мусулмонларнинг ёмон деб билганлари Аллоҳ наздида ҳам ёмондир”¹⁷⁹, ҳадиси, Абдуллоҳ ибн Масъудга нисбат қилинган мавқуф ҳадисдир. Аммо бу ҳадиснинг саҳиҳлиги ҳақида ихтилофлар бор. Масалан, “Бани Исроил қавми 71 фирқага бўлинади. Носоролар 72 фирқага бўлинадилар. Умматим эса 73 фирқага бўлиниб кетади. Биттасидан бошқа барчалари жаҳаннамга киради”, -деганларида: “Эй Аллоҳнинг расули, оташдан қутиладиган бу фирқа қайси биридир?”, -деб сурадилар. Улар: “Менинг ва саҳобаларимнинг йўлини тутган фирқалар”¹⁸⁰, -деб жавоб бердилар. Термизий саҳиҳ деган бу ҳадисда, сслом жамоасининг 73 фирқага ажралиши хабар берилмоқда. Фирқаларга ажраган умматнинг бир масалани “яхшилиги” юзасидан иттифоқи қай даражада бўлади? Бу ерда аввалги “Мусулмонларнинг яхши деб билганлари Аллоҳ наздида ҳам яхшидир..” ҳадисининг хабари воҳид ва мавқуф бўлгани учун далил бўла олмаслиги илгари сурилади¹⁸¹.

Хулоса шуки, бидъати ҳасанани қувватлаган олимлар, масалан, Имом Шофеъий, истиҳсонни рад қилади. Истиҳсонни қабул қилганлар эса бидъати ҳасанани рад қилиб, бидъатнинг ҳасана ва саййиаси бўлмайди дейдилар. Моликийлардан Шотибий, ханбалиийлардан Ибн Ражаб Ханбалий, Шофеъийлардан Ибн Хажар Асқалоний шулар жумласидандир¹⁸². Ёки маълум шартлар асосида истиҳсон ва бидъати ҳасана орасидаги фарқни кўрсатиб бериш учун, ҳар иккисининг бир нарса эмаслигини ҳамда истиҳсоннинг мутлақо бошқа қоидалар билан боғлиқлигини айтиб, уларни алоҳида тушанчалар эканлигини исботлашга уринганлар. Бу хулосаларни умумлаштириб, ҳар истиҳсон билан чиқарилган ҳукмда бидъати ҳасанага

¹⁷⁹ Ибн Ҳанбал. Муснад. – Б. 379.

¹⁸⁰ Шотибий. Эътисом. – Б. 152.

¹⁸¹ Термизий. Саҳиҳ. –Б. 107; Ибн Можа. Сунаи. – Б. 13.

¹⁸² Челик Али. Kavram ve Mahiyet Olarak Sünnet ve Bid'at. – Б. 141-142.

боғлиқ бир жиҳат бўлиши мумкин, аммо, ҳар бидъати ҳасанада, истиҳсон далили билан боғлиқ жиҳати бўлмайди.

Бидъатларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишининг сабаблари. Бидъатларнинг хоҳ пайдо бўлиши, хоҳ жамиятда қабул қилиниши сабабларини одатда шундай изоҳлаш мумкин:

1. **Жаҳолат** (илмсизлик): Диннинг асосларини билмаслик. Бу илмсизлик хоҳ йўл кўрсатувчи, раҳбар кишиларда бўлсин, хоҳ уларнинг сўзларига ишониб эшитган, кўрган нарсаларини қилишга уринган инсонларда бўлсин, бидъатнинг келиб чиқиши ва тарқалишидаги энг муҳим асосдир. Чунки яхшини ёмондан, тўғрини хатодан ажратиб берадиган ўлчов йўқдир. Қайси асосга кўра сўйлаётганини билмаган раҳбарнинг хато қилиши муқаррардир. Бу илмсизлик:

- Қуръони каримни билмаслик, оятларини муҳкам ва муташобих, зоҳирий ва хафий турлари борлигидан хабарсиз бўлиши. Яъни, Қуръони каримни тушунишдаги илмсизлик;

- Суннатнинг саҳиҳини ишончсизидан ажрата олмаслик. Яъни, суннатни билишдаги илмсизлик;

- Қуръон ва суннатдаги тушунчалар билан бирга диний тушунча ва амллардаги илмсизлик.

Илмсизлик шу қадар кенгайиб кетган, ҳар бир эътиборсизлик ёки бундай эътиборсизлик сабабли юзага келган жамиятларда бидъатларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши учун замин хозирлайди.

2. **Муташобих**¹⁸³ **оятларни шарҳлаш:** одатда Қуръони карим оятларидан муташобих бўлганларини ўзининг шахсий ёки фирқаси фойдасига тўғрилаб шарҳлаш. Бўлар:

- Ё қасддан, бир гуруҳ фитна чиқариш истагида бўлган бидъатчилар тарафидан қилинади.

¹⁸³ Бир-бирига ўхшаш ва оддий инсон тушуниши қийин бўлган оятлар.

- Ёки олим саналган, аммо жоҳил кимсалар тарафидан илгари сурилган таъвиллар шаклида бўлади.

3. Хоҳишларга берилиш, диннинг асосларига бўйсунмаслик, иккиюзламачилик қилиш.

Бундан ташқари:

- Олимларнинг жамоага ёмон ўрнатилган бўлишлари, янглишликларни кўрганларида жим туришлари, тўғри бўлганини айтмасликлари, халқнинг ақс жавобидан кўрқишлари;

-Раҳбарларнинг бидъатчилар тарафида туриб, уларни куллаб-куватлаб, ҳатто бу ботил тушунчаларининг ёйилишига ёрдам беришлари. Ислом тарихидаги фитналарга қарши Уммавий халифаларнинг ҳаракатлари. Маъмуннинг шахсан ўзи Қуръоннинг махлуқлиги масаласида, аҳли Сунна олимларига зулм кўрсатганлиги бунинг ёрқин далилидир;

-Пайдо бўлган бидъатларнинг баъзи жамоалар тарафидан ўзлаштарилиб, одатлар сафига дин ёки диннинг бир қисми сифатида киритилиши оқибатида, ишнинг таассубли ҳолга тушиб қолиши;

-Курашнинг кучлилиги каби бир неча сабабларни келтириш мумкин. Булар орасида энг асосий сабаблар қисқача, уламанинг, раҳбарларнинг издан чиқиши, жаҳолат ва ўринсиз, фойдасиз дин ҳақидаги тортишувлар бидъатларнинг юзага келиши ва уларнинг тарқалишига асос бўлиб хизмат қилади.

Бу ерда таъкидлаб ўтиш керак бўлган бир жиҳат, жаҳолатга айланган маълум бир диннинг маданият билан коришиб кетганидир. Маданий меъросга диннинг бир бўлаги ёки асосларидан бири дейиш янглиш фикрдир. Ҳар маданиятда диннинг илдизлари бор ва доим бўлади. Аммо ҳар маданият тури ҳам айнан диннинг асосларига мувофиқ бўлавермайди. Бу чалкашликни ислоҳ қилиб бўлмаслик ҳам бидъатнинг юзага келишини таъминловчи сабаблардан биридир. Ўзига хос қарашлари билан қобик ичида яшайдиган жамоаларда бундай нозик фарқларга эътибор қилинмаса, ижтимоий таъсирлар натижасида, бу бошқа жамоалар ичида ҳам бидъатларининг пайдо

бўлиши ва тарқалишига имкон яратади. Бунга амал қилиш дин ва маданият (урф-одатлар) ўртасидаги фарқни кўрсатиб беради ва мувозанат ҳосил қилади. Натижада, жаҳолатга барҳам берилиб, соф диний ақидалар сақланиб қолади¹⁸⁴.

Бидъатларга қарши курашиш чоралари. Тарихда ислом олимлари бидъатлар билан доим курашиб келганлар, мусулмонларнинг ҳаётларини Қуръон ва суннатга асосланиб давом эттиришлари учун ёрдам сифатида кераклича огоҳлантирганлар. Чунки “пайдо бўлган ҳар бир бидъат, бир суннатнинг йўқ бўлиши” демакдир. Курашдан мақсад эса, диннинг бузилиб кетишига моненьлик қилишдир. Шу сабабдан пайдо бўлган ҳар янги нарса, ислом олимлари томонидан синчиклаб ўрганилаган. Маълум тадқиқотлардан кейин исломнинг асосларига мос келиш, келмаслиги ҳақида ҳукм берилган фикр ва одат турлари ўзлаштирилган бўлса, бунинг нотўғрилиги ҳақида ҳам керакли раддия ва огоҳлантиришлар берилади.

Аммо бу огоҳлантиришлар кураш услубидаги камчиликлар сабабли айрим хато ва исрофгарчиликларни хаддан ошиб кетишининг олдини ололмайди. Ёки кескин усуллардан фойдаланиб бидъатчиларни тўхтатиш ўрнига янада олға интилтириб, бирлаштириш ўрнига ажратиб, суннатга бошлаш ўрнига узоқлашишларига сабаб бўлади. Яна бидъатларга қарши курашган кишиларнинг бир қисми ҳам атрофларида ёйилган минглаб бидъат ва хурофотлар қаршисида сукут сақлашни афзал кўриб иккинчи бир қалтис нуқтани юзага келишига сабаб бўладилар. Бунга эса “фитна чиқишининг” узрли сабаби деб баҳо берадилар. Аммо фитнанинг ўзи нима? Шахсий манфаатлар озайиши, дунёвий дўстликнинг завола топиши, шон-шухратларнинг кенгайиши, туғри йўлни тугатиш фитна бўладими?... Фитна, ислом ва ислом жамоасига зарар берадиган, уларни бир-биридан айирадиган,

¹⁸⁴ Челик Али. Kavram ve Mahiyet Olarak Sünnet ve Bid'at. – Б. 152-153.

бирлиги ва тенглигига зарар етказадиган, кам фойда эвазига кўп зарар келтирадиган ҳаракатлар, ҳодисалар ва натижалардир.¹⁸⁵

Шубҳасиз курашда услуб жуда муҳим саналади. Мавзунинг долзарблигига кўра ҳам фарқлаб беради. Курашда натижага эришиш учун ўша натижага олиб келадиган методни тўғри танлаш керак. Шу сабабли одатда бидъат мавзусига ўхшаш хато ва камчиликларга йўл қўйиш хатари сезилган, айти кураш майдонига айланган мавзуларда жуда эътиборли бўлиш керак. Чунки мавзунинг ҳам ишонч, ҳам тажриба, ҳам ибодат юзасидан фарқли томонлари кузатилмоқда. Бидъатларга қарши курашишни тавсия этишда таъкидлаб ўтилиши керак бўлган методнинг ва амалга ошириладиган кураш услубининг қандай бўлиши кераклиги хусусида қуйидагиларни кўриб чиқиш мумкин:

- Бидъатларга қарши курашиш учун, курашиш лозим бўлган гуруҳни яхши билиб олиш керак. Асл ўзагининг барча текширувлари исбот қилиниши, муҳим қарор чиқарилиши ва бир ишонч харитаси ҳосил қилиниши керак. Динга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган жиҳатлар ажратиб олиниши, бидъатларнинг фақат динга алоқадор бўлишлиги унитилмаслиги керак.

- Жамоанинг диний ҳаётида кузатиладиган бидъатларнинг хусусиятларига кўра турларга ажратилиб, пайдо бўлиш сабаблари аниқланиб илмий жиҳатдан ўрганилиши ва хатолари кўрсатилиши керак. Бидъатнинг хатолиги кўрсатилгач, мутлақо тўғри бўлган йўл кўрсатилиши керак. Чунки йиллар давомида одатга айланган бидъатнинг бир зумда йўқ бўлиб кетиши қийиндир.

- Бидъатларга қарши курашишда сабр билан аммо қарорли тарзда кўрсатмалар бериш керак, хатолар астойдил, маъсулият билан айтилиши керак.

¹⁸⁵ Караман Х. İslâm'ın Işığında Günün Meseleleri. – Истанбул., 1982. – Б. 255-257.

- Таассубли мавзуларда эътибор билан бир томонга оғмасдан ҳаракат қилиш керак. Динга зид келган ва фолклор сифатида ўзлаштирилган нарсалар ҳақида ҳукм чиқармаслик керак. Фақат бу қарорларни диннинг амрига очиқдан-очиқ зид эканлиги кўриниб турган бўлса, маълум бир усул билан уни хато эканлигига ишора қилиш керак.

- Бидъат сифатида қаралган ҳар нарса ёки ҳаракат кўлами, алоҳида-алоҳида олиниб ўрганилиши, хатолар исботланиши, ҳақиқат кўрсатилиши керак. Янги муаммони ечишни кўтарасига бошламаслик керак. Чунки ҳар тушунча ва ҳаракат ўзининг ичида бир бутун ҳисобланиб, унинг иккинчи томони ҳам бўлади. Аслида шу иккинчи томонни аниқлаш муаммонинг ечими ҳисобланади.

II БОБ. XIX АСР ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИДАГИ ИСЛОҲОТ ЖАРАЁНЛАРИДА “БИДЪАТ” АТАМАСИГА ТУРЛИЧА ЁНДОШУВЛАР

2.1 Халқ орасида бидъат моҳитининг тушунилиши

Ҳар бир халқнинг ўзига яраша урф-одатлари, маросимлари бўлади. Агар биз дунё халқлари ҳаётига назар ташласак, бир-бирига ўхшамаган, турли туман маросимларни кўриш мумкин. Шу жумладан ўзбек халқининг ҳам урф-одатлари асрлар бўйи маданиятлар ва анъаналар уйғунлашуви оқибатида таркиб топиб келган. Улар ўзига хос, ёрқин ва турли-тумандир. Урф-одат ва маросимларнинг кўпчилиги оилавий ҳаётга оид бўлиб, боланинг туғилиши ва тарбияси (бешик тўйи, хатна қилиш), никоҳ (фотиҳа тўйи, тўй) ёки инсон вафоти ва мотам билан боғлиқ бўлади¹⁸⁶. Бундан ташқари, халқаро ёки миллий байрам муносабати билан бўлиб ўтадиган анъаналар ҳам бор. Ҳозирда нишонланаётган маросимларнинг аксарияти ўзида исломий урф-одатларни акс эттиради.

Юртимиз худудида ислом дини тарқалганидан сўнг кўпгина оилавий-маиший урф-одатлар ҳам ўзгарган, ўзбекларнинг ҳаётига мусулмон маданияти ва диний маросимлари ҳам кириб келган. Бундан ташқари, айти пайтда халқимиз орасида бажарилаётган оилавий маросимларнинг илдизи муқаддас ислом динига бориб тақалади¹⁸⁷.

Маросимлар жамият, халқ ва шахс ҳаёти фаолиятидаги муҳим ўғаришлар, ижтимоий аҳамиятга молик воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ бўлиб, улар ибрат орқали тарбиялаш, руҳий-эстетик таъсир кўрсатиш вазифасини бажаради. Маросимларда миллий, диний урф-одатлар ва расм-русумлар ҳам ўз ифодасини топган. Ўзбек халқининг пайдо бўлиш тарихи қанчалик узоққа

¹⁸⁶ Семья и семейные обряды у народов Средней Азии и Казахстана. АН ССР, – М.: Наука, 1978. – С.91.

¹⁸⁷ Ислам маърифати. Нашрга тайёрловчилар: Шоазим Миноваров, Нуриймон Абулҳасан. – Т.: Тошкент ислом университети, 2005. – Б. 27.

бориб тақалса, унинг миллий анъаналари, урф-одатлари, маросимлари ҳам шунчалик теран тарихий илдизга эга¹⁸⁸. Дарҳақиқат, анъаналар, урф-одатлар, маросим ва байрамлар халқнинг, милатнинг маънавияти, қадриятларининг ажралмас қисмидир. Шунингдек, миллатнинг маънавий-маърифий савиясини юксалтириш, бу йўлда динимизни мана шундай бидъат ва хурофотлардан тозалаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Халқ орасида учрайдиган бидъат амаллар хусусида кичик савол-жавоб ўтказилиб, айрим хулосаларга келинди:

№	Халқ орасидаги талқини	Манбаларга кўра талқини	Илмий хулоса
Бидъатнинг тури			
1.	Супургини текка қўймаслик		
	Бу фалокат келади тарзида талқин қилинади.	Чуқур ўйлаб қаралса, буни моддий жиҳати бўлиб, супурги текка қўйилганда эгилиб, тез синиб кетади.	Хулоса шуки, супургини текка қўйиш кўпроқ чўнтакка зарар деб қаралиб, уни динга боғлиқ ери йўқ ва уни илоҳий тарзда фалокат келтиради деб талқин қилиш ноўрин саналади.
2.	Оқшом маҳали тирноқ, соч олмаслик		
	Бу ҳам фалокат, кашшоқлик келади, тарзида талқин қилинади.	Бу илгарилари чироқ воситалари бўлмаган, кечқурунлари шам, лампа кабилардан фойдаланилган вақтларда эҳтиёткорлик юзасидан айтилаган ибора саналади.	Асли фалокат олиб келади деб диний тус берилганлиги юзасидан уни бидъатлар сирасига киргизиш мумкин.

¹⁸⁸ Жўраев У.Т., Саидқулов Й.С. Дунё динлари тарихи. – Т.: тошкент ислом университети, 2009. – Б. 56.; Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. АНСССР институт этнографии им. Н.Н. Миклухо-Маклая. Сборник статей. – М., «Наука», 1975. – Б.134.

3.	Остонада ўтиришнинг мумкин эмаслиги		
	Остонада ўтириш ҳам халқ орасида ёмон бўлади, фалокат олиб келади деб тушунилади.	Аслида эса этика-эстетика қоидаларидан бўлиб, остонада ўтириш ўтган-кетган кишиларга халақит бериши билан изоҳланади.	Хулоса қилиб, буни динга алоқаси бўлмаган, фақатгина одоб-ахлоқ нормаларига зид бўлган амаллардан санаш мумкин.
4.	Кийимни кийган ҳолда чатимаслик		
	Киши ўз бахтини тикиши, йўли тўсилиши, ишлари орқага кетиши хавфи борлигидан огоҳлантиради.	Буни агар кийимни кийган ҳолда тикилса, бошқа кийимларига қўшиб тикиб юбориш хавфи борлиги сабаби юзасидан айтилган.	Кўриниб турганидек бу ҳолат юзасидан ҳам динга боғлиқ хусусиятлар аниқланмади. Буни фақат диний тарзда талқин қилинганли боис бидъати саййиалар қаторида баҳолаш мумкин.
5.	Сешанба куни кир ювмаслик		
	Халқ орасида “Пайғамбаримиз (с.а.в) сешанба куни кир ювмаслик кераклигини акс ҳолда қашшоқлик ёки фалокат юз беришини айтганлар”, каби тўқима ҳадисларга биноан ишониб бунга амал қиладилар. Шунингдек, “сешанба куни Биби Сешанба онамиз овқат қиладилар, агар кир ювилса овқатларига маъзава ағдарган ҳисобланилади” деган фикрлар ҳам учрайди.	Аслида халқ орасида кенг тарқалган Биби Сешанбани хотирлаш, ундан нажот кутган ҳолда бу кунни байрамдек ўтказиб, уй юмушлари билан шуғулланмаслик қасд қилинган.	Хулоса қилиб сешанба кунини хосиятли кунлардан санаб, ўша куни кир ювини жоиз топилмайди. Аммо динда сешанба кунинг алоҳида бундай хусусияти ҳақида ҳеч қандай маълумот учрамайди.
6.	Никоҳ тўйида куёв келинни оёғини босиши керакли		
	Бу ҳам агар куёв келинни оёғини босиб ололмаса оилада	Булар халқнинг турли ирим-сирим одатларидан	Оёқ босиш одати ҳам асли динда мавжуд бўлмаган, фақатгина диний тус олган

	устун бўлолмайди деб талқин қилинади.	ҳисобланади.	одатлардан ҳисобланади.
7.	Таомни охиригача еб қўйишлик		
	Таомни охиригача еб қўйилмаса ёмон бўлади, рисқи камаяди деган фикрлар учрайди.	Аммо бунини таомни исроф қилмаслик учун айтилган ибора деб изоҳлаш мумкин. Масаланинг иккинчи томони ҳам мавжуд бўлиб, овқатни исроф қилмаслик яхши, аммо танага, ошқозонга жабр қилиш бўлмайди ¹⁸⁹ ?!	Дарҳақиқат, таомни охиригача еб қўйишлик, уни исроф қилмаслик учун айтилади. Аммо уни охиригача еб қўйилса савоб бўлади, деган фикрдан кўра, таомни исроф қилиш яхши бўлмаслигини тушунтириш афзалроқ бўлади.
8.	Шомдан кейин кўчага чиқмаслик		
	Шом вақтида кўчага чиқилса жин чалиб кетади, деган ибора кўп учрайди.	Ҳақиқатдан ҳам ислом динида айни шом вақти жин-шайтонлар тўпланиб базм қиладиган пайт ҳисобланади. Ҳамда бу вақтда ҳаттоки, қушлар ҳам Аллоҳ таолага ҳамду санолар йўллайди. Шундай экан, инсонлар бу вақтда дуо ва зикрда бўлишлари маъқуллиги таъкидланган.	Демак, бу иборанинг айнан ўзи ҳақида ислом манбалирида маълумотлар учрамайди. Аммо эҳтиёт юзасидан бунга риоя қилишлик фойдадан холи эмас.

¹⁸⁹ Ибн Сино. Тиб Қонунлари. – Т.: Халқ мероси, 1-Ж. 1992. – Б. 98.

9.	Ховли, уйларни уйнинг ичкарасига қараб супурмаслик		
Кетаётган бало уйга қайтади, деб ишонилади.	Аслида эса, уйнинг ичкарига қараб супуриш этика-эстетика қоидаларига тўғри келмайди. Чанг, чиқиндилар зарарли ҳолатлар ҳисобланиб, бунга қадимги динлардан қолган ақидалар деб изоҳ бериш мумкин.	Буни баъзи замонавий тил билан айтганда фен-шуй одатларига кўра тўғри деб айтиш мумкин. Аммо иборанинг динимизга тааллуқли ери борлиги ҳақида маълумотлар учрамайди. Шу сабабдан бу одат ислом динида таъқиқланган деб ўйлаш хатоли фикр саналади.	
10	Қўл-оёқларни чалиштириб ўтирмаслик		
Қўл-оёқларни чалиштириб ўтириш, шайтонни амали, бундай қилсанг ишларинг орқасига қараб кетади дейилади.	Сухбатдошларнинг бир-бири билан шундай ҳолда суҳбатлашишлари психологияда “мен сизни эшитмаяпман”, “сени фикрларинг мени мутлақо қизиқтирмайди” каби маъноларини англатиши айtilган. Шунингдек, бирор кўнгилсиз вазиятларга йўлиққанда, ўз аурасини ҳимоя қилиш мақсадида шу услубдан фойдаланса, унга ҳеч қанда зиён-захмат етмаслиги ҳам таъкидланади ¹⁹⁰ .	Демак, қайсидир маънода бу одат фойдали амаллардан саналиши мумкин. Лекин уни бажарса ёмон оқибатларга олиб келиши ҳақида маълумотлар йўқ. Шу ўринда, ислом динида ўтириш одоблари ҳақида билдирилган фикрлар мавжуд бўлиб, киши ўтирганда қўл-оёқларини пастга туширган ҳола тавозе билан ўтириши, нафақт ўзини, балки ўзгаларни ҳам ҳурмат қилишининг белгиси саналади.	

Диний илмлар ривожланиб бораётган бугунги кунда, халқ орасида ҳар хил бидъат амалларнинг ҳам авж олиб кетиши, миллатимиз, хусусан,

¹⁹⁰ Дейл Карнеги. Қандай қилиб дўст ортириш ва одамларга таъсир кўрсатиш мумкин. – Наманган: Наманган нашриёти, 2007. – Б. 24.

аёлларимизнинг кундалик ҳаётий муаммоларига осон ечим қидириб, муқаддас динимизда буюрилган асосий фарз амаллар қолиб, ана шундай маросимларни бажаришга берилиб кетишлари ва бу орқали эътиқодларига путур етказишлари аянчли ҳолат. Ушбу миллий маросимлар ёки “халқона исломий маросим”лардаги юқорида айтиб ўтилган исломга зид амаллар ва иллатларни бутунлай йўқотиш, уларни бирданига сиқиб чиқариш, ёки таъқиқлаб қўйиш ҳам масаланинг тўғри ечими бўла олмайди. Ота-боболар анъанаси тарзида давом этиб, шу орқали ўзларининг динга бўлган эҳтиёжларини қондириб келаётган маросимларни бутунлай четга суриш аёлларимиз онгида бўшлиқни юзага келтириши мумкин ва бунинг натижаси салбий оқибатларни келтириб чиқариши ҳам эҳтимолдан ҳам ҳоли эмас.

Олиб борилган сўровномалар натижасида келинган хулосалар шу бўлдики, бу одатлар ва анъаналардаги амалга ошириладиган ҳолатлардан саналиб, унинг айримлари диндан бўлмаган, баъзилари миллий қадрият ва удумлардан келиб чиққан, айримлари бошқа дин ёки қадимги диний ақидалар асосида келиб чиққан амаллар саналади. Бу анъана ва одатлар ичида ислом динига хос хусусиялар мавжуд эмас деб бўлмайди, аммо динга доир жиҳатлари мавжуд деб буларга эътиқод, амал қилиш ҳам жоиз саналмайди. Шунингдек, баъзи одатлар этика-эстетика, одоб-ахлоқ, психология қоидаларига асосланган ҳамда кишиларнинг моддий аҳволи ёки маънавий дунёсига зарар етказадиган ҳолатлар бўлгани учун ҳам таъқиқланганлиги аниқланди. Аммо шунга қарамай, кишиларимиз, хусусан аёлларимиз ҳаётида ҳукм сураётган бундай қарашларни янада жонлантирадиган турли тўплам ва нашрлар янада янги хурофий фикр ва амалларнинг пайдо бўлишига тurtки бўлмоқда. Шу боисдан ҳам, бугунги кунда бидъат тушунчасини чуқур ўрганиб, бу ҳақидаги турли маълумотлар берилган нашрларни кўпайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2.2. Жаидлар матбуотида бидъатга бўлган муносабат

Халқ турмуш тарзи ва маънавиятининг таркибий қисмини унинг азалий удумлари, одат ва байрамлари ташкил қилади¹⁹¹. Шу туфайли мустақиллик йилларида амалга оширилган маънавий тикланиш ва ислох қилиш борасида олиб борилган ишларни ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Президентимиз И.А.Каримовнинг ҳам 1998 йил 28 октябрда “Тўй ҳашамлар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида”ги ПФ-2100 Фармони қабул қилинди. (2002 й шу Фармоннинг янги таҳрири қабул қилинди.) 2002 йил 28 декабрда Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг “Тўй маросим ва маъракаларни меъёрда ўтказиш ҳақида Фатво”си эълон қилинди¹⁹².

Бу масала бугуниги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, тўй, маърака ва маросимдарни ислоҳи журнал саҳифаларидан ҳам кенг ўрин олган. XIX аср охири XX аср бошларида тарих сахнасига келган жаидлар халқ ва миллатнинг маънавий-маърифий савиясини юксалтиришни¹⁹³, бу йўлда динимизни мана шундай бидъат ва хурофотлардан тозалашни мақсад қилиб олганларини ва бу борада Қуръон, ҳадисларга таяниб, ижтимоий-сиёсий жараёнларни тўғри таҳлил қилиб, халқ орасида тушунтириш ишлари олиб борганликларини кўриш мумкин. Жаидлар ўз нашрлари орқали XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни тўғри таҳлил қилиб, халққа тушунтиришга ҳаракат қилиш билан биргаликда ҳашамдор тўйлар, серҳаражат ва сермашаққат азадорлик

¹⁹¹ Жабборов И. Жаҳон динлари тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 2002. 224 б.; Ўша муаллиф. Ўзбек халқи этнографияси. – Т.:Ўқитувчи, 1994. – Б. 44.

¹⁹² Ислон маърифати. Нашрга тайёрловчилар: Шоазим Миноваров, Нуриймон Абулҳасан. – Т.: Тошкент ислон университети, 2005. – Б. 99-100.

¹⁹³ Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида (1870-1970 йиллар) /С.Шодмонова; ЎзР ФА тарих институти. – Т.: Yangi nashr, 2011. – Б. 29.

маросимларини риёкорлик дабдабабозлик билан ўтказишга жиддий қарши чиққанлар¹⁹⁴.

Жадидлар даврига тегишли “Ал-Ислоҳ” журналининг савол-жавоб рукнида шаръий никоҳ тўйларидаги айрим муаммолар кўтариб чиқилган бўлиб, улар сарасига қиз тарафнинг куёв тарафига бир ботмон ғалла, тўққизта қўй ёки бир-икки дона от, ҳолва, шунингдек, ўша даврга нисбатан 10 сўм ёки 200 то 500 сўмгача бўлган миқдорларда пул берилса қизларини беришлари ҳақидаги даъволарнинг мавжудлигига ҳақида ёзилади. Аслида эса динда маҳр деган ўлчовларгина бўлиб, у ҳам бўлса қизнинг ўзигагина бериладиган ҳамда куёв бўлимишнинг имконияти даражасида талаб қилинадиган ҳолат ҳисобланади.

Шу ўринда “Ойина” журналининг 1915 йил 13-сонида Чоп этилган жадидчилик ҳаракатининг машҳур намоёниси Маҳмудхужу Беҳбудийнинг “Бизни кемирувчи иллатлар” мақоласида¹⁹⁵ халқни инқироз ва таҳликага олиб боровчи, миллатни кемирувчи иллатлар деб чегарадан ошириб нишонладиган тўй ва азаларни келтиради. Тўй ва ўликни кўмиш учун сарф қилинадиган ошиқча харажатлар ҳамда зое кетадиган вақтлар ҳақида сўз боради. Воҳоланки, Пайғамбаримиз (с.а.в) ўликни тез кўмиб, кўмгандан кейин тез тарқалиб, ишга кетишликка, уч кундан ошиқ аза тутмаслик ва қора кийим киймасликка чақирганлар¹⁹⁶. Тўй ва азаларга сарфланадиган харажатларни илм, дин йўлига сарф қилинса, масжид, мадрасалар қурилса тез орада европаликлардек тараққиётга эришиш мумкинлиги ҳақида ҳам гапирилади¹⁹⁷. Агар аксинча давом этаверса, дин ва дунё залодатга юз тутиши муқаррарлиги таъкидланади.

¹⁹⁴ Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида (1870-1970 йиллар) /С.Шодмонова; ЎЗР ФА тарих институти. – Т.: Yangi nashr, 2011. – Б. 33.

¹⁹⁵ Улуғбекова З.А. Ўзбек халқи ҳаётида диний кадрятларнинг аҳамияти, ТИУ аспирантлар илмий амалий анжумани маъруза тезислари тўплами. – Тошкент ислом университети: 2008. – Б. 24.

¹⁹⁶ Имом Муслим. Саҳиҳ. – Б. 48.

¹⁹⁷ Бабажанов.Б. Исхак-хан тура ибн Джунайдаллах Хаджа, Мизан аз-заман. Ташкент-Токио, 2001. – Б. 28-29.

Мазкур масалалар журналнинг савол-жавоб рукнида бериб борилган. Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг “Тўй маросим ва маъракаларни меъёрда ўтказиш ҳақида Фатво”сида эса, Фатво талабларидан бири этиб, “Марҳумлар дафнидан кейин одат тусига айланган 7, 20, 40, йил, ҳайит кунларидаги фотиҳахонлик каби маросимларнинг шаръий эмаслиги, балки бидъат ишлардан эканлиги тушунтириб борилсин”, деб кўрсатиб ўтилган.

Ушбу масала юзасидан Тўқмоқлик Хайитхўжа Ҳизрхўжа тарафидан берилган саволга Тўқмоқлик Мулла Олимхон Шокирхўжа ўғли тарафидан куйидагича жавоб берилади: “Агар никоҳ тўйи бўлса, бидъат ва ғайри шаръий ишлардан ҳаммасидан холи бўлган тақдирда, никоҳ жумласидан саналиб, шаръий яхши иш бўлур. Фикҳ ва ҳадис китобларидан маълумдир. Агар хатна тўйи бўлса, асли шаръий санади борлиги маълум эмас. Агар исроф, риё, миннат, фаҳрга ўхшаш ношаръий ишлардан холи тутилиб, ҳамда тўй соҳиби шукрона ва барчага эҳсон ниятида шу ишни қилса, бу суратда мусулмонлар учун зиёфат жумласидан бўлур. Лекин , айти замонда шуҳрат топган, халқ кўзида лозим даражасида кўриган марака оши, йил ошига ўхшаш майитнинг учида, қирқида тайин қилиниб, берилган ошлар бидъат ва беаслдир. Шариат китобларида бирор санади шаръийси йўқдир, балки макруҳ бидъатдир. “Фатҳ ал-қодир”да айтилган: Майитнинг уйида таомланиш макруҳ, чунки зиёфат хурсандчиликда жорий қилинган, хафагарчиликда эмас”¹⁹⁸.

“Жаҳолатимизга бир назар”¹⁹⁹ номли мақолада маъракада йиғлаш одати каттиқ танқид остига олинади: “Бизнинг Туркистонда, вилоятларда бир қанча бидъати саййиат жоҳиллар орасида узоқ муддатдан бери бор. Бу бидъатлар туркий эътиқодларга хос эмасдир. Улардан бири ўлим мусибати етганда сабрсизлик билан аёллар қичқириб йиғлайдилар. Бу уларга ҳеч ҳам фойда бермас, балки қичқириб йиғлаганларга ва уларни эшитганларга ҳам лаънату

¹⁹⁸ Улуғбекова З.А. “Ал-Ислоҳ” журнали Туркистоннинг диний-маърифий ҳаётини ўрганишда ноёб манба. ТИУ илмий таҳлилий ахбороти, – Т, 2006. -№3. -34-35 б.

¹⁹⁹ Улуғбекова З.А. Ўзбек халқи ҳаётида диний кадрларнинг аҳамияти, ТИУ аспирантлар илмий амалий анжумани маъруза тезислари тўплами. – Т.; 2008. – Б. 25.

укубат бўлмай. “Канзул ибода” да ва Ибн Масъуд (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисларда ҳам бу маън қилинган. “Мусибат етгандан юзларига урса, ёқаларини йиртса ва жоҳил каби йиғласа, у киши биздан эмас” дейилган. Расулуллоҳ (с.а.в.) Абу Бурда (р.а.)дан ривоят қилади. Абу Мусо (р.а.) беҳуш бўлдилар. Хотинлари Умму Абдуллоҳ баланд овоз билан йиғладилар, хушига келгач, хотинига деди: Билмайсанми, Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ҳадис бор. У зот айтдиларки, мусибат етганда сочини юлган, баланд овоз билан йиғлаган ва ёқасини йиртган кишидан мен узоқман, деган. Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдиларки, “баланд овоздаги йиғиларни эшитувчиларга Аллоҳ, фаришталар ва барча одамларнинг лаънати бўлсин”. “Мишкот”²⁰⁰ да айтилган: Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: “Маййит ўзининг баъзи аҳллариининг йиғиси туфайли азобланади”.

Халқимизда ҳайит куни ўтганлар эслаш одати балки ҳайит кунлари ўлган киши ўзи яшаган хонадонга келиб туриши сабаб бўлгандир. Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳадисларида келтирилган маълумотларга кўра, одам вафот этгач, унинг руҳи дастлабки 3 кун давомида ўз хонадошида дуо талабида бўлар экан. 3 кундан сўнг: “Арвоҳлар одатларида, қолган оилаларига ўн йилгача ҳар ҳафта жума оқшоми, жума кунларида келиб, фотиҳа умид қилурлар, сўнгра ўн йилдан қирқ йилгача ҳар йилда бир бор икки ийд (Рамозон ва Қурбон) куни келурлар. Ондин кейин келишлари тўхтайд. Тириклар томонидан қилинган фотиҳалар, хайру-эҳсонлар уларга етиб туради”²⁰¹.

Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: “Аёл киши қабрни зиёрати учун уйдан чиқса, Аллоҳ ва унинг фаришталарининг лаънатида бўлади. Уйдан чиқиши билан у аёлга ҳар томондан шайтон илашади. Ортга қайтса то уйга етгунча Аллоҳнинг лаънатида бўлади”²⁰². Аммо бу ҳадис Расулуллоҳ (с.а.в.) қабрларни зиёрат қилиш рухсат бермаган вақтларида ворид бўлган, кейинчалик рухсат берганларида, аёлларга ҳам жоиз бўлди”²⁰³. Шунингдек, авлиёлар қабрларига бориб, улардан ҳожатлари ва мушкулларини осон

²⁰⁰ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Хатиб ат-Табризий. Мишкот ал-масабиҳ. – Байрут., 2001.– Б. 617. – Ж . 1.

²⁰¹ Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий. Т.: 1991. – Б. 29.

²⁰² Абу Довуд. Суанан Абу Довуд. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийа. 1996. – Б. 98.

²⁰³ Таҳонавий. Кашшофу истилахат ал-фунун. Истанбул, 1994. – Б. 217

қилишларини сўраб улардан нажот кутишнинг ҳам динда буюрилмаган ва хаттоки Аллоҳдан ўзгасидан нажот кутишлик гуноҳ саналиши манбалардан мавжуд.

Ушбу мақолада бугунги кунда ҳам давом этиб келаётган Биби Сешанба одати ҳақида сўз боради. Яъни Биби Сешанба²⁰⁴ нинг ҳам бидъат амаллардан саналиши, унинг ҳеч бир диний асоси йўқлиги ва буларнинг барчаси илмсизлик натижасида келиб чиққанлиги таъкидланади. Буни қуйидаги: “Умматимга шундай замон келадики, инсонлар суннатимни кийимни йиртгандек йиртурлар. Бидъатларни пайдо қилурлар. Кимки суннатимга эргашса, ғариб бўлиб, ёлғиз қолади. Ким бидъатга эргашса 70 ва ундан кўп дўст топур”²⁰⁵ ҳадиси орқали ҳам фойдасиз, исрофгарчиликка олиб борадиган амалларнинг шариатда ҳеч қандай қийматга эга эмаслиги изоҳланади.

Шунингдек, Биби Сешанба ёки Мушкул кушод сингари одатларга сиғиниш, унга атаб маросимлар ўтказиш ширк амаллардан саналади²⁰⁶. Буни замонамиз олимлари ҳам таъкидлайдилар. Хусусан, Тошкент шаҳар Шайх Зайниддин масжиди имом-хатиби Раҳматуллоҳ қори Обидов шу каби маросимлар ҳақида берилган саволга қуйидагича жавоб берадилар: “Тасаввуфда жоҳил муридларнинг баъзи тариқат пешволарини ҳамма нарсадан устун билиб, унинг ҳузурида ҳаддан ортиқ тавозеъ, балки таъзим ва сажда қилишлари, тилакларига Аллоҳ эмас, пирларининг етказишига умид боғлашлари, бошига мусибат тушган одамларнинг Аллоҳдан нажот тиламасдан, балки Мушкулкушод, Биби Сешанба онадан нажот тилаб, шам ёқишлари, қолаверса фолбиндан башорат кутишлари²⁰⁷, шуларнинг ҳаммаси бузуқ эътиқод ва ширк амалдир. Ҳолбуки, Парвардигоримиз бизларнинг ҳар қандай тилак-мақсадларимиз ва орзу-ниятларимизни етказишга қодир. Шунини

²⁰⁴ <http://muslimaat.uz/> Муроджон Абдулҳамидов Биби Сешанбанинг «жаннат» кавуши.

²⁰⁵ Алию-л-Қорий. Мирқот ал-мафотих шарҳу мишкот ал-масобих. (I-XI), – Байрут., 1414/1994. – Б. 221.

²⁰⁶ “Ислом. Энциклопедия” Хусниддинов З. таҳрири остида. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004. – Б. 50.

²⁰⁷ Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. –Т.: 2007. – Б. 34.

тушунган ҳолда, фақат унинг ўзигагина ибодат қилишимиз ва фақат унинг ўзидангина ёрдам сўрашимиз лозимдир”²⁰⁸.

Шунингдек, жадиждлар даврида Ибрат номи билан танилган муаллиф ўзининг Мизон аз-замон журналида шундай фикрларни келтиради. Яъни руслар кириб келган пайтда табиийки, улар ўзлари билан олиб кирган воситалар, жумладан ёритгич, парта-стол, стуллар, ғарбча либослар ва хаттоки китоблар ҳам бидъат деб тан олиниб, булардан мутлақо фойдаланмаслик кераклиги ҳақидаги фикрлар ҳам мавжуд. Хусусан муаллиф Ибратнинг ўзи ҳам шу фикр тарфдорлидан эканлиги яққол кўриниб туради. Бунга қарши ўша давр имом ва олимларидан бўлган Муҳаммад Юнус ўзгача қарашларини баён этади. У кириб келаётган бундай махсулотларнинг давлатнинг ривожланиши, кишиларнинг онгини ошиши ва бу Европа мамлакатлари сари бир йўл бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини илгари суради. Шунингдек, махсулотдан фойдаланибгина қолмай, балки уларни ишлаб чиқари методикаларини ўрганиб, ўз худудларида яратилиши йўлга қўйиш кераклиги таъкидлайди²⁰⁹. Дарҳақиқат, янги кириб келаётган техника ютуқлари биринчи бобда таъкидлаб ўтилганидек, бидъат ҳисобланмайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, жадиждлар даврида чоп этилган мақолалар замирида ислом тарихига бағишланган мавзулар ислом динининг илк диаридан бошлаб, то бугунги кунигача кенг қамровли бўлиб, бунда ислом динидаги кўзга кўринган шахслар ҳаёти ва асарларига алоҳида ўрин берилган. Шунингдек, ҳалол ва ҳаром масалаларига катта эътибор қаралган. Бунинг воситасида эса, ислом шариатининг турли долзарб масалалари ёритиб борилганлиги аҳамиятга молик.

Марказий Осиё минтақасида XIX аср охири XX аср бошларидаги қарашлардан шуни англаш мумкинки, жадиждлар ўзларининг урф-одат, анъанларни ислоҳ этишга бағишланган мақолалари билан ислом шариати

²⁰⁸ <http://forum.ziyouz.com>

²⁰⁹ Бабажанов.Б. Исхак-хан тура ибн Джунайдаллах Хаджа, Мизан аз-заман. Ташкент-Токио, 2001. – Б. 10-13.

нуқтаи назаридан манбаларга суйанган ҳолда мулоҳаза юритганликлари ўз даврининг етук олимларидан бўлганликларидан далолат беради. Даврнинг долзарб мавзуларидан саналган марҳумлар хотирасини ёд этишга қаратилган маросимлар, Биби Сешанба, Мушкул кушод одатлари, авлиёларга назр қилиш ёки шаръий никоҳда куёв томонидан қиз тарафнинг пул олиши каби масалалар Қуръони карим оятлари, ҳадиси шарифлар ва мазҳабимиз доирасидаги фатво китобларига асосланиб ёзилган бўлиб, бу мунозаралар миллатнинг маданий ҳаётини кўрсатиб бериш билан уни ислоҳ қилишга қаратилганлиги диққатга сазовордир.

Ислонинг урф-одат ва маросимчилик талабалрининг аксарияти ўзбек халқининг миллий хусусиятлари билан нафақат қоришиб кетиши, балки миллий қадриятларни ривожланишига ҳам кенг йўл очган бўлиб, диний байрамлар маънавий-маърифий, ахлоқий қадриятлар билан бойитилган. Шунинг учун ҳам миллий қадриятлар билан диний қадриятларни бир-биридан ажратиш бир қанча муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Аммо бу билан миллий анъанларни бойитишга хизмат қилган диний, хусусан, ислом маданияти қоидаларига зарар етказиш иккинчи бир манфаатлар, яъни дин манфаатларига муаммолар олиб келиши мумкин.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, қуйидагиларни бидъатнинг келиб чиқиш сабаблари деб келтириш мумкин:

1. Қуръон ва Суннат таълимотларини билмаслик.
2. Шариатнинг нуқсонсиз ва мукамал эканини тушуниб етмаслик.
3. Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларда бир-бирига зидлик йўқлигини тушуниб етмасли.
4. Суннатнинг аслини ва унинг саҳиҳини билмаслик.
5. Ақлга ҳаддан ташқари ишониб кетиш.
6. Муташобих оят ва ҳадисларга тўғридан-тўғри эргаши кетиш.
7. Ҳавойи нафсга эргашиш.
8. Ота-боболарнинг қилган ишини диндан деб билиш.
9. Баъзи тақлидчилар мазҳабига маҳкам ёпишиб олиш.

10. Тушларга амал қилиш.

Кўрсатилган сабаблардан келиб чиқиб, бидъатга қарши мусулмонлар қилиши керак бўлган баъзи маслаҳатларни кўриб чиқиш ўринли:

1. Қуръони каримни ва суннати муоҳхарани атрофлича, яхши ва пухта ўрганиб унга амал қилиш.
2. Қандайдир гап ёки фикрга нисбатан таассубни тарк қилиш.
3. Диний илмга эга бўлмаган кишиларнинг дин хусусида ваъзхонлик қилишларини ман қилиш.
4. Аҳли сунна ва жамоа ақидавий мазҳаби ҳамда мўътабар фикҳий мазҳабларга хилоф тоифа ва фирқаларни жиловлаш.

Юқорида баён қилинган кўрсатмаларга риоя қилинса бидъатлар сабабли кириб келиши мумкин бўлган зарарлардан сақланиш ва муқаддас динимизни соф ақидалар асосидасида асраш имконияти ошади.

ХУЛОСА

Ушбу магистрлик диссертациясида “бидъат” атамасига берилган таърифлар, унинг турлари ва ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш ҳамда ўлкамизда фаолият олиб борган жадидлар даври матбуотини ўрганиш натижасига кўра қуйидаги хулосаларга келинди:

- “Бидъат” атамаси араб олимлари – Изуддин Ибн Абдуссалом, Иззат Али Атийя, Туртуший, Лакнавий, Шотибий, Али Маҳфуз ва “Мавсуъат ал-Фикҳия” энциклопедияси ҳамда турк олимлари – Аҳмад Фиглалий, Али Челик томонларидан атрофлича ўрганилиб, унинг луғавий ва истилоҳий маънолари кенг очиб берилган ҳамда бир неча тур ва гуруҳларга ажратилган;

- Манбаларда бидъат ҳукм жиҳатдан, эътиқодий ва амалий турларга бўлинган. Пайдо бўлган бидъатлар хусусиятларига кўра турлича таърифланади ва шу таърифлар ичида қуйидаги қисмларга ажратилади “*бидъати ҳасана*” (яхши бидъат) ва “*бидъат саййиа*” (ёмон бидъат)лар. Бидъатлар эътиқодий ва амалий турларга бўлиниб, амалий жиҳатдан вожиб, макруҳ, ҳаром, мандуб, мубоҳ каби турларга ажратилади. Шунингдек, эътиқод ва одатлар юзасидан ҳам турларга бўлиниши аниқланди;

- Атама ҳадис, фикҳ ва калом илмлари доирасида ҳам ўрганилган бўлиб, тўқима ҳадис чиқарганлар, ақидада адашган фирқалар, муташобих оят ва ҳадисларни илмсиз ҳолда шарҳлаганлар “аҳли бидъа”лар деб аталади;

- Пайғамбаримиз (с.а.в) ҳаётлик давларидан кейин динда пайдо бўлган ва унинг асл моҳиятига зарар олиб келмайдиган янгиликларнинг бидъат саналмаслиги маълум бўлди;

- Бидъатнинг фикҳ илмларидаги атамалар урф, маслаҳати мурсала ва истиҳсон билан ўхшаш жиҳатлари солиштирилиб улар орасидаги фарқлар ўрганилди ва бу атамалар ўртасида ҳеч қандай ўхшашлик йўқлиги аниқланди;

- Бидъат сўзи Қуръони каримда ҳам келган бўлиб, янгилик яратмоқ, тўқиб чиқармоқ каби маъноларни билдиради. Лекин бу маънолар

сўзнинг истилоҳий эмас, балки луғавий мазмунини ифода этганлиги аниқланди;

– Атама ҳадис тўпаламларида “муҳдас”, “ҳадаса” (илгари мавжуд бўлмаган бир нарсанинг янгидан пайдо бўлиши) каби синонимлари билан ҳам ифодаланиб, кўпроқ истилоҳий маъносига далолат қилиши ёритиб берилди;

– Олимлар бидъат атамасини маъносига кўра икки гуруҳга кенг ва тор маъноли бидъат турларига ажратадилар. Тор қамровли таърифга кўра, Пайғамбар (с.а.в)дан кейин пайдо бўлган ва динга доир қўшимча ва камчилик олиб келадиган ҳар нарса тушунилади. Кенг қамровли таърифга кўра бидъат эса, Пайғамбар (с.а.в) вафотларидан кейин пайдо бўлган ҳар нарсаларга айтилади. Ўз ўрнида кенг маъноли бидъат ҳам бир неча қисмларга, Пайғамбар (с.а.в) даврлари, хулафои рошидинлар даври, саҳобалар даври ва тобеъинлар давриларига бўлиб ўрганилиши аниқланди;

– Олимлар тарафидан бидъатнинг келиб чиқиш сабаблари ва унга қарши курашиш йўллари ўрганиб чиқилган бўлиб, унинг келиб чиқишига сабаб бўлган омиллар деб, жаҳолат (илмсизлик), илмсиз ҳолда муташобих оятларни шарҳлаш, хоҳишларга берилиш, диннинг асосларига бўйсунмаслик, иккиюзламачилик қилиш кабилар келтирилган бўлиб, бу кўрсатмалар асосида тегишли хулосалар берилди;

– Бидъатларга қарши курашиш жараёнида, уни олиб чиқаётган гуруҳни яхши билиб олиш керак. Асл мақсад аниқлангандан сўнг муҳим қарор чиқарилиши керак. Бунда динга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган жиҳатлар ажратиб олиниши ҳақидаги таҳлил қилиш услублари ўрганилди;

– Марказий Осиё худудидаги бидъат амаллар ўрганилиб, одамлар билан сўровномалар ўтказилди ва шулар асосида халқ орасида бидга қандай муносабат билдирилиши аниқланди;

– XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида йўл қўйилган бидъат амаллар ва маросимлардаги турли исрофгарчиликлар ўрганилиб таҳлил қилинди;

– Жаидлар матбуотида ҳам бидъат амаллари кенг ёритилгани учун бидъат деб саналган ҳолатлар исломшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинди;

– Шунингдек, матбуотга доир манбаларда келтирилган бидъатга қарши курашиш ҳаракатлари ва чора-тадбирлари ўрганилди;

Тадқиқот жараёнида келинган хулосалар натижасида қуйидаги тавсиялар берилди:

- “Бидъат” атамасининг моҳияти, унинг турлари, хусусиятларини очиқ берувчи манбалар қаторини кўпайтириш ва буни халққа етказиб, шу орқали миллатимизни дин хусусида тўғри мулоҳаза юритишлари учун замин ҳозирлаш;

- хурофий урф-одатлар, маросимларга тарғиб қилувчи қўлланмалар ўрнига диннинг асл моҳиятини тушунтириб, муаммоларни тўғри ҳал этиб берувчи нашрлар сонини кўпайтириш;

- телевидение орқали миллий қадриятларнинг софлигини сақлашга йўналтирилган кўрсатувлар сонини кўпайтириш;

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари:

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. - 528 б.
2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. - 134 б.
3. Каримов. И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. - 176 б.

2. Ўзбек тилидаги:

4. Абдужабборов А. Билим имон чироғи. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002. -72 б.
5. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Ал-жомий ас-саҳих. К.2. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.
6. Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. – Т.: Камалак, 1992. -80 б.
7. Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий. Тошкент. 1991.
8. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. –Т.: 2007.
9. Аъзамхўжаев С.С. Туркистонда миллий-демократик давлатчиликни барпо этиш учун кураш // Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, мухториятчилик, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик, мухториятчилик, истиқлолчилик). – Т.: Маънавият, 2001. 142 б.
10. Аъзамхўжаев. С.С. Туркистон мухторияти – жадидлар миллий демократик давлатчилик ғояларининг амалдаги ифодаси //Жадидчилик:

- ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик, ва тараққиёт учун кураш. – Т.: Университет, 1999. -218 б.;
11. Бабажанов Б. Исхак-хан тура ибн Джунайдаллах Хаджа, Мизан аз-заман. Ташкент-Токио, 2001. – 48 б.
 12. Муродов Д. Ҳадисшунослик атама ва иборалари. Т.: Фан, 2009. – Б. 28.
 13. Дейл Карнеги. Қандай қилиб дўст ортириш ва одамларга таъсир кўрсатиш мумкин. – Наманган: Наманган нашриёти, 2007. -54 б.
 14. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Т.: Ўқитувчи, 1994.
 15. Имомназаров М., Эшмуҳаммедова М. Миллий маънавиятимиз асослари /Таҳрир ҳайъати: Ҳ. Кароматов, Н. Иброҳимов ва бошқ. – Т.: Тошкент ислом университети, 2001. 432 б.
 16. Ислом энциклопедияси: А-Ҳ / 3. Ҳуснидинов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. 313 б.
 17. Ислом маърифати. Нашрга тайёрловчилар: Шоазим Миноваров, Нуриймон Абулҳасан. – Т.: Тошкент ислом университети, 2005.
 18. Ислом. Справочник. – Т.: Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 1989.
 19. Кароматов Ҳ.С. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. – Т.: 2008.
 20. Насриддинов Қ. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. – Т.: 1996.
 21. Саттор М. Ўзбек удумлари. – Т.: Адолат, 2004.
 22. Соатов Ғ. Халқ байрамларининг этно-фольклор хусусиятлари. – Н.: 1992.
 23. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида (1870-1970 йиллар)/ С.Шодмонова; ЎЗР ФА тарих институти. – Т.: Yangi nashr, 2011. – 296 б.
 24. Улуғбекова З.А. “Ал-Ислоҳ” журнали Туркистоннинг диний-маърифий ҳаётини ўрганишда ноёб манба. ТИУ илмий таҳлилий ахбороти, – Т, 2006. -№3. 34-35 б.

25. Улуғбекова З.А. Диний ва дунёвий масалалар уйғунлиги (“Ал-Ислоҳ” журналі мисолида). Имлм ал-Бухорий сабоқлари, – Т, 2008. -№3. -21 б.
26. Улуғбекова З.А. Ўзбек халқи ҳаётида диний кадрятларнинг аҳамияти, ТИУ аспирантлар илмий амалий анжумани маъруза тезислари тўплами. – Тошкент, 2008.
27. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т.7. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004.
28. Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: А. Мансур. / Таҳрир ҳайъати: Алимов У.Обидов ва бошқ. / Масъул муҳаррир: Абдуҳалимов Б. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007. 624 б.
29. Қиссаи Биби Сешанба, Биби мушкул кушод, Қиёматнома. Нашрга тайёрловчилар: Муҳаммад Амин Олимжон Жўра ўғли, Нуриддин Муҳаммад ўғли. – Жиззах, 1992.
30. Қорабоев У. Ўзбек халқ байрамлари. – Т.: Шарқ, 2002.

4. Рус тилидаги:

31. Андреев М.С. Женская богиня «госпожа вторник», покровительница прях // Религиозные верования народов СССР. – М., 1931. – Т.1. -311 с.
32. Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. АН СССР институт этнографии им. Н.Н. Миклухо-Маклая. Сборник статей. – М.: «Наука», 1975. -340 с.
33. Ислам энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991.
34. Семья и семейные обряды у народов Средней Азии и Казахстана. АН СССР, - М.: Наука, 1978. -216 с.
35. Сухарева О.А. Ислам в Узбекистане. – Т.: АНУзССР, 1960.

5. Шарқ тилларидаги:

- 36.Абу Исо Термизий. Ал-жомеъ ас-саҳиҳ ва ҳува сунан Термизий. – Байрут: Дор ихйо ат-тирос ал-арабий. 1995.
- 37.Абу Довуд. Сунан. – Байрут. Дар ал-кутуб илмия. 1996/1416.
- 38.Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Жавзийя. Тухфат ал-мавдуд би-аҳкамил-Мавлуд. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 1999. – Ж.1.
- 39.Абдулҳай ал-Лакнавий. Иқомат ал-ҳужжа. – Ҳалаб., 1386/1966.
- 40.Алию-л-Қорий. Мирқот ал-мафотих шарҳу мишкот ал-масобих. – Байрут. 1414/1994. – Ж.2.
- 41.Али Маҳфуз. Ал-Ибда фи мадаррат ал-ибтида. – Байрут: Дар ал-Эътисом, 1375/1956.
- 42.Али Челик. Kavram ve Mahiyet Olarak Sunnet ve Bid'at. – Истанбул. 1997.
- 43.Бадриддин Айний. Ал-Биноя шарҳ ал-ҳидоя. – Байрут, 1980. – Ж.2.
- 44.Бирғивий. Тариқати Муҳаммадия. – Истанбул, 1981.
- 45.Дориқутний. Сунан ад-Дарақутний. Байрут. Дар ал-кутуб илмия. 1996/1417. – Ж. 1.2.
- 46.Зобидий. Тож ал-арус. Байрут. Дар ал-аҳяи ат-турос. 1965/1385.
- 47.Заҳабий. Ал-Мунтақо мин миҳаж ал-эътидол. – Қоҳира, 1987.
- 48.Ибн Манзур. Лисон ал-араб. – Байрут: Дар ал-фикр, 1997. 863.
- 49.Ибн Можа. Сунан. – Байрут.: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1998/1419.
- 50.Ибн Жавзий. Талбису иблис. – Дамашқ, 1396/1976.
- 51.Ибн Обидийн. Рад ал-Мухтор. – Байрут: Дар ал-кутуб илмия. 1994/1415.
- 52.Ибн Ҳанбал. Муснад. – Байрут: Муассаса ар-рисала.1999/1420.
- 53.Ибн Ҳишом. Ас-Сийра ан-набавийя. – Байрут: Дор ат-тирос ал-арабий, 1997.
- 54.Имом Муслим. Саҳиҳул Муслим. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 1998. – Ж 3.

- 55.Имом Раббоний. Мактуботи Раббоний. – Истанбул: Баязит, 1977. – Ж 1.2.
- 56.Ибн Хажар Аскалоний. Фатх ал-борий. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 1997/1418.
- 57.Имом Нававий. – Байрут: Дар ал-кутуб ал-илмийя, 2000/1421.
- 58.Ибн Саъд. Тобақат ал-кубро. – Байрут, 1984. – Ж.3.
- 59.Ибн Салоҳ. Улум ал-ҳадис. – Дамашк, 1986.
- 60.Иззат Али Атийя. Ал-Бидъа. – Байрут: Дар ал-кутуб илмия, 1982.
- 61.Ибн Форис. Мўъжам миқёс ал-луға. – Қоҳира: Дар ал-мактаба, 1368.
- 62.Ибн Хажар. Ал-Исоба фий тамйиз ас-саҳоба. – Байрут: Дар ал-кутуб илмия, 1328.
- 63.Ибн Халдун. Муқаддима. – Истанбул, 1988. – Ж.1.
- 64.Ибн Ражаб Ҳанбалий. Жомеъ ал-улум вал ҳикам. – Байрут: Дар ат-турос, 1415.
- 65.Изуддин ибн Абдуссалом. Қоваид ал-аҳком фи масалиҳ ал-анъом. – Байрут, 1981.
- 66.Муҳаммад Абу Заҳро. Усул ал-фикҳ. – Анқара, 1979.
- 67.Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Хатиб ат-Табризий. Мишкат ал-масабиҳ. – Байрут: 2001. – Ж .1.
- 68.Муҳаммад Мавлоно Абу Саъид Ходимий. Ал-Барика. – Истанбул. 1981.
- 69.Молик ибн Анас. Муватто. – Байрут, 1406/1985.
- 70.Насоий. Сунан. – Байрут: Дар ал-кутуб илмия. 1995/1416.
- 71.Саховий. Фатх ал-муғис.– Байрут, 1403/1984. – Ж.3.
- 72.Суютий. Тадриб ар-ровий. – Байрут: Дар ал-кутуб илмия. 1989/1409. 416 б.
- 73.Турутший. Китаб ал-ҳавадис вал бидъа. – Риёз, 1411/1990.
- 74.Таҳонавий. Кашшофу истилахат ал-фунун. Истанбул, 1994. – Ж.2.
- 75.Фиғлалий. А. П. Çağımızda İtikâdî İslam Mezhepleri. – Анқара: Козан офсет, 1983.

76. Хайридин Зириклий. Ал-Аълум. – Байрут: Дар ал-илм лилмалайн, 1998. – Ж.2.
77. Х. Караман İslâm'ın Işığında Günün Meseleleri. – Истанбул, 1982. -300 б.
78. Хатиб ал-Бағдодий. Ал-Кифая фи илм ар-ривая. – Байрут, 1406/1986.
79. Шахристоний. Ал-Милал ван нихал.– Қоҳира., 1961. – Ж.2.
80. Шотибий. Ал-Эътисом. – Байрут: Дар ал-маърифат. 1405/1985.
81. Қуртубий. Жомеъ ал-аҳкам ал-Қуръан. – Қоҳира: Дар ал-мактаба, 1372/1952.

6. Интернет сайтларидан олинган манбалар:

82. http://muslimaat.uz/index.php?option=com_content&task=view&id=492&Itemid=26. Муроджон Абдулхамидов Биби сешанбанинг «жаннат» кавуши.
83. <http://forum.ziyouz.com/index.php?topic=1735.msg80164>
84. http://www.en.wikipedia.org/wiki/Day_of_Ashura - 99k
85. http://www.kultur.gov.tr/TR/Tempdosyalar/211260__umidiy.pdf
86. <http://www.uztour.biz/zangiatta.htm>